

ISSN 2181-1792

F I L O L O G I K tadqiqotlar

Ilmiy jurnal

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ исследования

Научный журнал

PHILOLOGICAL research

Scientific journal

№1 - 2021

Filologik tadqiqotlar

Филологические исследования

Philological research

Илмий журнал

Муассис: “Filolog” МЧЖ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 08.01.2021 йилда 1147 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

№ 1

2021

Бош муҳаррир: Акбар Худойқулов

Таҳрир ҳайъати:

Шуҳрат Сирожиддинов,
Абдураҳим Маннонов,
Муслиҳиддин Муҳиддинов,
Ҳамидулла Болтабоев,
Ҳамидулла Дадабоев,
Зоҳиджон Исломов,
Қосимжон Содиков,
Боқиҷон Тухлиев,
Маматқул Жўраев,
Нафас Шодмонов,
Абдуғафур Қосимов,
Жалолиддин Жўраев,
Бахтиёр Абдушукоров,
Салимахон Эшонова,
Пошшажон Кенжаева,
Санъатжон Сариев,
Рихситилла Алимухамедов.

Таҳририят:

Масъул котиб: Озодбек Алимов

Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

Саҳифаловчи ва дизайнер: Азиз Ёқубжонов

«Filologik tadqiqotlar» журнали - филологиянинг долзарб мавзуларга бағишиланган ўзбек, рус ва инглиз тилларидағи илмий мақолаларни нашр қиласиди.

МУНДАРИЖА

МАТН ВА МАНБА ТАДҚИҚИ

Азиз Қаюмов

Низомий Ганжавий “Хамса”си ва “Ҳафта пайкар” достонининг ўзбек тилига таржималари ҳакида4

Бахриддин Умурзоқов

“Рашаҳот” асарида хожагон тариқати (йўли) асосларининг тафсилотли баёни таҳлили.....19

Озодбек Алимов

“Хамсат ул-мутаҳайирийн” нинг дунё фондларида сақланаётган нодир “Куллиёт”лардаги тавсифи.....27

ТИЛ ВА АДАБИЁТ МАСАЛАЛАРИ

Ҳамидулла Дадабоев

“Бобурнома” матнида номлари зикр қилинган Амир Темур саркардаларининг таржимаи ҳолига бир назар.....31

Тўлқин Сайдалиев

Аслият бадииятини таржимада қайта яратиш маҳорати.....38

Нилуфар Хадиметова

Типы стихосложений в Бабурнаме: стихи известных авторов.....42

Санъатжон Сариев

Туркий халқлар фолклорида «Гўрўғли» достонларининг шакилланиши.....51

Пошшажон Қенжаева

Замонавий турк ҳикояларида янгиланиш тамойиллари 58

Мехринисо Қаюмова

Замонавий турк драматургиясининг ёрқин сиймоси.....63

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК

Игорь Шпак, Алла Истомина

Поэма «Фархад и Ширин» на украинском языке67

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ “ХАМСА”СИ ВА “ҲАФТ ПАЙКАР” ДОСТОНИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАЛАРИ ҲАҚИДА

Аннотация

Ушбу мақола Низомий “Хамса”си талқинига бағишенгандык яхлит тадқиқотнинг бир бўлаги бўлиб, унда “Ҳафт пайкар” достонининг мазмун моҳияти асл нусха ва унинг қардош тилларга, жумладан ўзбек тилига ўгирилган таржималари хусусида сўз боради. Бунда Мухаммад Ризо Оғаҳий томонидан XIX асрда амалга оширилган достоннинг насрый баёни билан 2016 йилда нашр этилган Низомий “Хамса”сининг назмий таржимаси қиёс қилиниб, ҳар иккисининг ҳам ютуқ ва аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: достон, хамса, таржима, насрый баён, муаррих, таржимон, ҳафт пайкар, истифода, мутафаккир.

Аннотация

Эта статья является частью всестороннего исследования, посвященного tolkovaniyu произведения Низами «Хамса», в которой рассмотрены содержание эпоса «Хафт пайкар» в оригинале, его перевод на родственные языки, в частности, на узбекский. В статье дается сравнительный анализ изданного в 2016 году поэтического перевода «Хамсы» Низами и прозаического описания эпоса, выполненного Мухаммадом Ризо Оғаҳи в XIX веке, и раскрыты достижения и значимость этих трудов.

Ключевые слова: эпос, хамса, перевод, прозаическое изложение, историк, переводчик, неделя пайкар, использование, мыслитель.

Annotation

This article is part of a comprehensive study of the interpretation of Nizami's Hamsa, which examines in the original the content of "Haft paykar" epic and its translations into related languages, including Uzbek. It compares the poetic translation of Nizami's Hamsa, published in 2016, with the prosaic description of the epic by Muhammad Riza Ogakhi in the 19th century, and reveals the achievements and significance of these works.

Keywords:epos, hamsa, translation, prosaic utterance, historian, translator, week of Paykar, use, thinker.

Шарқ халқлари, айниқса форс-тожик адабиётида ўзининг ўлмас бадиий, илмий асарлари билан катта ўрин эгаллаган шоир ва мутафаккир Низомий Ганжавий ўз “Хамса”сини яратиб жаҳон адабиётида мисли кўрилмаган бир анъанани вужудга келтирди. Хамсанавислик шундай чуқур илдизларга эгадир. Чунки асрлар давомида бу иш ривож топди ва жаҳон маданий-адабий меросини ўлмас асарлар билан бойитди. Айниқса, Ни-

зомийдан сўнг “Хамса” яратган Хусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий каби улуғ шоир ва мутафаккирларнинг яратган достонлари бу фикрни тўла асослаб турибди.

Низомий асарларининг форс тилидан қардош тилларга, жумладан озарбайжон тилига қилинган таржимаси нашрлари борлигининг ўзи Низомий Ганжавий ижодининг адабиётлар ўргасида ҳамкорликни кучайтиришда юксак ўрин тутганини кўрсатиб туради. XIX асрда Хоразмда Низомийнинг “Ҳафт пайкар” достони машҳур шоир, муаррих ва таржимон Мухаммад Ризо Огаҳий томонидан тожик-форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган эди.

Асрлар давомида Низомийнинг ижодий мероси ўзбек-озарбайжон халқлари ўртасидаги биродарлик ва қардошликтининг ёрқин намунаси бўлиб келмоқда. Бу ҳамкорлик ўсиб тобора тараққий топа бормоғи шак-шубҳасиздир.

Низомий асарларининг ўзбек тилига шеърий таржима қилиниши ва китоб ҳолида нашр этилиши катта воқеадир. Бу асарларни тожик-форс тилидан ўзбек тилига шеърий таржимасини аruz вазнида ўзбек шоири Олимжон Бўриев XX-XXI асрлар давомида амалга оширган. Бу меҳнатсевар ва талантли шоирнинг анчагина шеърий китоблари, достонлари нашр этилган. Аммо ижодида бош ўрин эгаллаган иши бизнинг соҳа бўйича мумтоз форсийзабон шеъриятнинг улуғ намояндадаридан Низомий Ганжавийнинг “Хамса” ҳамда Абдураҳмон Жомийнинг “Етти тахт” достонлари туркумини ўзбек тилидаги шеърий таржималарини амалга оширганидир.

Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, достонларининг ўзбек тилидаги нашри 2005 йил Техронда “Ал-Ҳидо” нашриётида чоп этилди. “Махзан уласрор” эса 2013 йили китобхонларга ўзбек тилида тақдим этилди.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳали Низомий, Хусрав Дехлавий ва Абдураҳмон Жомийга бағишланган улкан илмий тадқиқотлар бундан буён кўп яратилмоғи керак.

Мен Олимжон Бўриевнинг Низомий “Хамса”си бўйича яратган шеърий таржималарини юксак малакали, талантли, меҳнатсевар шоирнинг катта ютуғи деб ҳисоблайман.

Огаҳий насрый баён этган “Ҳафт пайкар” (“Етти гўзал”) достони билан шу достоннинг янги назмий таржимаси хусусида сўз юритамиз. Бу кичик тадқиқотимизда шеърий мисоллар тожик-форс тилида келтирилди. Китобхон Низомий ёзган айрим оригинал нусха парчалари билан ҳам танишса деган мақсадда шундай қилдим.

НИЗОМИЙ ВА УНИНГ “ҲАФТ ПАЙКАР” ДОСТОНИ ТЎҒРИСИДА

Шарқ шеъриятининг мумтоз арбобларидан бири Илёс Юсуф ўғли Низомий Ганжавий 1141 йилда ҳозирги Озарбайжоннинг Ганжа шаҳарида дунёга келди.

Ганжа Шимолий Озарбайжон – Арроннинг пойтахти эди. Бу шаҳар ўша пайтларда катта маданий марказ сифатида танилган, ривож топган, обод ва улкан бир шаҳар бўлган.

Бўлажак шоир Илёс болалик вақтида ота ва онасидан айрилиб етим қолди. Унинг тарбияси билан тоғаси Хожа Умар шуғулланди. Тоға ўз жиянининг яхши тарбия олмоғи, илмларни чуқур ўрганмоғига катта аҳамият берди, моддий ва маънавий ёрдамини ундан аямади.

Ёш Илёс она шаҳри Ганжада таҳсил олди. У араб тилини ўрганди, диний билимларни яна тарих, география, фалсафа, мантиқ ва адаб илмларини тўла эгаллади. Бундан ташқари тиб, астрономия каби табиий илмларни таҳсил қилди.

Илёс айниқса адабиётга катта меҳр қўйди. Қадимий юонон, паҳлавий, яхудий ва насроний китобларини қизиқиб ўқиди. Халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганди. Натижада, ёш олим ва шоир ўз юртида Низомий Ганжавий номи билан тарихга кирган буюк шоир ва мутафаккир бўлиб етишиди.

Низомийнинг бутун умри асосан ўз ватани Ганжада кечди. Фақат 1186 йили шоир Табриз шаҳарида бўлган. Бу ерда Низомийни маҳаллий ҳоким Қизил Арслон катта хурмат билан кутган.

Низомий Табризда эканида ўз шеърларининг бу шаҳардаги халқ орасида кенг ёйилгани, қўшиқчилар томонидан куйланаётганларига шоҳид бўлган. Табризда кўп турмасдан Низомий тезда ўз ватани Ганжага қайтди. У бир чекка жойда маскан қилиб ижод билан шуғулланди. Низомий ҳеч қачон сарой шоири бўлган эмас.

Дарбанд ҳокими Байбарс ибни Малик Музaffer (1155-1170) Низомийни ўз саройига жалб этмоқ учун қўп ҳаракат қилди. У шоирга қўп совғалар йўллади. Яна Офоқ исмли канизани ҳам шоир хизматига юборди. Офоқ туркларнинг қипчоқ уруғидан эди.

Низомий Офоққа кўп меҳр билан муносабатда бўлди. Шоир Офоқни “Бути қипчоқ” деб атар эди. Низомий Офоқдан бир ўғил кўрди. Унинг оти Муҳаммаддир.

Низомий 1209 йил 12 марта Ганжа шаҳарида дунёдан ўтди. Ҳозир унинг вафот этган жойида муҳташам бир мақбара бино этилган.

Низомийнинг ижодий мероси бир девон (шеърлар тўплами) ва беш достондан иборат “Хамса” (Бешлик) китобидан ташкил топган.

Низомий “Хамса”сига қуидаги беш асар киради. “Махзан ул-асрор” (“Сирлар хазинаси”); “Хисрав ва Ширин”; “Ҳафт пайкар”; “Лайли ва Мажнун”; “Искандарнома” (бу асар икки бўлимдан – “Шарафнома” ва “Иқболнома”)лардан иборат. Низомий ўз “Хамса”сининг охирги асари “Искандарнома”ни 1202 йили ёзиб тугаллаган.

“Ҳафт пайкар” Низомий “Хамса”сидаги тўртинчи достондир. У 1197 йили 31 июлда охирига етган.

Низомий ўз достонида инсонпарварлик, халқпарварлик ваadolatparvar ғояларини ташвиқ этади.

Баҳромнинг отаси Яздигард золим ва адолатсиз подшоҳ эди. Баҳромнинг шундай бўлишидан хавотир тортган аъёнлар Баҳромни отасининг вафотидан кейин таҳтга чиқармоққа журъат этмадилар. Баҳром шахсий мардлик кўрсатиб икки шер орасидан таҳтни тортиб олди. Ҳокимиятни эгаллагач, олдин адолат билан иш юритди. Сўнг етти гумбазда айш суриб давлат ишларидан четланди. Натижада, золим вазир халқقا зулм ўтказиб кўп бегуноҳ кишиларни зиндонга ташлади, давлатнинг хазинасини бўшатди, қўшинни тарқатиб юборди. У сотқинлик қилди. Чин ҳоқонини бу мамлакатга бостириб келмоққа ундали. Баҳромнинг шоҳлик ҳокимиятига путур етказиб, уни хавф остида қолдирди.

Фақат Баҳром айшу ишратни тарқ этиб мамлакатда адолат ўрнатиб, золим вазирни жазолагандан сўнграгина халқ Баҳромга ишонч ҳосил қилдилар. Шунинг натижасида Чин ҳоқони ҳам Баҳром билан урушдан воз кечиб ўз юртига қайтиб кетди. Демак, халқнинг тинч, осойишта ҳаётини таъминлаш, уни зулм ва бедоддан сақлаш, адолат билан ҳукмронлик қилмоқ мамлакатнинг, халқ ҳаётининг фаровон бўлмоғига боисдир. Низомий таъкидлайдики, кишининг бутун ҳаёти ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилмоғи керак.

“Ҳафт пайкар”даги етти ҳикоят (афсона) ҳам ана шундай эзгу ғояларни ташвиқ этади.

“Ҳафт пайкар” достони шарқ адабиётида кенг шухрат топган, у хамсанавислика үзига хос ўрин эгаллади. Низомийдан кейин “Ҳамса” яратган улуғ шоирлар “Ҳафт пайкар”нинг янги намуналарини ижод қилганлар. Ҳиндистонли форсийзабон шоир Хисрав Дехлавий (1253-1325) “Ҳамса”сидаги “Ҳафт пайкар”, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий (1441-1501) “Ҳамса”сидаги “Сабъаи сайёр” (“Етти саёхатчи”) достонлари шулар жумласидандир. Низомий “Ҳамса”си, шу жумладан унинг “Ҳафт пайкар” (“Етти гўзал”) достони узоқ йиллардан бери мутахассислар томонидан ўрганиб келинади. Аммо унинг асл нусхадаги форс тилидан ҳозирги тилларга тўла шеърий таржимаси амалга оширилган эмас эди.

Машхур шарқшунос олим Евгений Эдуардович Бертельснинг фикрига кўра, улкан асарларнинг наслий таржималари қўпроқ фойда келтиражак. Е. Э. Бертельс ёзади: “Шеърий таржималарнинг зарурлигини эътироф этмоқ керак. Улар агар муваффақиятли чиққудек бўлсалар, улкан бадиий асарларга айланадилар. Аммо мен ҳисоблайманки, улар билан бир қаторда бадиий насрда қилинган таржималарни ҳам нашр этмоқ керак. Улар асл нусхани китобхонга етказадилар. Бу таржималар Низомийнинг маҳоратини очиб берувчи изохлар билан таъминланмоғи ҳам керак. Ана шундай наслий таржималар адабиётшунос мутахассисларга, қардош соҳаларда ишловчиларга жуда катта фойда етказадилар” [1. С.23].

XIX аср буюк ўзбек шоири Огаҳий ва унинг замондоши хон ва шоир Феруз бу нарсани тушунгандар. Шунинг учун ҳам XIX асрнинг III чорагида улар Низомийнинг “Ҳафт пайкар” достонининг ўзбекча наслий таржимасини яратмоққа аҳамият берганлар. Бу вазифани Муҳаммад Ризо Огаҳий амалга оширган.

“Ҳамса”нинг тўртинчи достони “Ҳафт пайкар” – “Етти гўзал” афсонавий Баҳром ва қанизаги ҳақида. Шоҳ Баҳром - бу достоннинг асосий қаҳрамони. Аммо достон мундарижасининг асосий бўлаклари етти қасрда жойлашган етти мамлакатнинг вакиллари бўлган қизлар. Уларнинг ҳар бири ўз мамлакати подшоҳларининг қизлари.

Баҳромшоҳ қўшни мамлакатларга элчилар жўнатган. Улар ўша ерларга катта совғалар олиб бориб ўша мамлакат маликалари бўлмиш бу қизларни Баҳром хузурига келтиргандар. Бу етти гўзал етти ҳашаматли қасрларда яшайдилар ва ҳафтанинг етти кунида ҳар бири Баҳромшоҳни азиз меҳмон сифатида қутадилар. Мана шу қизларнинг рўйхати: Ҳинд маликаси Фураки, Чин маликаси Жағманози, Хоразм маликаси Нозпари, Рус маликаси Насриннўш, Мағриб замон (Африка) маликаси Озарйуну, Рум маликаси Ҳумой, Эрон маликаси Дурсати.

Ўша қасрларда меҳмон бўлган Баҳром бу гўзаллардан ҳар кеча бир ҳикоя тинглайди. Достонда бу ҳикояларнинг тутган ўрни жуда муҳим.

Бу асар тамоман ўзгача мураккаб вазнда ёзилган. Барча хамсанавислар мазкур достонга жавоб ёзишган. Аммо Абдураҳмон Жомий “Ҳафт пайкар” вазнида бир маснавийим бор эди, - дейди.

Бу таржима бизнинг давримизда Огаҳий асарлар тўпламининг IV жилдида босилган. Бу нашрда таржимага Огаҳийнинг ёзган дебочаси қисқартирилган ҳолда киритилган. Дебочада Огаҳий бундай деб ёзади: “...ҳазрати халофатпаноҳ, салтанат дастгоҳ... Сайд Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон (Феруз)... бу бандай ҳақиқар ва ихлоси тахмир Муҳаммад Ризо мироб ал-муталлис бил Огаҳий ҳазрати шайх Низомийнинг “Ҳафт пайкар” отлиғ

китобин, Баҳромшоҳнинг ҳолоти воқеоти қиссаси турур, наср тариқаси бирла таржима қилиб туркий таснифиға киргумак хизматин буюрдилар”[3. С.7].

Шундан маълум бўладики, Огаҳийга Феруз томонидан Низомий “Ҳафт пайкар” достонининг ўзбек тилига таржимасини наср йўли билан амалга ошироқ буюрилган. Бу усулини ҳозир насрй баён деб атаймиз. Бундан мақсад ушбу достоннинг таржимаси кенг китобхонлар оммасига тушунарли бўлмоғидир. Демак, ушбу таржима фақат сарой муҳитига доир адабиёт аҳли учун эмас, балки кенг китобхонлар жамоатчилигига мўлжалланган. Зотан сарой аҳли Низомий достонини асл форсий нусхасида ўқийдиган ва тушуна оладиган маълумотли кишилардан иборат бўлгани аёндир. Шунинг учун бўлса керак, Огаҳий таржимада достоннинг қисқартирилган мазмунинигина келтиради.

ДОСТОННИНГ БОШЛАНИШИ

Эроннинг пойтахти Мадойин шаҳари эди. У ерда Сосоний сулоласидан Яздижурд бинни Шопур подшоҳ эди. У ғоят золим, ситамкор киши бўлган. Унинг кўп фарзандлари бўлган, бироқ улар турмаган. Охири у бир ўғил кўрди. Отини Баҳром қўйди.

Мадойиннинг ҳавоси ёмон бўлганидан болани ҳушҳаво вилоят Яманда тарбия қилмоқ лозим топилди. Баҳромнинг тарбияси Яман ҳокими Нўъмоншоҳга топширилди. Нўъмоншоҳ Баҳромни Яманга олиб кетди, у ерда бола тарбиясини донишманд дояларга юклиди.

Бошланишнинг Огаҳий таржимасида асл нусхадаги баъзи воқеалар тушириб қолдирилган. Низомий Ганжавий “Хамса”сининг 2016 йил (Олимжон Бўриев назмий таржимаси) нашри тадқиқотимизни тўлдиради.

Шу хил иқболила туғилди Баҳром,
Отаси Яздижурди хомандеш
Пухталик этди, кўрди толейи хеш.
Ул не у пиширгай, ҳама хомдур,
Тухми бедод бадсаранжомдур.
Ундан олдин ҳолатеки йигирма йил
Яшамади туғилсада неча ўғил...
Отаси чорлади ҳоким Нўъмонни
Ва унга топширди Баҳром ўғлонни.
Тоинки Яманда қилса парвариш
Ҳам сир сақланса бу сиёсий иш [4 С.336].

Чунончи, Низомий қўрсатадики, Яздижурд ўз атрофидаги аъённинг унга душманлик билан қарашидан хавотир қиласар эди. Шунинг учун у ягона вориси бўлмиш ўғлининг ҳаётига қасд қилинмоқ эҳтимолидан чўчиган. Шунинг учун болани Яманга жўнатган. Огаҳий таржимасида бу ҳол кўринмайди.

ҲАВАРНАҚ ҚАСРИ

Баҳром тўрт ёшга кирганда Нўъмон унинг учун бир кўшк бино қилмоқни ўйлади. Бир мусаффо, ҳушҳаво, кенг савзазор ўртасидаги баланд ерда қаср қуриладиган бўлди. Яман усталари бундай қаср курмоқдан ожиз эканларини айтдилар. Уларнинг таклифига кўра Рум мамлакатидан Сом наслидан Симнор деган бир иморат қуриш ва наққошликда

мохир устани келтирдилар. Симнор беш йил ичида шундай ажойиб қаср қурди, бу қасрнинг кунгира ва гумбазлари фалак қўргонига етар эди. Ундаги тилло нақшлар ва безакли сувратлар кишини ҳайратда қолдира, мусаффо деворлари ойнадек ярақлар эди. Қаср бир кеча-кундузда уч хил рангга эга бўлар эди: тонг отганидан офтоб чиққунгача кўк ранг, офтоб чиққанидан то кун ботгунгача сариқ ранг, намоз шомдан сахаргача оқ рангда бўлар эди.

Бу қасрга Хаварнақ деб от қўйдилар. Нўъмоншоҳ меъмор Симнорга кўп олтин ва гавҳарлар бериб хурсанд қилди. Бу бой совғаларни кўрган Симнор деди: Агар бундай иш ҳақи олмоғимни билганимда бу қасрдан кўра юз чандон яхшироқ қаср қурган бўлар эдим. Нўъмоншоҳ бу сўздан хавотир топди. Бундан яхшироқ қасрни бошқалар учун қуриб, бизни доғда қолдирмасин деб Симнорни кўшк устидан ташлаб ўлдиртириди. Огаҳий ўз таржимасида ана шу воқеаларни муфассал келтирган. Симнорнинг яна бир қаср қуражаги ва унинг қаршисида Хаварнақнинг бир катак каби туйилиши мумкинлиги тўғрисидаги сўзларини тўла келтирган. Аммо Огаҳийнинг насрый баёнида бу воқеадан сўнг Низомийнинг хулоса қилиб айтган сўzlари учрамайди. Улар қўйидагичадир:

Бехабар буд аз уфтодани хеш
Кон бино бар кашад сад газ беш.
Гар зи гўри худаш хабар будий
Як бадист аз се газ найафзудий [2. С.76].

Маъноси:

Ўзининг унинг устидан йиқилишини билмай
Бинони юз газдан ортиқроқ қилиб қурди.
Агар гўридан хабари бўлганида бир қулочдан
Уч газ ортиқ қилмаган бўлар эди.

Назми:

Ўз йиқилишидан эди бехабар,
Бинони юз газдан баланд кўтарар.
Гўри бўлишини билса у точанд,
Бир йўла уч газдан этмасди баланд [4. С.338].

Симнорни шу тарзда ҳалок этгандан сўнг Нўъмоншоҳ бир куни доно вазиридан дашном эшитди. Бу вазир Исо пайғамбарнинг ёнида бўлган киши эди. У Нўъмоншоҳга, агар сен ҳақни таниб уни бир деб билсанг, бутун мулку молингдан воз кечиб чиқиб кетган бўлар эдинг, дейди. Вазирнинг бу ўтлуғ сўзи Нўъмоншоҳга қаттиқ таъсир қилди. У кечқурун кўшкдан тушиб саҳрого чиқиб кетди ва ғойиб бўлди. Чунки Нўъмон тушди равоқдан ба зер, Биёбонга юзланди бамисоли шер. Ганжу мамлакатни тарк этди нохос. Уни ахтара-ахтара топаолмадилар. Ниҳоят, ғам ва мотам тугагач, Нўъмоншоҳнинг ўғли Мунзир отасининг ўрнига таҳтга ўлтириди.

Огаҳий асар қаҳрамони Баҳромнинг тарбиясига оид лавҳаларни тўла, қисқартирмай таржима қилган. Бу таржима китобхон учун енгил тушунарли тарзда ҳамда қизиқарли йўсинда бажарилган.

Баҳромни асрарди жон каби азиз,
Отасидек. Балки унданда лазиз.
Яхши ўғули бор эди Мунзир ном
Бир доя сутини ичган бо Баҳром [4.С.346].

Нўймоннинг ўғли Мунзир билан Баҳром бирга ўсди. У билан бир доянинг сутини эмди, бирга ўқиди ва тарбия олди. Ўрганган илмлари тўғрисида Огаҳий ёзади: “арабий, форсий ва юнон лафзлариға, алқисса, жамеъ илмга маҳорат топиб, фазлу донишда якто, беназир бўлиб, ондин сўнг сипоҳийлик ишиға машғул бўлди”. Аммо Огаҳий бу ерда астрономия, астрология илмларини кўрсатмаган.

Таржимон асарни насрый баёнда қисқартириб бермоғи керак бўлган, шунинг учун ҳам бу илмлар рўйхатини тушириб қолдирган бўлиши мумкин.

Аммо ҳарбий билимларни таржимон тўла сақлаган: “ўқ отмоқ, қилич урмоқ ру-сумида ва найзабозлик ва сайд андоғлиқ фунунида ул мартабага етишдиким, агар ўқни тошға отса, ҳарирдан ўтқондек ўтар эрди ва агар қилични темурға урса сувни кескондек кесар эрди”.

Огаҳий Баҳром тўғрисидаги ҳикоянинг таржимасини давом эттирад экан, Баҳромнинг айниқса қулон (гўр, ёки ёввойи эшак) овига берилганини кўрсатади. Аммо тутилган қулон тўрт ёшдан кичик бўлса унга тамға босиб қўйиб юборар эди. Бошқа овчилар ҳам тамғали ҳайвонга тегмас эдилар. Таржимада Баҳромнинг бир қулонга йўлбарснинг ёпишганини кўриб бир ўқ билан иккаласини бир-бирига тикиб ўлдиргани; бу ҳол кейинчалик Хаварнақ қасри деворида суврати солингани яхши баён этилган.

Шунингдек, Баҳром ов пайти бир қулонни қувиб бориб, унинг ортидан бир ғор оғзига келади. Бу ерда бир аждаҳо халқа бўлиб ётар эди. Баҳром икки пайконли ўқ отиб унинг ёниб турган икки кўзини кўр қилди. Сўнг отдан тушиб ойболта билан аждаҳонинг бошини пора-пора қилди ва қорнига ханжар уриб ишини тугатди. Сўнг ғорга кириб у ерда жуда кўп олтин солинган хумларни кўрди. Сўнг Баҳромнинг лашкари бу ерга етиб келди. Баҳром уч юз тевага юклangan олтинларни Хаварнақ қасрига келтирди. Бир бўлагини отаси Яздижурдга юборди; бир бўлагини Мунзирга берди. Бир бўлагини эса ўз одамларига сарф қилди. Бу қаҳрамонликнинг ҳам Хаварнақ қасри деворларига суврати солинди.

Огаҳий Низомийнинг достони матнидан узилмайди. Айни замонда унга қарам ҳам бўлиб қолмайди. Огаҳий таржима услубининг бош қоидаси шу. У мазмунни ўкувчига етказмоқ йўлидан оғишмай боради. Назмий асарнинг насрда таржима қилиниши эса ёзувчи-таржимонга бу борада анча қуладай имконият туғдирган.

Огаҳий Баҳромнинг сахро сайридан келиб Хаварнақ қасрини томоша қилганини муфассал таржима қилган. Бу ердаги бир ҳужрада Баҳром ўзининг етти иқлим гўзаллари билан қурадиган сұхбатларини акс эттирувчи сувратни кўрди. Бу келажакдан башорат эди.

ҲОКИМИЯТНИ ЭГАЛЛАШ

Эронда Яздижурд вафот этди. Юрт бошчилари Кисро деган мўйсафид кишини таҳтга ўлтириғиздилар. Улар Баҳромнинг ўз отаси каби золим ҳукмрон чиқмоғидан чўчир эдилар. Кисро юртни осойишта ва фаровонликда тутди. Баҳром эса бундан дилгир бўлди ва Мунзир ёрдамида катта қўшин тўплаб Эрон сари йўл олди.

Огаҳий тарихий хроникани қисқача баён қилади. Аммо достоннинг яратилишига оид шоир Низомийнинг айрим сўзларини тушириб қолдирган. Масалан, Низомий ўз достонида тарихий воқеаларни ўзгача баён қилганини ва бу иш эса мисни кумушга ва кумушни олtingа айлантиրмоққа ўхшаш эканлигини ёзган.

Чун набошад зи боз гуфт гузир
Донаи ангихт аз палос ҳарир.
Ду мохире ба кимёйи сухан
Тоза карданд нуқадҳои қуҳан
Он зи мис кард нуқра нуқраи хос
Вин кунад нуқраро ба зарри ҳалос.
Мис чу дидий ки нуқра шуб баачёр
Нуқра гар зар шавад гишифт мадор [2.с. 106].

Назми:

Қайта айтиш на гўзал ахир,
Биламан ёзишни палосдан ҳарир.
Икки мубталойи кимиёйи сухан
Янгилашди эрди нақдлари қуҳан.
У мисдан қилди нуқра, нуқрайи хос,
Бу нуқрасини зар айлагай ҳалос.
Мис чу кўрдинг, ки нуқрадур байёр,
Ҳайрон қолма, нуқра бўлса тиллакор [4.с.345].

Маъноси:

Қайта айтмоқдан чекиниш мумкин эмас экан
(қалин) палосдан майин ипак яратаман.
Сўз кимиёсидан икки ҳунарвар
Эски пулларни янги қилганлар.
Униси мисдан кумуш, соф кумуш қилди
Буниси эса кумушни тозалаб уни олтинга айлантириди.
Ишлов туфайли мис кумушга айланди,
Агар кумуш олтинга айланса, ҳайрон қолма.

Бундай чекинишлар Огаҳий таржимасининг нашрида (Тошкент, 1977) учрамайди. Кисронинг элчилари Баҳром ҳузурига келиб уни қайтиб кетмоққа кўндира олмадилар. Ниҳоят, икки шер ўртасидаги тожни олган киши таҳтга ўлтирадиган бўлди. Баҳром бу шартни бажарди ва Эрон таҳтига ўлтириди. Баҳром адолат билан юртни бошқарди. Ҳамма ундан мамнун эдилар.

Огаҳий шу воқеаларнинг муфассал баёни давомида барча икир-чикирларни сақлаган. Бу воқеалар баёни Огаҳий таржимасида шунчалар комилки, уни ҳатто ўша машҳур асарнинг ушбу бўлаги Огаҳий томонидан қайта яратилган каби туюлади.

БАҲРОМ ВА КАНИЗАК

Баҳромнинг “бир хуршид манзар, қамар пайкар, чангнавоз, хушвоноз канизаги” (Огаҳий) билан юз берган воқеа ҳам ана шундай таассурот түғдиради. Низомий бу канизакни Фитна деб атаган. Огаҳийда эса унинг номи кўрсатилмайди.

Баҳром бу канизак ҳузурида ўзининг мерганлик маҳоратини кўргазди. Аммо канизак унга таҳсин айтмади, аксинча бу машқ натижасидир, таҳсинга сазовор иш эмас, деди. Баҳром ғазабга келиб, канизакни бир сарҳангга (лашкарбоши) топшириди ва қизни ўлдирмоқни буюрди. Сарҳанг канизакни олиб кетди. Канизак сарҳанддан уни ўлдирмасликни сўради. Бир неча кундан сўнг подшоҳга канизакни ўлдирдим, -дегин.

Агар шоҳ қувонса келиб мени ўлдир, агар хафа бўлса, мен ўлимдан қутуламан. Сен эса шоҳ лутфидан баҳравар бўласан, -деди. Шу сўзларни айтиб бўлиб, канизак сарҳангга етти пора лаъл берди. Ҳар бирининг қиймати бир иқлимнинг хирожига тенг эди.

Бир ҳафтадан кейин сарҳанг подшоҳга “канизакни ўлдирдим”, -деди. Бу сўзларни эшитиб подшоҳнинг кўзига жиқ ёш тўлди, бир совуқ оҳ тортди.

“Сарҳангнинг узоқ ерда бир яхши боғи бор эди. Ул боғда бир баланд ва фалакмонанд қўшки бор эрдиким, етмиш зино бирла ул қўшк айвонига чиқар эрдилар” (Огаҳий). Канизак бир бузоқчани ҳар куни кўтариб шу етмиш зинани босиб қўшкка олиб чиқа бошлади. Олти йилда бузоқ улғайди, канизакнинг ҳам куч-қуввати ортди. У катта бўлиб қолган ҳўқизни бемалол кўтариб қўшкка олиб чиқадиган бўлди.

Бир куни сарҳангнинг богида меҳмон бўлган подшоҳ канизакнинг қилган ишини кўриб, бу доимий машқ натижасидир, -деди.

Унга жавобан канизак, бир қулоннинг бош оёқин бир ўқ билан тикиб қўймоқ ҳам машқ натижаси эмасми, -деди.

Подшоҳ канизакни таниб қолди ва уни ўз бағрига босди. Канизакни шаҳарга келтириб никоҳига олди. Сарҳангга илтифот қилиб Рай вилоятининг ҳокимлигини берди.

Огаҳий бу ҳикоя баёнида ҳам анча қисқартиришлар қилган. Низомийдаги овга оид тафсилотлар Огаҳийда йўқ. Яна канизакнинг оти Фитна эканлиги ҳам таржимада кўрсатилмаган. Унинг тавсифи ҳам қисқача берилган.

Канизакнинг ҳўқизни кўтариб зинадан чиқиши олдидан пардоз-андоз қилиши ҳам жуда қисқа айтиб ўтилган.

Баҳром канизакни шаҳарга келтириб, ўз никоҳига олиб, у билан айшу ишрат тузганини Низомий бундай мисраларда берган:

Мўбадонро ба шарт пеш овард
Моҳро дар никоҳи хеш овард.
Буд бо у ба лаҳву ишрату ноз
То бар ин рафт рўзгори дароз [2.с.120].

Маъноси:

Ибодат қилинмоғи лозим ишларни бажариб
(У) ойни ўз никоҳига олди.
У билан нозли ишратда бўлди.
Шу йўсинда узоқ вақт рўзгори кечди.

Бу мазмунни Огаҳий бундай ифода этган: “Улуғ тўй қилиб канизакни иқди никоҳига киргузуб шароб базмин тузуб кўп йиллар кўнгли комича ишрат қилурға машғул бўлди. Эрса жаҳондин парврий бўлмайди (таъкид меники.-А.Қ.).

Бу муносабатнинг реалигини кучайтиради. Яна Огаҳийнинг асл нусхага эркин ёндашаётганини билдиради.

“Ҳафт пайкар” достонининг машхур Баҳром ва канизак бобидан бир мисол:

Шоҳ рўзе шикор кард писанд,
Дар биёбони пасту кўҳи баланд...
Чун даромад ба гўри тезоҳанг,
Тунд шере камон гирифта бачанг.
Тир дар нимгарди шаст ниҳод,
Пас камон даркашиду шаст кушод.

Бар кафалгоҳи гўр шуд тираш,
Бўса бар хок дод нахчираш [2.с.114].

Назми:

Бир куни шоҳ этди шикорни писанд,
Биёбон пастқаму тоғ эди баланд...
Қувди тезоҳанг қулонни чунон,
Тунд шере илкига олиб камон.
Ўқ солиб шакли камонни бузар,
Сўнг чўзиб ёй ипини ўқ узар.
Ботди кафалгоҳи гўрига тири,
Хокни ўпар ағдарилиб нахчири...
Ул канизак ноз ила айёру ҳур,
Ўзни тутиб, айлади лутфан шукр.
Шоҳки бир соате тоқат этар,
Кўрса йирокдан қулоне кетар.
Дедики, эй, тотори кўзлари тор,
Кўз ила этгил мени сайдим шикор...
Келди қулон, айт, не хил айлай ҳужум,
Қандай урай, бошигами ё ба сум?
Нўшлаб ул одати ҳою ҳавас,
Хотун эди, хотун ўлур эзма, бас.
Дедики: “Юз яшнатиб, ўлгил бийик,
Ушбу қулон бошини сумига тик”.
Шоҳ чунон солди назар размиға,
Чорагар ўлди ёмон азмиға.
Ёйгурухин истади аввал чу бод,
Унга қўйиб муҳрасини бомурод
Сайдни қулоғига чу мунчоқ тикар,
Муҳра иссиғи ила мағзи чиқар.
Элтди қулоққа чу сум сайд забун,
Токи этар мунчогин ундан бурун.
Тири шоҳи барқу жаҳони куяр,
Суму қулоғини муҳрлаб қўяр.
Чиний канизакка деди шоҳ: “Кўр
Неча эрурман тирандози зўр?”
Дедики: “Кўп машқ этар шахриёр,
Мушкул эмас такрор ўлар эрса кор.
Ҳар неки таълим олар бўлса мард,
Гарчи қийиндир, қилолмоғи шарт.
Гўр сумига шоҳ ўқини ургани,
Зўрлигимас, машқ қилиб тургани” [4.с.354].

Ушбу байтларнинг қисқача мазмуни шундай: Баҳром канизакка қулонни калласидан отайми ёки тўпигидан, -дейди. Канизак эса, бошини сумига (тўпигига) тик, яъни бир ўқ билан уриб оёғини бошига муҳрла, -дейди. Албатта, бундай қилиш амри маҳол,

номумкин ҳодиса. Аммо Ҳаким Низомий, донишманд шоир ўйлаб топган мантикий тадбир ишончли чиққан. Шоир тўқимаси билан ҳаракат қилган Баҳром аввал қулоннинг қулоғига муҳра – мунчоқ ўқини отиб киргизади. Қулоғи қичиган қулон олд оёғи (қўли) билан қулоғидан мунчоқни олиб ташлаш учун кўтартганида, овчи ўқ билан қулон оёғини бошига михлайди. Буни қўриб, шоҳга олқиши айтиш ўрнига канизак, бу машқ”, - дейди. Шоҳ ғазабланиб, канизакни сарҳанг (лашқарбошисига) беради, пинҳона гумдон қилишни тайинлади. Зеро, шоҳлар кек сақловчи бўлишади, улар қон тўкишганда яйрашади. Аммо Баҳром бундан пушаймон бўлиб, канизакни қўмсаб кўп йиллар маҳзун яшайди. Бир куни сарҳанг уни баландпояли ўз кўшкига таклиф қиласди. Олтмиш зина-пояли баландликка кўтарилигач, меҳмон мезбонга олтмиш йилдан сўнг бу баландликка қандай чиқасан, -дейди. Шунда унга жавобан асарнинг энг қизиқ ривояти билан шоир мезбон тилидан жавоб беради:

Мезбон деди: “Шоҳ боқий бўлсин,
Кавсари май, хур соқий бўлсин.
Бу мендан эмасдир, мен ажиб одам,
Бу янглиғ поядан толиқай, қайдам?
Ажиби улдурки бир қиз мисли моҳ,
Нарму нозик чу ҳаззи қоқуми шоҳ,
Гарданида тоғдек буқани
Опчиқади гоҳ ўтлатгани.
Шастпоядан ҳам обтушар ток,
Дам олмайди ё тўхтаб мутлоқ.
Хўкиз ул гоҳ, не хўкиз, чун пил,
Бўкирганда овози етар бир мил.
Худо ҳаққи гар бу диёрда касе
Ердан кўтаролмас уни нафасе.
Олтмиш поя қалъага эса аёл
Кўтариб чиқади, бу ажойиб ҳол”.
Сарҳанг айлаганда ҳикоят чунон,
Подшоҳ башмалдоғин тишлади ҳайрон.
Деди: “Бу бехуда бўлмаган бир иш,
Бўлса ҳам афсона, ёинки “миш-миш”.
Бу сўз ростлигига ишонмасмано,
Аввал ўз кўзимла кўрмагунча то”.
Марди мезбонидан сўрди ул заҳот,
Даъвосин этса то амалда исбот.
Пастга тушди мезбон эшитган пайти,
Ҳикояти шенрни.govкашга айтди.
Симтан билган эди вақтини мойил,
Ўз ишин айлади амаллаб қойил.
Зебу зевари чинийга пайваст,
Юзлари гул, хумор нарғиси бадмас.
Моҳ узра мушк сочин ёзиб батавқим,
Ғамзани айлади жодуйи таълим.
Кўзига сурмайи фиребин сурар,

Нозига итоби итлари хурап.
Сарвига ранги арғувонлик берди,
Лоласига қадди хизронлик берди.
Дурга қориштириди сарви симинни,
Моҳ узра боғлади иқди Парвинни.
Тожи анбар қўйиб бошига заб,
Тортди то қулоқ тавқи ғабғаб.
Зангийи зулғу холи ҳиндуранг,
Бир тарафда икков туриб айлар жанг.
Фарқида доналари дурри хушоб,
Ой гирдига тақиб юлдуздан никоб.
Гавҳар осадиган қулоққа гавҳар,
Ошиқлар бозорин қизитар магар.
Ойнинг никоби эди кофурий,
Суман узра эди чун гули сурий.
Икки ҳафталик ой чунки этиб ноз,
Қилди ҳар бирини етти ишвасоз.
Борди назд гови чун моҳи бадр,
Ой Сигир буржида топгайдир қадр.
Ҳўқизни кўтарди бошин қилиб паст,
Гов бўлди не янглиғ гавҳарга пайваст.
Пояма-поя сўнг югурди томга,
Борди то тахтпояйи Баҳромга.
Гови гарданида тургувчи ойдан
Ҳайрон, бас, шер қўриб, қўзғалди жойдан.
Ҳайрон қолди қандай бўлиши мумкин,
Унинг фойдаси не топгайдир судин.
Елкадан ҳўқизни ерга қўйди моҳ,
Шерга карашмала ташлади нигоҳ.
Ул не мен наздингда, ҳа, танҳолиғдан
Тортиқ айлаганим, тавонолиғдан.
Жаҳонда кимдир ул базўру ба рой
Равақдан туширгай базери сарой.
Шоҳ деди: “Бу сендаги не қуввати салим,
Машқ, балки аввалдан олганинг таълим.
Узоқ йиллар шу янглиғ кам-кам,
Давомли машқ қилгансан ҳар дам.
Энди эса ҳеч чекмасдан ранж
Кўтарасан, юки босмай ланж”.
Таъзим этди нигори симтан,
Дуо шартин бажариб аҳсан.
Деди: “Шоҳга ғаромат азим,
Гов таълиму гўрми бетаълим?
Менки томга чиқардим ҳўқиз,
Машқу таълим дейилгай тўкис.

Не сабаб сен қулон этсанг ов,
Номин таълим дейолмас бирор?" [4.c.420].

Баҳромшоҳ шунда канизаги Фитнани таниб, ундан узр сўраб, кўнглини олиб, доимий улфатига айлантиради. Сарҳанги амрини ўз фойдасига бажармагани учун уни тақдирлаб, кўп молу давлат инъом этади. Ҳикоят жуда қизиқарли, таъсирли, канизакларнинг ҳақиқий сиймоси пардозу андозу садоқатдан моҳирона тасвириланган. Шоир ҳафсала билан унинг пардозланишига йигирма тўрт мисра бағишилаган. Аслида Тўғралшоҳ инъом этган Офоқ деган оддий канизакдан ўзга аёл билан иши бўлмаган, шайхона ҳаёт кечирган қаламкашнинг зебу зийнатга ўч аёллар сиймосини тасвирилашга фантазияси, ҳаёлий идрок этиш қобилияти шунчалик кучлики, у фақатгина сўз санъаткори бўлмасдан сухан мусаввири ҳамдир.

ЧИН ҲОҚОНИ БИЛАН УРУШ

Чин ҳоқони Эронга бостириб келди. Кўп Эрон амалдорлари Баҳромдан юз ўгириб, ҳоқон томонига ўтиб кетдилар. Баҳром ўз яқин одамлари билан сахрога чиқиб кетди. Галабадан мамнун ҳоқон маишатга берилди. Бундан фойдаланган Баҳром тунги хужум қилиб, ҳоқон устидан ғалаба қозонди. Сўнг Баҳром фароғат билан тахтга ўлтириб ҳукм суро бошлади.

Шу ерда Баҳромнинг амалдорларни йиғиб, уларга гина қилиб айтганлари муҳимдир:

Ман ки аз даҳр бар гузидиматон
Дар кудомийн масоф дийдаматон...
Ёки дийдамки, пойи пеш ниҳод
Душмани баст у кишвари бигушод.
Ийн занад лоф Кайражи чуҳарам
Вон ба даъвойики Ориши ҳунарам.
Ийн зи Гиву он зи Рустам орад ном
Ийн бикунят ҳузабру они зарғам.
Кас надийдамки корзори кард
Чун гаҳикор бувад кори кард [2. с. 109].

Маъноси:

Мен сизларни барчалардан ажратиб танлаб олган эдим,
Қайси жанг майдонида сизларни кўрдим?
Ёки олдинга қадам ташлаётганингизни
Душманни боғлаб мамлакат олаётганингизни кўрдим-ми?
Буниси Эрон гавҳариман деб лоф уради
Униси Ораш каби моҳирмен дейди.
Муниси Гивдан, муниси Рустамдан (гап сотади)
Униси арслон, буниси йўлбарс қилиб (ўзини кўрсатмоқчи бўлади).
Лекин улар ичида бирорта жанг қилаётганини кўрмадим.
Иш қилмоқ пайтида иш қилганини кўрмадим.

Ўз насаби билан мақтанувчи кимсаларни ер билан яксон қилувчи бу мисралар мазмунини Оғаҳий насрда келтирмаган.

Аммо Баҳромнинг у амалдорларга бошқа хилдаги таъна ва гиналарини тўла бўлмасада, сақлаган.

“Сизлар, -дейди Баҳром ўз одамларига, -нон-намак ҳақидан кўз юмуб, менинг ҳақимда шиква ва шикоятға тил очиб дедингизларким, “оқшом-кундуз май ичадур ва хизматкордан қочадур ва мамлакат амволидин хабари ва раийят хавфи йўқтурур. Ондин ҳеч киши баҳра топиб шод бўлмағусидур”. Ори мен май ичарман. Аммо жаҳондин бехабар эмасмен. Илгимга соғар тутармен, аммо ҳеч вақт қилични қўлдан бермасмен. Эллар май ичсалар, бехуд бўлурлар. Аммо хушёrlарнинг майи бошҳадурким, ичсалар зўр ва забардаст бўлурлар. Аммо менинг шаробим душманларнинг қонидур, аёқим бошининг косасидур” (Огаҳий таржимаси) [3. С. 59].

Огаҳий Баҳромнинг бу мавзудаги сўзларини ҳам анча қисқартирган. Аммо юқоридаги гаплар орқали бу монологнинг моҳиятини билдириб ўтган.

Таржимон шоҳ одамларининг узундан-узоқ тавба сўзларини ҳам қисқартирган. Уларнинг мазмунини уч-тўрт жумладагина келтириш билан чекланган.

Биз бу мисолларни Огаҳийнинг матндан узоқлашувини нуқс деб кўрсатиш мақсадида келтираётганимиз йўқ. Зинҳор, ундан эмас. Биз достон таржимасига киришар ва уни амалга оширап экан, Огаҳий ўз олдига, ёки таржимаси тўғрисида фармон берган зотнинг Огаҳий олдига қандай вазифани қўйганлигини аниқлаш мақсадида келтиromoқдамиз.

Шуни унутмаслик керакки, Огаҳий ва Феруз мансуб бўлган доира учун бу таржималарнинг зарурати йўқ эди. Бу адабий ва сиёсий доирада тожик-форс ва ўзбек тилини яхши билган, шарқ мумтоз адабиёти асарларини асл нусхада тожик-форс ва араб тилларида эркин ўқиб тушунадиган кишилар йиғилган эди.

Модомики, бу асарларни ўзбек тилига ўгириш лозим топилган экан, бу таржималар кенг омма китобхон ва тингловчилар учун мўлжалланган. Шунинг учун ҳам Огаҳий ана шу кўпчилик омма тушунадиган ва қабул қиласиган шаклда бу таржималарни яратмоғи лозим эди. Бу жуда катта аҳамиятга эга бўлган иш эди. Таржималарни амалга ошиromoқнинг ташаббускори ва фармон берувчиси Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз бўлган. У давлат бошлиғи. Демак, шарқ мумтоз адабиётининг шоҳ асарларини оммага етказмоқ маданият ва маориф соҳасидаги давлат сиёсатига хос тадбир бўлган. Бу тадбир кенг оммани шу асарлар билан яқиндан таништироқ ва шу билан афгор оммага таъсир кўрсатмоққа, жамиятни тарбияламоққа, бу асарлардаги ғоя ва фикрлардан истифода этмоққа хизмат қиласиган эди.

Шундай муҳим вазифани амалга ошиromoқ асносида Огаҳий албатта асл нусха матнидан озми-кўпми узоқлашмоғи, унга нисбатан эркин муносабатда бўлмоғи табиий ҳолдир.

Бизнинг “Ҳафт пайкар” Низомий бўйича ёзилган ушбу асарда келтирилган айрим мисоллар Огаҳийнинг бу ишга эркин ижодий ёндашганини кўрсатиб турибди.

Шарқ адабиётида анчагина кўчма сюжетлар бўлган. Турли даврларда турли ижодий ва сиёсий табақаларга мансуб ижодкорлар бу сюжетлар асосида бадиий асарлар яратганлар. “Юсуф ва Зулайҳо”; “Фарҳод ва Ширин” ва “Хусрав ва Ширин”; “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Искандарнома” ва бошқа кўп асарлар шулар жумласидандир. “Ҳафт пайкар” достони ҳам шу рўйхатга киради.

Шундан келиб чиқиб, “Ҳафт пайкар” Огаҳий томонидан ўзбек тилида насрый усулда қайта яратилган бир асардир, деб қарашга ҳам асос пайдо бўлади. Огаҳий достон якунини қуйидагича жумлалар орқали ифодалайди: Фалаки қажрафторнинг ул кирдори будурким, агар киши минг йил подшоҳликда ўлтуруб, етти иқлимга хукумат сурса ва юз

йил мурод бодасин ичиб кўнгли комига хушҳол ва масур бўлса, охир анинг комин ажал захри бирла бирлаштуур, мақоми тийра гўр қилғусидир.

Оқил киши бу ҳолдан ибрат олгай ва ўзини фақру фано йўлига солгай.

Низомийда бу охирги боб таржимадагига қараганда анча катта. Унда ҳаёт моҳиятига оид фалсафий хулосалар мавжуд. Лекин таржимон юқоридаги фикрлар изҳори билан чекланган.

ЯКУН

Низомий Ганжавийнинг “Ҳафт пайкар” (“Етти гўзал”) достонининг Огаҳий томонидан форс тилидан ўзбек тилига қилинган эркин таржимаси XIX аср ўзбек адабиётида кўзга кўринган бир воқеадир.

Огаҳий бу достоннинг мазмунини ўзбек китобхонига енгил тушунарли тарзда етказган. Шу мақсадда Огаҳий матн бўйича айрим қисқартиришлар, ўзгартиришлар, содалаштиришларга йўл қўйган. Асосий мақсад достон мазмунини оммавий китобхон ёки тингловчига етказиш бўлганидан моҳир адиб шу йўлдан борган. У ўз олдига қўйган вазифани муваффақият билан адо қилган.

Айни замонда Хоразмда Низомий “Ҳафт пайкар”ининг ўзбек тилида вужудга келиши XIX аср ўзбек насрининг бойимогига хизмат қилди. Низомийдек буюк даҳонинг бу шоҳ асарини ўша вақтда халққа етказувда Огаҳий таржимаси муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Огаҳий тажрибаси ҳар томонлама ўрганишга муносибdir. Чунки, Огаҳий шарқ мумтоз адабиётининг йирик ва гўзал намуналаридан бўлмиш “Ҳафт пайкар”ни амалда ўзбек тилида қайта яратган. Уни қўпчиликка манзур бўладиган шаклга солиб, халққа тақдим этган.

Бу тажрибадан ижодий фойдаланмоқ зарур. Агар Огаҳий кўрсатган намунадан ибрат олиб, бу ишлар давом эттирилмаса, мумтоз адабиёт мероси тор доирадаги мутахассислар ўртасида қолиб кетаберади. Кенг китобхонлар оммаси эса шундай буюк бойликлардан маҳрум бўлиб қолади. Ваҳоланки, мумтоз адабиётнинг асосий ғоя ва мундарижаси бўлмиш халқпарварлик, инсонпарварлик,adolatparvarlik ижтимоий онга сингдирилмоғи улкан тарбиявий аҳамиятга эга экани аён.

Шунингдек, Низомий Ганжавийнинг “Ҳамса” достонлар мажмуасининг асл матндан ҳозирги ўзбек тилига назм билан таржима қилиниши ҳам катта воқеадир. Таржимада асл матн деярли аниқ, вазни, қофия теранлиги таъминланган ҳолда ёритилган.

Низомий “Ҳамса”сининг яхлит шаклда тўласича нашр этилиши бугунги кун китобхонлари учун муҳим аҳамият касб этади. “Ҳамса” достонларининг ўзбек тилига шеърий таржима билан элга тақдим этилмоғи илмий тадқиқотларнинг истиқболини очиб беради ҳамда Ўзбекистонда мумтоз шарқ адабиёти ишининг ривожланишига хизмат қиласи. Асар ёш авлоднинг бу соҳадаги амалга оширадиган ишларига асос, пойдевор бўлиб хизмат қиласи шак-шубҳасиздир.

Буюк устоз, шоир ва мутафаккир Низомий Ганжавийнинг “Ҳамса” асарини оммалаштиришда қилган баракали хизматлари учун барча таржимонларга чин юракдан миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Е. Э. Бертельс. «Низами ва Фузули». М., 1962.

2. Низомий Ганжавий. Куллиёт. 5 жилдлик. 3-жилд. Душанбе, “Ирфон” нашриёти. 1983.

3. Низомий Ганжавий. «Ҳафт пайкар». Оғажий “Асарлар”, 4 жилдлик. 4 жилд. Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти. Нашрга тайёрловчи Субутой Долимов. Масъул муҳаррир Ғулом Каримов. Тошкент., 1977.

4. Низомий Ганжавий. Хамса. Форсийдан Олимжон Бўриев таржимаси. Тошкент, “Тафаккур қаноти” нашриёти. 2016.

БАҲРИДДИН УМУРЗОҚОВ

“РАШАҲОТ” АСАРИДА ХОЖАГОН ТАРИҚАТИ (ЙЎЛИ) АСОСЛАРИНИНГ ТАФСИЛОТЛИ БАЁНИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Ушбу мақола XVI асрда яшаб, ўзидан бой илмий мерос қолдиранган етук маноқибнавис ва тазкиранавис олим Фахруддин Алий Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳиравийнинг (1463–1533) Хожа Убайдуллоҳ Ахрорга бағишлиб ёзган «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» (Ҳаёт булоғи томчилари) асари ва мазкур асарда калимот-и қудсия-и Хожагон (Хожагон тариқати асослари, принциплари) номи билан тафсилотли баён қилинган ўн бир муборак ибора баёни, хусусан, биринчи Хожагон тариқатининг биринчи асоси “Ҳуш дар дам” (ҳар лаҳза Аллоҳ таоло ёди, Аллоҳ таоло зикри билан машғул бўлмоқ) иборасининг тадқики ва шарҳи таҳлилига бағишланган.

Калит сўzlари: Алий Сафий Кошифий Ҳиравий, “Рашаҳот айну-л-ҳаёт”, рашҳа, Хожа Юсуф Ҳамадоний - Хожа Абдулхолик Гиждувоний - Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, ёздаҳ калимот-и қудсия-и Хожагон (Хожагон тариқатининг ўн бир асоси), “Ҳуш дар дам” (ҳар лаҳза Аллоҳ таоло ёди, Аллоҳ таоло зикри билан машғул бўлмоқ) муборак ибораси.

Аннотация

Эта статья о посвященном Хоже Убайдуллоху Ахрору произведении «Рашаҳот айну-л-ҳаят» известного ученого-летописца и агиографа XVI века Фахруддина Али Сафи ибн Ҳусайна Воиз Кошифи Ҳирави (14463-1533), оставившего после себя богатое научное наследие. В статье даётся анализ исследования и толкования одиннадцати благословенных выражений, которые автор детально изложил под названием «калимот-и кудсия-Хожагон» (основы и принципы учения Хожагон), в частности, первой основы учения Хожагон «Ҳуш дар дам» (в каждое мгновение помнить об Аллахе, упоминать Аллаха).

Ключевые слова: Али Сафи Кошифи Ҳирави, «Рашаҳот айну-л-ҳаят», рашҳа, Хожа Юсуф Ҳамадони – Хожа Абдухолик Гиждувани – Хожа Баҳауддин Накшбанд, ёздаҳ калимот-кудсия-и Хожагон (одиннадцать основ учения Хожагон), «Ҳуш дар дам» (в каждое мгновение помнить об Аллахе, упоминать Аллаха).

Annotation

The article is about "Rashakhot Ainu-l-Hayat" (Life of Rashakhot Ainu-l-Hayat) by Fakhruddin Ali Safi bin Husayn Vaiz Kashifi Hirawi (1463-1533), a famous Manakibnavis and Tazkiranawist scholar who lived in the 16th century and left a rich scientific legacy. In his work "Rashakhot" called "Kalimot-i Qudsiyya-i Khwajagon" (Fundamentals of the Khwajagon tariqat) he gives in detail the meanings of eleven blessed expressions. The first basis of the Khwajagon tariqat is "Khush dar dam" at every moment remenber Allah, mention Allah.

Keywords:Ali Safi Kashifi Hirawi, «Rashakhot Ainu-l-Hayat», rashkha, Khoja Yusuf Hamadoni - Khoja Abdulkhalik Gijduvani - Khoja Bahauddin Naqshband, yazdah kalimoti Qudsiyya, Khwajagon (eleven foundations of Khwajagon teachings), «Khushdardam» (At every moment remenber Allah, mention Allah).

Ўрта аср мусулмон Шарқи тасаввуф адабиёти ва мумтоз адабиётимизнинг туб мазмун-моҳиятини адабий илмлар баробарида Ислом маънавияти, Қуръон-и карим, ҳадис-и шарифлар ва айниқса, тасаввуф илмисиз мукаммал тушуниб бўлмайди.

Маълумки, илк тасаввуфий асарлар пайдо бўла бошлаган давр IX асрнинг иккинчи ярми ҳисобланади. X асрнинг бошларидан XIII асргача тасаввуфнинг машхур қатор асарлари ёзилди. Жумладан, Абу Бакр Гулободийнинг "Китобу-т-Таъарруф", Абдулкарим Қушайрийнинг "Рисолату-л-Қушайрийя", Ҳужвирийнинг "Кашфу-л-маҳжуб", Ибн Заййотнинг "ат-Тасаввуф" каби асарлар, ҳақиқатан, бугунги кун нуқтаи назаридан ҳам тасаввуф илмининг назарий масалалари баён қилинган энг муҳим китоблар ҳисобланади. Тасаввуфнинг мураккаб масалаларига бағишиланган асар сифатида эса Ҳаким Термизий (ваф.908)нинг "Хатму-л-вилойа", Муҳийиддин Арабий (ваф.1241)нинг "Футухот", "Ҳикам" асарлари, Фаридуддин Атторнинг "Тазкирату-л-авлийо", кейинчалик эса Муҳаммад Ғаззолий (ваф.1111)нинг "Иҳё-и улуми-д-дин", "Кимё-и саодат" каби Аҳли суннат вал-жамоат тасаввуфини шариат билан боғлаб тушунирилган муҳим асарлар ёзилди.

Хирот илмий муҳитида "Пир-и Хирот" дея машҳур бўлган шайху-л-ислом Абдуллоҳ Ансорийнинг ўрни беқиёс. Унинг "ат-Табақот" деб номланган, аслида Абу Абдураҳмон Суламийнинг "Табақоту-с-суфийя" (Суфийларнинг табақалари) асарининг таржимаси бўлган тасаввуфий асари ҳам ўзига хос тасаввуфий асар ҳисобланади. Кейинчалик яна икки муҳим тазкира; "Нафоҳату-л-унс" ва "Насойиму-л-маҳабба" асари ёзилди (Алишер Навоий бу асари муқаддимасида "Насойим"ни "Нафоҳату-л-унс"нинг таржимасидир, деган. Бу ҳолат адибнинг "Арбаъин"и муқаддимасида ҳам таъкидланган. Бу ҳолатни "анъанавийликда мустақил асар", дейиш билан дарҳол хулоса ясамасдан, бу хусусни чуқур тадқиқ ва таҳлил этишимиз лозим – Б.У.). Мана шу таълиф ва таснифлар таъсирида ёзилган энг нодир маноқиб-тазкиралардан яна бири, шубҳасиз, Фахруддин Алий Сафий қаламига мансуб "Рашаҳоту айни-л-ҳаёт" (Ҳаёт булоғидан томчилар) асаридир. "Рашаҳот" асари тасаввуф адабиётининг ва умуман, мумтоз адабиётимиздаги тарихий бадиий насрнинг энг сара намуналаридан бири ҳисобланади.

Фахруддин Алий Сафийнинг адабий-илмий меросини, хусусан, унинг Хожа Аҳрор Валийга бағишлиб ёзилган, аслида Хожагон тариқати ва машойихи ҳақида тафсилотли маълумотлар берувчи - "Рашаҳот" асарининг туб моҳиятини ҳам адабий ва тасаввуф илмларисиз тўғри идрок қилиш қийин.

“Рашаҳот” асарининг “Мақола” деб номланган “Муқаддима” (Кириш) қисмида Хожагон тариқати (йўли) асослари тўлиқ баён қилинган. Асарда Хожагон тариқати мазмун-моҳиятини ифодалайдиган иккинчи муҳим хусус мазкур тариқат қонун-коидалари, истилоҳлари ва одобларининг шарҳидир.

“Рашаҳот”нинг “Хожа Абдулхолик Фиждувоний қуддиса сирруҳу (яъни, мозори мунаvvар бўлсин, қабри нурларга тўлсин)” зикрида “рашҳа” сарлавҳаси остида жами ўн учта рашҳа-изоҳ (кичик бўлимлар) бор. “Рашҳа” сўзининг луғавий маъноси “қатра, томчи, пешонадан оққан тер”, дегани. “Рашаҳот” калимаси “рашҳа”нинг кўплик шакли бўлиб, “томчилар”, демакдир. Алий Сафий ўз асарида “Рашаҳот” ва “рашҳа” деганида, у бу икки сўзни луғавий маъносида эмас, балки истилоҳий ҳамда рамзий маънода, яъни “маърифат томчилари” маъносида қўллаган.

Уларда қуйидаги мавзулар ҳақида сўз боради:

1- рашҳа. “Ойтибурларким, “Васият қилурман санга, эй, фарзандим...” деб бошлигдан биринчи рашҳада, асосан, Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг “Васиятнома”си келтирилган.

Кейинги рашҳаларда Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг илк саккиз қудсий (муборак, муқаддас) калималари, ва сўнг қудсий калималардан яна учтаси, яъни “калимот-и вуқуфот” (ҳол, ҳолатга доир иборалар) бирма-бир саналган бўлиб, бу муборак калималар бугунги кунда юртимиз ва хорижлик тадқиқотчилар томонидан асосан “Нақшбандия асослари ёки принциплари” деб номланиб келинмоқда:

رشحه و هم از کلمات قدسیه حضرت خواجه است این هشت عبارات که بناء طریقه خواجکان قدس الله تعالی ارواحهم برآنست : هوش در دم نظر بر قدم سفر در وطن خلوت در انجمن یاد کرد باز کشت نکاهداشت یادداشت

1 - рашҳа. - бу иборалар Хожагон тариқатининг асослари ҳисобланур, ушбу саккиз муборак сўзлар (иборалар)дир: “Хуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар ватан”, “Хилват дар анжуман”, “Йод кард”, “Бозгашт”, “Нигоҳ дошт”, “Йод дошт” [1,20].

2 - рашҳа. “Хуш дар дам” (ҳар нафаснинг огоҳлик юзидин бўлмоғи) баёнида.

3 - рашҳа. “Назар бар қадам” (юрганда назарини сақлай билмоқ, юриш-туришида ҳаёли, одобли бўлмоқ ва менлиқдан, худпарамстликдан қутилмоқ) баёнида.

4 - рашҳа. “Сафар дар ватан” (башарий сифатлардан малакий сифатларга сайр қилмоқ, ёмон хулқлардан қутилиб, мақтовли хулқларга соҳиб бўлмоқ) баёнида.

5 - рашҳа. “Хилват дар анжуман” (зоҳирда ҳалқ билан бўлмоқ, ботинда эса Аллоҳ таоло билан бўлмоқ) баёнида.

6 - рашҳа. “Йод кард” (Аллоҳ таъолони тил билан ва ё дил билан саккиз давомли ёд этмок) баёнида.

7 - рашҳа . “Боз гашт” (зикрulloҳдан мақсади Аллоҳ таолони ва Унинг ризоси топмоқлиkdir) баёнида.

8 - рашҳа. “Нигоҳ дошт” (муроқаба-и хавотир, яъни зикрulloҳ асносида ҳаёли ва фикри бўлинмаслик) баёнида.

9 - рашҳа. “Йод дошт” (нигоҳ доштда, яъни хавотирни жамлашда муваффақиятга эришабилмоқ) баёнида.

Хожагон тариқатининг муборак калималари ҳақида жуда ҳам кўп ёзилган бўлиб, тадқиқотларда мазкур ўн бир иборанинг илк тўрттаси Хожа Юсуф Ҳамадонийга, тўрттаси Хожа Абдулхолик Фиждувонийга ва “калимот-и вуқуфот” деб номланган уч ибора эса Хожа Баҳоуддин Нақшбандга нисбат берилган [2,95].

С.Сайфуллоҳга кўра “Хожа Абдулхолик Ғиждувоний ҳазратлари хожагонлар сил-силасининг ҳақиқий асосчиси ва бунёдкори бўлиб, нақшбандия тариқатидаги 11 та усулнинг саккизтасини асослаб, ўз фаолиятида қатъий йўлга қўйган. Қолган уч ибора эса Баҳоуддин Нақшбандга тегишли” [3,96].

Аммо туркиялик тадқиқодчи, доктор Неждат Тўсун ўз манографиясида бу фикрни маъқулламайди [4,334]. Бизнингча Н.Тўсуннинг мазкур Хожагон иборалари ҳақидағи илмий таҳлил ва хulosалари эътиборга молик. Зоро, Хожагоннинг саккиз муборак ибораси, ҳақиқатан, Хожа Абдулхолик Ғиждувонийгача ҳам мавжуд бўлган. Қолган “уч вуқуф” (уч муборак ибора), яъни “Вуқуф-и замоний” (инсон ўз аҳволидан хабардор бўлсин, яъни унинг ҳоли шукр қиласидиганми ва ёки узр тилайдиганми), “Вуқуф-и ададий” (зикруллоҳда саноққа риоя этмоқ. Чунки саноқ паришон хавотирни жамлашга хизмат қилур) ва “Вуқуф-и қалбий” (кўнгил огоҳлиги, яъни Аллоҳ таоло ёди, зикри ва муҳаббатидан бошқасига кўнгилда зинҳор жой бермаслик)дир.

Ушбу уч муборак ибора билан алоқадор фикр-мулоҳазалар, ҳикматлар ҳам Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан олдинги мутасаввуфлар асарларида, масалан, Абу Абдураҳмон Суламийнинг “طبقات الصوفية” (“Табақоту-с-суфийя”) (Суфийларнинг табақалари) [5,133] ва Абдулкарим Қушайрийнинг “رسالة القشيرية في علم التصوف لمذهب اهل التصوف” (“Рисолату-л-Қушайрийя фий имми-т-тасаввуф”) (Тасаввуф илми ҳақида Қушайрий Рисоласи) асарида [6, 63], Гулободийнинг “التعرف لمذهب اهل التصوف على تابعه تااررۇف لى-مازھابىي ئەخلى-ت-تاسаввуف” (Тасаввуф ахли йўлини танишириш) рисоласида ҳам учрайди [7, 57]. Назаримизда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бу охирги уч қоида, уч принципни ўз сулуки амалиётiga жиддий ва тўлиқ жорий қилишга эришган. Шу сабаб бу уч калимот (муборак иборалар) Нақшбанд ҳазратларига нисбат берилади. Зоро, тариқатда солиҳ амал сифатида назария эмас, балки амалиёт муҳимроқдир.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг рисолаларида мазкур илк құдсий калималар (муборак иборалар) – “Хуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар ватан”, “Хилват дар анжуман” номлари билан баён қилинмаган. Чунончи, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг “Одоб-и тариқат” рисоласида тариқатнинг асослари сифатида “узлат”, “нафс риёзати”, “нафс тарбияси” каби хусуслар батафсил баён қилинганини кўрамиз [2, 17; 8,37]. Нима сабабдан илк тўрт құдсий калима (муборак иборалар) Хожа Юсуф Ҳамадонийга нисбат берилиши эса замонавий тасаввуфшунослиқда исботланмаган, чуқур тадқиқ этилмаган.

Хожагон тариқатининг муборак калималари шарҳидан сўнг Алий Сафий ғоят муҳим бир фикрни баён қилган. Унинг фикрича: “Буларнинг ғайридин (яъни, мана шу муборак иборалардан) барча пиндошт, яъни ужб ва ғуур (манманлик ва ўзини алдаш) туур” [9, 57; 10,110]. Яъни, Хожагон тариқи (йўли) мансуби эканлигини давво қилғанларнинг мазкур саккиз калимотга алоқаси бўлмаган ишлар билан машгул бўлишлари, бу калимот (муборак иборалар) тақозосига мувофиқ бўлмаган ҳар қандай юриш-туришлар, барча хатти-ҳаракатлар, “маърифатлар” (яъни, ўзини олим қилиб кўрсатишга уриниш ва шу мақсаддада сўзамол, гап-сўзга чечан бўлиш), хуллас шу каби ҳолатлар бу ўзига бино қўйишилик, азиз умрни исроф қилишилик, демакдир.

“Шу ўринда “алфоз-и мусталаҳа”, яъни ушбу Хожагон истилоҳларини, яъни хос сўзларини баён қилишдан асосий мақсад нима?” -деган савол туғилиши мумкин. Алий Сафийнинг ёзишича, маълумки, ҳазрати Хожа Абдулхолик сарҳалқа-и силсила-и хожа-

гон (Хожагон тариқатини бошловчиси)дир, шу боисдан ул зотнинг “мусталаҳот” (хос калималари)ини билиш ул зот бошлаб берган муборак маънавий йўл, яъни хожагон тариқати (йўли)ни яхши билиб олиш демакдир [9, 15; 10,23]:

و جون حضرت خواجه سر حلقة سلسله خواجکانند لا جرم در ین مقام الفاظ مصطلحه ایشان که
دانستن طریقه این عزیزان موقوف بر آنست هم بعیارات شریفه این طایفه در ضمن یازده رشحه شرح می یابد بین
الاجمال و التفصیل والله یقول الحق و هو یهدی السبیل

Маълумки, мумтоз адабиётимизга тааллукли диний ва тасаввуфий асарлардан кўзланган асл мақсад – “инсонни ахлоқий руҳда тарбиялаш” [11, 3] ва натижада унинг комил инсон бўлиб етишмоғига кўмакчи бўлишдир. Демак, юқоридаги Хожагон тариқати саккиз қоидасидан кўзда тутилган мақсад ҳам аслида энг аввало эътиқодий, сўнгра руҳий ва ахлоқий комилликка етишишдир.

Шундан сўнг мазкур бобда ўн бир раҳҳада Хожагон тариқатининг ушбу ўн бир асос-қоидаси ҳақида бирма-бир батафсил маълумот берилган.

Хожагон тариқатининг биринчи қудсий калимаси – юқорида баён қилинганидек, яъни Аллоҳ зикрини бир лаҳза ҳам унутиб қўймаслик) деб номланган. Охирги юз йилликда деярли барча хорижлик тасаввувуфшуносларнинг тадқиқотларида “Хуш дар дам” ибораси ҳақида қисқача маълумот берилган, аммо бу иборанинг асл мазмуни ва моҳияти, унинг амалиётда қандай қўлланиши ҳақида эса умуман сўз юритилмаган. Алий Сафий “Рашаҳот” асарида мазкур биринчи асос-қоидани муфассал (кенг, мукаммал, тўлиқ) шарҳлаган:

رشحه هوش در دم و آن است که هر نفسی که از درون برآید بایدکه از سر حضور رو آکاهی باشد و غفلت بآن راه بیابد

Яъни, мазкур иборанинг маъноси: “ҳар нафаским, ичкаридан келур, у ҳузур ва огоҳлик юзидан бўлсин, ғафлат унга асло йўл топмасин” [9, 21]. Яъни, нафас олиш бу хаёт, тириклиқ, демак. Олинган ҳар бир нафас сабаб инсон танасида бир руҳоний қувват ҳосил бўлади, ана шу руҳий қувват сарфи Ҳақ таолонинг амрлари адосидан, зикрдан ҳоли бўлмаслиги, солик бор ҳимматни шу хусусга қаратиши, ана шунга хатти-ҳаракат қилиши лозим.

Алий Сафий мана шу жойда Хожагон машойихи машҳурларининг сўзларини келтириш орқали мавзуга янада ойдинлик киритишга ҳаракат қилган. У энг аввало ўз замондоши, Ҳирот хожагон пирларининг улуғи, Мавлоно Саъдуддин Кошғарий (ваф. 860/1455)нинг “Хуш дар дам, яъни бир нафасдан иккинчи нафасга интиқол (ўтиш, кўчиш) ғофиллик юзидан эмас, балки ҳузур, яъни огоҳлик юзасидан бўлсин” деган сўзларини нақл қиласди. Мавлоно Кошғарийнинг бу сўзлари маъносини биз “Рашаҳот”да ул зот зикри баён қилинган маҳсус бобдаги бир неча “рашҳа” (кичик боб)лардан билиб олишимиз мумкин. Ўша ўринларда Мавлоно Кошғарийнинг “Хуш дар дам”нинг шарҳига далолат қилган қўйидаги мазмундаги сўзлари аниқ баён қилинган: “Эй, ёронлар! Ҳар нафасда ранже бордур, ўтиб туур, вokiф бўлмоқ керак. Ҳаққ субҳонаху ва таоло (Парвадигор-и олам, яъни Аллоҳ таоло) ҳар доим ҳозир-у нозир туур. Керақдурким, Ҳаққ субҳонаҳудин шарм этгайсан (уялгайсан) ва Ундин ғафлатда қолмагайсан (Уни унутиб қўймагайсан). Ҳаққ таоло инсонга ғоят яқин (яъни, маънан яқин –Б.У.)дир. Шу эътиқодда (ишонч ва тушунчада) бўлмоқ керак. Ҳамма ерда – ёлғиз қолинганда ҳам, одамлар орасида бўлган чоғларда ҳам боодоб (одобли) бўлмоқ лозим. Уйда танҳо қолган чоғда ҳам оёқ узатиб ётишдан уялмоқ лозим. Хусусан, холо жойда (ҳожатхонада) уялиб, бошини қуи солиб, кўз юмиб ўтирмоқ керак. Ошкор-у пинҳон, зоҳир-у ботинда

Хаққ таолога рост бўлмоқ керак. Мана шу одобга сидқидилдан риоя қилганга бу одоб даража-бадаржа маълум бўлиб борур (Таъкид бизники –Б.У.). Инсон ҳамиша ўзини зоҳирий ва ботиний одоблар билан ораста тутсин. Зоҳирий одобдан мурод шариат буюрган ва қайтарган хусусларнинг риоясиdir. Ҳар доим таҳоратда юрмоқ, истиғфорни (тавбани, “Астағфируллоҳ” сўзини сидқидилдан айтишни) кўпайтириш, иложи бори-ча кам сўзламоқлик (керак). Одобларнинг муҳимроғи кўнгилни ағёр (бегоналар)нинг яхши-ю ёмон хутури (ўй-фикрлари, қарашлари)дан сақламоқдир. Буларнинг ҳар иккиси (яъни, кўп гапириш ва тариқатга бегона бўлганларнинг сўzlари, фикр ва қарашлари) соликни (тариқат мансубини) Яратувчиси Аллоҳ таолодан узоқлаштиришда бир хил таъсирга эгадир.

Бу тоифа ушбуларни ўзида касб этган, доим Ҳаққ таолонинг ёди бирла тирик, ўзидан ғойиб (ўзини унуглан) бўлур. Агар намозда рукуъга борсалар, хуш келмаским, андин фориғ бўлсалар (рукуъдан бош кўтаргилари келмас) ва агар намозда саждага борсалар, хуш келмаским, саждадан бош кўтарсалар. Бу тоифа ҳаммадан латифроқ (кўнгли ғоят нозик, тавҳид ва ихлосда доимо бардавом) туурурлар, Аллоҳ таоло ёдидан бошқасига бир кўз юмиб очгунча ҳам таҳаммуллари (токатлари) йўқдир. Анбиё зотлар (пайғамбарлар) уларнинг бу ҳолларига рашик этурлар. Ва уларнинг бу рашки (қизғаниши) бу тоифанинг Ҳаққ таоло тарафига қурблари (яъни, маънавий яқинлиги) жиҳатидандир...” [9, 163-164].

“Рисола-и Қушайрийя”да бу хусусга الـحال-“ал-Ҳолу” деб номланган ўринда сўз юритилганини кўриш мумкин. Имом Қушайрийнинг ёзишича, ҳол қалбга алоқадор бўлиб, унда бардавом бўлаолиш мўмин инсондаги маънавий юксалишни таъминлайди [6, 57-58].

“Хуш дар дам” калимаси шарҳида Алий Сафий Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг қуидаги сўзларини ҳам келтирган: “Бу тариқ (йўл)да ҳифз-и нафас, яъни кишининг барча нафаслари ҳузур ва огоҳлик юзасидан бўлмоғи керак. Нафасини муҳофаза қилаолмаган киши учун “фалонче нафас гум карда”, дерларки, мурод фалончи тариқ ва равишини (яъни, йўл ва мақсадини) йўқ қилибди, демакдир” [10, 38].

“Рашаҳот”да келтирилишича, Хожа Баҳоуддин Накшбандга кўра, бу йўл, яъни тариқатда йўл олиш нафасни назорат қилиш билан бўлур. Солик на ўтмишини ва на истиқболини ўйлагай, балки нафаслари зое бўлмаслиги учун жидд-у жаҳд қилгай. Бунинг учун у нафаснинг киришини, чиқишини ва ҳатто икки нафаси орасини муҳофаза, яъни назорат қилгай, токи нафаснинг кириб чиқмоғида қалбга ғафлат йўл тополмасин [10, 38]. Мана шу таърифдан ҳам Хожагон тариқатининг, шунингдек, нақшбандийя сулукининг нима сабабдан ҳамма замонларда ва ҳамма ерда “тариқат-и олийя”, яъни олий, энг юксак тариқат деб эътироф этилиб келинаётганини билиб олиш мумкин. Зоро, Хожагондан бошқа тариқатларда бундай ўзига хос талаб-қоидалар қатъий мавжуд эмас. Мисол учун, чилла риёзати бошқа тариқатларда (масалан, Қодирия сулукида) талаб қилинган, аммо Хожагонда “хилват дар анжуман”, яъни халқ билан мулоқот асносида, кундалик фаолиятда бўлатуриб доимо таҳоратли бўлмоқ, зикр, тафаккур, муроқаба билан (Аллоҳ таолонинг доим ҳозир ва нозирлигини ҳис қилган ҳолда) юрмоқ каби ўзига хос талаблар мавжуддир. Биз бу хусусда бошқа ўринда, яъни Хожагон тариқатининг “хилват дар анжуман” қудсий калимаси тадқиқи баёнида бу хусусда батафсил тўхталамиз.

Шу ўринда Алий Сафий “Рашаҳот”да устози Мавлоно Абдураҳмон Жомий ўзининг “Шарҳ-и Рубоъиййот” (Рубоийлар шарҳи) асари охирида келтирган муҳим бир маълу-

мотни нақл қилган. Мавлоно Жомийнинг ёзишича, Шайх Абулжаноб Нажму-л-Кубаро (яни, Шайх Нажмидин Кубро –Б.У.) ўзининг “Фавотиҳ ал-жамол” рисоласида бундай деб ёзган: “Зикр, яъни Ҳаққ таолонинг ғайб-и ҳувийтига ишорат қилувчи “Ху” зикри барча жонзорларнинг нафасларида жорий. Ҳатто “Аллоҳ” лафзида ҳам асос “Ху”дир. Зоро, “Аллоҳ” лафзида “алиф ва лом” таъриф учун, “лом”даги ташдид эса муболага учундир. Олинган ва чиқарилган нафасларнинг охирида “хо” бордир. Бу эса зикрдир” [10, 40].

Тўғри таъкидланганидек, солик инсон (тариқат мансуби) ўзи нафас олиб берадиганидаги “ху” саси Аллоҳ таолонинг ғайбий ҳувийят Зотини эслатади. Олиб бериладиган ҳар нафас бир хазинадир [4, 335]. Аммо афсуслар бўлсинки, аксарият инсонлар бу Илоҳий эҳсондан ғофилдирлар, шукр қилмаслар. “Хуш дар дам” калимасининг иккичи бир маъноси бу тариқат мансубининг ўзи ичида бўлгани ҳол ва мақомга диққат-эътиборли бўлмоғидир [11, 1].

Ҳадиси шарифларда ҳам **هو** “Ху” исми Исм-и аъзам (Ҳақ таолонинг энг улуғ номи)дир, дейилган, шунга биноан бу муборак Илоҳий исм хос зотлар ва ҳатто хосу-л-хос бўлган ориф инсонларнинг зикри ҳисобланади.

Зикр ҳақида манбаларда Хожа Алоуддин Атторнинг қуидаги муҳим сўzlари нақл қилинган:

“Бизнинг замонимизда аксарият инсонлар қалб билан эмас, ошқозонлари билан зикр этмоқдалар. Мақсад кўп зикр қилмоқлик эмас. Мурид (тариқат мансуби) ҳар нафасида уч марта зикр қилур. Ўнг тарафидан бошлар ва дилга туширгай... Бомдод намозидан олдин ва шом намози адосидан сўнг ҳоли бир жойда зикруллоҳда давом этгай. У бир нафасда тўққиз ва ёки ўн саккиз марта зикр қилиши мумкин. Ўн саккиз марта гача зикр қилса-ю, бирон натижа бўлмаса, у ҳолда зикруллоҳни бошидан бошлайди” [12, 160].

Алий Сафийнинг нақл этишичи, Хожа Убайдуллоҳ Ахрор ўзининг құдсий калималари ҳисобланган бир рисоласида бундай деган: “Зикрнинг моҳияти зикр қилгувчининг қалби муҳаббат ва таъзим шарти билан Ҳаққ таолони асло унтиб қўймаслигидир” [1, 11] :

و حضرت ایشان در بعضی از کلمات قدسیهء خود نوشته اندکه مقصود از ذکر آن است که دل همیشه آکاد به حق سبحانه باشد بوصف محبت و تعظیم

“Хуш дар дам” калимаси шарҳида Алий Сафий иккита рубоий келтирган. Биринчи рубоий [1, 11-12]:

رباعیه ای مانده ز بحر علم بر ساحل عین
در بحر فراغست و بر ساحل شین
بردار صفائ نظر ز موج کونین
آکاه ببحر باش بین النفثین

Эй монда зи баҳр-и илм бар соҳил-и айн,
Дар баҳр фароғат-аст-у бар соҳил шайн.
Бардор Сафий назар зи мавж-и кавнайн,
Огоҳ ба баҳр бош байна-н-нафасайн.

Мазкур рубоий Алий Сафий қаламига мансуб бўлиб, учинчи мисрадаги “Сафий” калимаси шоирнинг тахаллусидир. Шоир бу ерда рубоий ўзининг қаламига мансуб эканига ишора қилган. Аммо “Рашаҳот” нинг 2003 ва 2004 йиллар нашрларида табдилда бу сўз “сарфи” шаклида хато берилган [10, 11]:

Мазмуни: Эй, илм денгизига кирмай, соҳилда қолган,
Денгизда фароғат бор, соҳилда эса баҳтсизлик.
Кавнайн (дунё ва охират) мавжларига маҳлиё бўлишни тўхтат,
Ҳар икки нафас ўртасида сен денгиздан огоҳ бўл!

Деярли барча тадқиқотларда, хусусан, С.Сайфуллоҳнинг “Хожагон-нақшбандия Рашҳалар” китобида ҳам мазкур рубоий ушбу хатолик билан келтирилганини кўрамиз. “Рашаҳот”да “Хуш дар дам” калимаси шарҳи баёнида асар муаллифи томонидан келтирилган иккинчи рубоий қуидагичадир [10, 39]:

ها غیب هویت آمد ای حرف شناس
و انفاس ترا بود بر آن حرف اساس
باش آکه از آن حرف در امید و هراس
حروفی کفتم شکرف اکر داری باس

“Ху” ғайб-и хувийят омад, эй ҳарф-шунос,
Ва анфос-и тўро бувад бар он ҳарф асос,
Бош огоҳ аз он ҳарф дори уммед-у ҳарос,
Ҳарфе гўфтам шуграф агар дори пос.

Мазмуни: ”Хо” Аллоҳнинг борлиқ моҳият ҳарфидир, эй тадқиқотчи,
Сен олаётган ҳар бир нафас ана шу ҳарф асосидадир.
Умид ва қўрқув онларида сен шу ҳарфдан огоҳ бўл,
Агар диққат қилсанг, мен нодир бир сўз айтдим.

Бу рубоий Мавлоно Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб. Зеро, Алий Сафий рубоийдан сўнг “Махфий қолмасун-ким, ғайб-и хувийятким, ҳазрат Махдумий (Мавлоно Абдураҳмон Жомий) бу рубоийда айтибурлар, таҳқиқнинг истилоҳида иборатдур Зоти Ҳаққ субҳонаҳудин ло таъйин эътибори била, яъни итлоқ-и ҳақиқий шарти билаким, лафз-и итлоқ била муқайяд эмасдур ва мумкин эрмаским, бу мартабада ҳеч илме ва идроке асло анга тааллук топгой ва бу ҳайсийятдин мажхул-и мутлақ турур”, деб ёзган [10, 39].

Алий Сафий Абдураҳмон Жомий рубоийсидаги “ғайб-и хувийят” иборасини ана шундай изоҳлаган. Демак, “Ғайб-и хувийят” иборасидан мурод бу Аллоҳ таолонинг Зотидир ва тариқат мансубига Аллоҳ таолони ҳар доим ёдда тутмоқлиги лозим бўлади.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Рашаҳот. رشحات عین الحیات. ЎзР ФА ДАМ фонди К.№33,
- 2.Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Васиятнома. Манбаларда Ғиждувоний зикри. –Т., “MOVARAUNNAHR”, 2018. Б.-96.
- 3.Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний (Рисолаи соҳибия). Васиятнома. –Т. “MOVARAUNNAHR” нашр 2018.
- 4.Tosun Necdet. BAHAEDDIN NAKSBEND. Hayati- Gorisleri -Tarikati. Istanbul - Insan yayınları.
5. Қаранг: 1986) طبقات الصوفية لأبي عبد الرحمن السلمى بتحقيق نور الدين شريبة القاهرة 1406
- الرسالة القشيرية فى علم التصوف للعلامة العارف باللهأبى القاسم عبدالكريم بن هوازن القشيري: 6. Қаранг: 1990) (النيسابوري، تحقيق و اعداد معروف زريف و علي عبدالحميد ابوالخير، بيروت - دار الخير 1416).

7. Қаранг:

التعرف لى مذهب اهل التصوف تأليف تاج الاسلام أبو بكر محمد الكلبادى ت 380هـ (990 م) تقديم الدكتور يوحنا الحبيب صادر دكتور فى اللاهوت – جامعة روما، دار صادر بيروت 1992

8. Акобирова Дилбар. Юсуф Ҳамадонийнинг “Одоби тариқат” асаридағи бунёдкор ғоялар. –Т.:2018, “Наврӯз”.

9. ЎзР ФА ШИ 21253, 20 ص ، رشحات ، تاشкند ،

10. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Обиҳаёт томчилари. –Т.,2004.Б.-38.

11. Кудратиллаев Ҳ. Насрий асарлар тарихи ва жанрий муаммолар. //Ўзбек тили адабиёти. –Т.:2000,4-сон.

12. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Обиҳаёт томчилари. –Т.,2004.Б.-38.

11. Мавлоно Саъдуддин Кошғарий. Рисола дар калима-и кудсийя (форсий). Турция, Сулаймония кутубхонаси, №1387, 1бв.

رساله در کلمهء قدسیه مولانا سعد الدین کاشغری / مقامات خواجه علاء الدین عطار ӮزР ФА ШИ, №11399,160бв.

ОЗОДБЕК АЛИМОВ

**“ХАМСАТ УЛ-МУТАҲАЙИРИЙН”НИНГ
ДУНЁ ФОНДЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН НОДИР
“КУЛЛИЁТ”ЛАРДАГИ ТАВСИФИ**

Аннотация

Матн тарихини ўрганиш, аждодларимиз меросларининг илмий-танқидий матнларини тузиш, уларнинг тўлиқ ҳолдаги академик нашрларини тайёрлаш учун нодир қўллўзма меросларни илмий тадқиқ ва таҳлил қилиш, матншунослик ва манбашунослик соҳанинг долзарб вазифалариданdir.

Мақолада Алишер Навоий устози Абдураҳмон Жомий хотирасига бағишилаб ёзган “Хамсат ул-мутахайирийн” мемуар асарининг дунё қўллўзмалар фондида сақланаётган “Куллиёт”лардаги тавсифи ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: қўллўзма, Тўпқопи, Сулаймония, Франция миллий кутубхонаси, Дарвеш Муҳаммад Токий, Али Ҳижроний, Ҳамид Сулаймон.

Аннотация

Актуальные задачи текстологии и источниковедения заключаются в изучении истории текстов, составлении научно-критических текстов наследия наших предков, научном исследовании и анализе редких рукописей для их подготовки к полному академическому изданию.

В статье дается описание посвященного наставнику Абдурахману Джами мемуарного произведения Алишера Навои Хамсат ул-мутахайирийн» в трудах «Куллиёт», хранящихся в мировых фондах рукописей.

Ключевые слова: рукопись, Топкапы, Сулеймания, Национальная библиотека Франции, Дервиш Мухаммад Таки, Али Хиджрани, Хамид Сулейман.

Annotation

Learning the history of the text, the compilation of scientific and critical texts of the heritage of our ancestors, scientific research and analysis of rare manuscripts for the preparation of their complete academic editions are one of the urgent tasks in textual criticism and source study.

The article is devoted to the description of "Kulliyats" by Alisher Navoi stored in the world manuscript funds, which include his memoir "Hamsat al-mutahayyirin" written in the memory of his mentor Abdurahman Jami.

Keywords: Manuscript, Topkapi, Sulaymaniyah, National Library of France, Darwish Mohammad Taqi, Ali Hijrani, Hamid Suleiman.

Қўлёзма меросимиз – маънавий бойлигимиз. Улар бизнинг илмий ва маданий қиёфамизни акс эттирувчи, халқимизнинг дунё халқлари орасидаги мавқеини белгилашда катта аҳамият қасб этувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, буюк шоир ва олим Алишер Навоийнинг адабий мероси ҳам шулар жумласидандир. Уларни ҳар томонлама мукаммал тадқиқ этиш бугунги кунда манбашунослик ва матншуносликнинг долзарб масалаларидан биридир. Мана беш асрдан ортиқ вақт ўтибдики, шоир қаламига мансуб асарлар ўзининг жозибаси билан кишиларни ром этиб келмоқда. Инсонлар бу асарлари битилгандан бошлаб зўр иштиёқ билан мутолаа этсалар, хушхат котиблар шоир ҳаётлик чоғларидан бошлаб то ўтган асрнинг бошларигача уларни китобат қилдилар.

Қўлёzmани кўчирган котиблар ўзларининг саводхонлиги, маҳоратидан келиб чиқкан ҳолда бир-бирларидан фарқ қиладилар. Котиблар асарни кўчириш асносида айрим сабабларга кўра матнда беихтиёр саҳв-хатоларга, камчиликларга йўл қўйганлари ёки унга баъзи сўз ва ибораларни киритган ҳолатлари кўзга ташланади. Бироқ бунда котибларга оддий техник вазифани бажарувчи шахс сифатида эмас, балки улар ўз замонасининг маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган маърифат аҳли, маданият арбоби сифатида қаралмоғи даркор. Шундай бўлса-да, котиблар томонидан кўчирилган асарларнинг барчаси ҳам асарни яратган муаллифнинг мероси бўлиб қолаверади.

Алишер Навоий асарлари ҳам котиблар томонидан кўплаб маротаба кўчирилган. Бу қўлёзмалар ҳозирги кунда ватанимиздан ташқари Турция, Франция, Англия, Россия каби дунё қўлёзма фондларида ҳам кўплаб топилади. Улардан “Куллиёт” сифатида жамланганлари ҳам мавжуд бўлиб, бугунги кунда юқорида зикр этилган фондларнинг нодир асарлар сақланадиган маҳсус бўлимларида сақланмоқда.

Кўйида шоир асарларини ўз ичига олган энг нодир “Куллиёт”лар деб эътироф этилган ва ушбу куллиётлар ичida ўрин олган “Хамсат ул-мутахайирийн” асари ҳақидаги маълумотлар ҳамда уларнинг тавсифларини келтирамиз :

1.Истанбул, Тўпқопи саройи музейи, Реван кутубхонасидаги 808-инв. ракамли қўлёзма. Китобат йили – ҳижрий 901-902, милодий 1496/97-1498/99 йиллар. Ушбу қўлёзма бевосита Навоийнинг назоратларида битилган деган хulosса мавжуд. Хаттот درویش مұھаммад طاقی Darvish Muxammad Toqiy. Профессор X.Сулаймон бу куллиётнинг фотонусхасини Адабиёт музейига келтирилган. Профессор X.Сулаймоннинг 1973 йил “Ада-

бий мерос”да эълон қилган “Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадкиқотидан” деб номланган мақоласида “Куллиёт” ҳақида кенг маълумот берган. Қўлёзма таркиби Навоийнинг 26 асаридан иборат. Матн ғоятда гўзал, Хурросоннинг классик настаълиқ хатида ипак қофозга қора сиёҳ билан ёзилган бўлиб, ҳар саҳифага тўрт устунда 27 сатрдан жойлаширилган. Ҳар бир асар аввалида нақшлар ишланган. Матн жадвал ичига олинган. Қўлёзма формати – 23,5x32,1 см. Варақлар сони – 802 та . “Куллиёт”да “Хамсат ул-мутаҳайирийн” асари 24-асар бўлиб, у қўлёzmанинг 7586-773a (16 варак) варакларидан жой олган. Асар тугаган саҳифада ҳам нафис нақшлар ишланган. Мазкур қўлёzmанинг фотонусхаси ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланади.

2.Истанбул, Сулаймония қутубхонаси, Фотих фондида 4056-тартиб рақами остида сақланаётган қўлёзма. Огоҳ Сирри Левенднинг тавсифидан маълум бўлишича, мазкур куллиётнинг қачон, қаерда ва ким томонидан кўчирилганлиги номаълум. Туркиялик олимнинг тавсифига қарагандা, қўлёзма XVI асрнинг биринчи ярмида кўчирилган деб тахминлаш мумкин. Бу нусха куллиётларнинг бирмунча тўлиқроғларидан ҳисобланади. Бир жилдда ва ўзининг дастлабки муқовасида етиб келган бу куллиёт Навоийнинг 26 асарини ўз ичига олган. Матн майда настаълиқ хатида битилиб, ҳар саҳифага тўрт устунда 27 сатрдан жойлаширилган. Китоб 787 варакдан иборат бўлиб, формати 24x36 см. Бу қўлёзма ва унинг таркиби бизга Левенд тавсифи орқалигина маълум. “Хамсат ул-мутаҳайирийн” асари бу қўлёzmада 19-асар бўлиб, 14 варак (6926-7066)ни ташкил этади. Саҳифаларга араб имлосида рақамлар сони битилган бўлиб, улар остидан яна ҳозирги ёзувда ҳам саҳифа сонлари ёзилган. Бу сонлар араб сонларидан учтага фарқ қиласи. Яъни, асар жойлашган саҳифалар ҳозирги ёзувда 6596-7036 вараклардан ўрин олган.

3.Франция Миллий кутубхонасида Suppl. Turc. 317-тартиб рақами остида сақланаётган “Куллиёт”. Навоий қўлёзма куллиётлари орасида юксак маҳоратли безакка эга бўлган энг мўътабар бадиий нусхадир. Колофондаги маълумотларга кўра мазкур куллиёт қўлёzmаси 932-933 ҳижрий, 1526/27 милодий йилларда Ҳиротда китобат қилинган. Котиби – علی هجرانی (Али Ҳижроний).

Қўлёzmадаги асарлар сўнггида котиб ўз исмини тўлиқ қайд этган. Али Ҳижроний томонидан кўчирилган бу қўлёзма китоб ҳозирча фанда яккаю-ягона бўлиб турган “Куллиёт”дир.

Қўлёзма таркиби Навоийнинг 26 асаридан иборат. Матн ғоятда гўзал, Хурросоннинг классик настаълиқ хатида бироз ялтиратилган оч сарғиш рангли ипак қофозга қора сиёҳ билан ёзилиб, ҳар саҳифага тўрт устунда 25 сатрдан жойлаширилган. Сарлавҳалари сулс хатида рангли сиёҳ ва олтин сувида битилиб, қўлёзма французлар томонидан қирмизи рангли икки чарм муқовага жойлаширилган. Ҳар бир асарнинг бошланиши бадиий унвонга эга. Саҳифага турли бўёқлар ҳамда олтин суви билан жадваллар ишланган. Қўлёзма муқоваси формати – 27,2x38,6 см. Қўлёзма қофози формати – 26,5x37 см. Варақлар сони – 406 саҳифа. Қўлёзма тикилган жойи (корешок) нинг ҳажми – 5,5 ёки 6 см. Унда шундай ёзувлар бор: Bibliothèque nationale. Oeuvres complètes de NAVAI. Tome II. BF. Яна корешокнинг остки қисмида қўлёzmанинг сақланиш рақами доирасимон шаклдаги қофозга битиб ёпиширилган (Suppl. Turc. 317). Қўлёzmанинг тавсифи дастлаб Белин асари, сўнгра Блоше каталогида берилган. “Хамсат ул-мутаҳайирийн” асари қўлёzmанинг 19-асари бўлиб, 2866-3016 (16 варак) варакларидан жой олган.

4.Лондон, Британия қироллиги Осиё жамияти қутубхонасида сақланаётган OR 47 инв. рақамли қўлёзма. Ҳ. Сулаймоннинг қайд этишича, мазкур куллиёт XVI асрга оид. Унда 16 та асар мавжуд. Матн настаълик хатида кўчирилиб, ҳар бир асар аввалига бадий нашқлар, унвонлар билан безак берилган. Матн тўрт устун шаклида 27 сатрдан жойлаштирилган. Куллиёт бир муқовада жамланган бўлиб, 632 варақни ташкил этади. Формати 27,5x34 см. Кўлёзма қўп маротаба таъмирланган. “Хамсат ул-мутаҳайирий” асари қўлёзмада 11-асар бўлиб, 539б-553а (15 варақ) саҳифаларидан ўрин олган.

5.Санкт-Петербург, Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат Халқ қутубхонаси (ҳозирги Россия Давлат қутубхонаси) фондидағи Дорн 558-тартиб рақами остида сақланаётган қўлёзма. Россия фондларидаги мукаммал куллиётларнинг энг қадимииси ҳисобланади. Китобат тарихи 1004-1007 ҳижрий, 1595/96-1598/99 йиллар. Эрон Озарбайжонида Қизилоғоч деган жойда кўчирилган. Котиби – علی فیضی (Али Файзий). Кўлёзма Фарҳодхоннинг сарой қутубхонаси учун тайёрланган. Куллиётнинг мазкур Санкт-Петербург нусхаси ўз ичига Навоийнинг 21 асарини олган. Куллиёт олий навли ипак қофозга гўзал настаълик хатида кўчирилган. Сарлавҳалар зангори, сурх рангларда ва олтин суви билан ёзилган. Матн ҳар саҳифага тўрт устунда, 25 сатрдан жойлаштирилган. Барча саҳифаларда матн рангли жадваллар орасига олинган. Кўлёзма таркибидаги ҳар бир асар турли рангдаги гўзал нақшларда ишланган ғоят нафис унвонлар билан бошланади. Китоб яхши сақланган. Куллиёт бир муқовага жойлаштирилган бўлиб, 722 варақдан иборат, формати 24x34 см. Дорндан сўнг кўлёзманинг тўлиқроқ тасвифини С.Л.Волин берган. “Хамсат ул-мутаҳайирий” асари қўлёзманинг 19-асари бўлиб, 695б-709а (28 варақ) саҳифаларидан ўрин олган.

Матн тарихини ўрганиш, муаллиф қаламига яқин бўлган матнни тиклаш ҳамда аждодларимиз меросларининг илмий-танқидий матнларини тузиш, уларнинг тўлиқ ҳолдаги академик нашрларини амалга ошириш учун дунё қўлёзмалар фондида сақланаётган бу каби нодир қўлёзма меросларни чуқур илмий тадқиқ қилиш, улардаги фарқлар, қўшимчалар, хато ва камчиликлар таҳлил қилиниши ҳамда П.Шамсиев, Ҳ. Сулаймон ва бошқа жонкуяр матншунослик устозларимиз бошлаб берган ишларни давом эттириш мазкур соҳанинг долзарб вазифалари бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳамид Сулаймон. “Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан”. “Адабий мерос”, –Т., “Фан” нашриёти, 1973.
2. Ҳакимов М. “Алишер Навоий асарларини кўчириган хаттотлар”. –Т., “Фан” нашриёти, 1991.
3. Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. –Т., “Навоий университети” нашриёт-матбаа уйи, 2019.
4. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. –Т., “Фан” нашриёти, 1971.
5. Алимов О. Хамсат ул-мутаҳайирийн. Танқидий матн. –Т., “Мумтоз сўз” нашриёти, 2015.

ҲАМИДУЛЛА ДАДАБОЕВ

**“БОБУРНОМА” МАТНИДА НОМЛАРИ ЗИКР ҚИЛИНГАН
АМИР ТЕМУР САРКАРДАЛАРИНИНГ
ТАРЖИМАИ ҲОЛИГА БИР НАЗАР**

Аннотация

Ушбу мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Амир Темур саркардаларидан бўлган Жаку барлос, Ҳожи Сайфиддинбек, Шайх Нуриддинбек, Шайх Али баҳодир, Жаҳоншоҳбек, Оқбуғабек кабиларнинг шахсияти ва фолиятига берилган баҳолар келтирилган ва уларнинг бошқа манбаларга мувофиқлиги таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Амир Темур саркардалари, “Бобурнома”, “Зафарнома”, “Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, “Мужмал-и Фасиҳий”.

Аннотация

В статье даны оценки личностей и жизнедеятельности военачальников Амира Темура – Джаку барлоса, Хаджи Сайфиддина, Шейха Нуриддинбека, Шейха Али баҳодира, Жаҳоншоҳбека, Ақбуғабека в произведении «Бабурнамэ» Заҳириддина Муҳаммада Бабура и анализ идентичности этих данных с другими источниками.

Ключевые слова: военачальники Амира Темура, «Бабурнамэ», «Зафарнамэ», «Матлаи садаин ва маджман баҳраин», «Мужмал-и Фасиҳий».

Annotation

In this article, Zahiriddin Muhammad Babur's «Boburnoma», the personalities and activities of Jaku Barlos, Haji Sayfiddinbek, Sheikh Nuriddinbek, Sheikh Ali Bahodir, Jahonshohbek, Akbugabek, who were among the commanders of Amir Temur are evaluated and their relevance to other sources analyzed.

Keywords: Amir Temur's commanders, «Boburnoma», «Zafarnoma», «Matla'i sa'dayn va majmai bahrain», «Mujmal-i Fasihiy».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”да бобоси Султон Абусайд мирзо, падари бузруквори Умаршайх мирзо, амакилари Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо ҳамда қондоши, насаби Соҳибқироннинг иккинчи ва учинчи ўғиллари Умаршайх ва Мироншоҳ мирзоларга тегишли (карим ут-тарафайн) Султон Ҳусайн Бойқаро мирзо ҳукмронлиги остидаги салтанат хизматида бўлган кўпдан-кўп вазирлар, садрлар, беклар, амирлар, шоирлар ва ҳ.к. ҳақида қимматли маълумотларни қайд этган.

Бобур муайян шахснинг суврати ва сийратини тасвирлашда, албатта, унинг наслу - насаби, қайси эл ёки уруғдан эканлигига алоҳида диққат қаратади. Бобур томо-

нидан тилга олинган киши исмлари таркибида Соҳибқирон Темурбекнинг содик сафдошлари, машхур амиру беклари, атоқли саркардалари ҳам акс этган. Алалхусус, Жаку барлос, Ҳожи Сайфуддинбек, Шайх Нуруддинбек, Шайх Али баҳодир, Жаҳоншоҳбек, Оқбуғабек шулар жумласидандир. 2014 йилда нашрдан чиқсан “Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”да булар тўғрисида қисқача маълумот келтириш билан чегараланилган. Ваҳоланки, номлари қайд қилинган шахсларнинг Амир Темур асос солган улкан ва қудратли салтанатни қуришдаги хизматлари тарихий манбаларда анча муфассал баён этилган.

Бобур отаси Умаршайх мирзо беклари қаторидан ўрин олган Бобоқули борасида шундай мулоҳаза юритади: Яна бир Бобоқули Бобо Алибек эди. Шайх Али баҳодирнинг наслидан эди. Шайх Мазидбек ўлгандин сўнг ани манга бекатка қилдилар (71). Дастребаки икки жумладан Бобоқулининг Бобо Алибек фарзанди, Бобо Алибекнинг эса Шайх Али баҳодирнинг авлоди эканлиги аён бўлади. “Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”нинг 567-саҳифасида Шайх Али баҳодир ҳақида берилган қисқача шарҳни, Темурбек тарихи араб, форс ва туркий тилда ёритилган манбалар асосида, яна да тўлиқроқ шаклга келтириш ўзини оқлайди. Шайх Али баҳодирнинг ҳаёт йўли борасидаги илм аҳли ҳукмига ҳавола қилинаётган қуидаги маълумотлар биз томондан 2018 йилда “Навоий университети” нашриёт-матбаа уйида чоп этилган “Амир Темур даврдошлари” лугатидан ўрин олган матннинг тўлдирилган нусхаси бўлиб, Алишер Навоий номли Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган “Соҳибқирон саркардалари” номли рисоладан олинди:

Шайх Али баҳодур Арғун барлоснинг ўғли. Соҳибқироннинг энг истеъододли баҳодури ва саркардаларидан бири. Самарқандда ўтган курултойдан олдин (1370) Темурбек ушбу баҳодурга ҳиравул (илғор қисм) қўмондонлигини берган ва уни Хитой баҳодур қатори барча баҳодурларнинг улуғи даражасига кўтарган. Шарафуддин Али Яздийнинг таърифича, Шайх Али Соҳибқирон лашкарида мавжуд бўлган баҳодурларнинг сурури (севинчи) саналган. Кўпдан кўп юришларда фаол иштирок этган. 1371 йилда Мўғалистон (Жата) сари черик тортган Темурбек Шайх Алини бошқа беклар қаторида итоат йўлидан чиқсан Кўппак (Кебак) Темурнинг ишини бир ёқлик қилиш учун жўнатган. Жатага тўртинчи қатла уюштирилган юриш чоғида Шайх Али Муайядбек, Хитой баҳодур билан ҳамкорликда 5 минг кишилиқ лашкарни бошқаришга белгиланиб, Қамаруддиннинг устига жўнатилган. 1382-1383 йилнинг қишида Суюргатмишон ва Али Муайяд ҳамроҳлигига 40 жанговар қўшун билан Калотнинг теварак-атрофидаги йўлларни беркитиш вазифасига тайинланган. Шайх Али қалъани биринчи бўлиб эгаллаш мақсадида ўз навкарлари бошчилигига пиёда тоқقا йўл олади. Иттифоқан, йўл бошловчи (қачарчи) йўлдан адашган. Бундан хабар топган Калот ҳимоячилари Шайх Алини исканжага олишади. Мовароуннаҳриклар чандон қаршилик кўрсатишмасин, фойда бермайди, ноилож ғанимларга таслим бўлади. Калот ҳокими Алибек Жониқурбоний Шайх Алига шафқат назари билан қарайди ва уни ҳузурида қолдиради. Ушбу нохуш хабарни эшитган Соҳибқирон қаттиқ афсусланади ва зарурат юзасидан Мозандарон юришини бекор қилиб, ортга қайтади. Шу йили Калот тоғларида вабо тарқалиб, жониқурбон уруғининг аксарияти қирилиб кетади. Охир оқибат, Алибек Жониқурбоний Шайх Алини восита қилиб, Амир Темур даргоҳига келади. 1383-1384 йилнинг илк кўкламида Шайх Али баҳодур 50 қўшунга бош бўлиб, Мозандарон сарҳадларини ҳимоя қилган. Кач ва Мекрон йўлида қароқчилик билан шуғуланаётган Туман Никударийга қарши

Мироншох мирзо раҳбарлигидаги юришга отланган черик саркардалари таркибда Шайх Али ҳам бор эди. 1385 йилнинг ёзида Гилон ҳудудига босқин қилган. 1386 йилда Табризга келган Султон Али жалойир устига лашкар тортган Соҳибқирон ўрду ва ўғруқни бошқаришни Шайх Алига топширган. Баҳодур ўғруқ ва ўрдуни Ардабил орқали Қаробоққа етказган. 1387 йилда Дарбандан ўтиб, Озарбайжон вилояти ҳудудига кирган Тўхтамиш аскарлари сари юборилган беклар сафида ҳаракат қилган. Шу йилнинг кузида Ироқ ва Форс томон таважжух қилган Соҳибқирон Мироншох мирзо, Сайфуддинбек ва Шайх Алини ўғруқ муҳофазасига белгилаган.

Хоразмга бешинчи қатла қилинган юришда (март-апрель, 1388) Шайх Али кўшиннинг манғлайи (илғор) тарзида ҳаракат қилган. Айни йилнинг қишида Зарнуқ яқинида Тўхтамишнинг илғор қисми билан кечган тўқнашувда Шайх Али, Темур Кутлуғ ўғлон ва Кунча (Муиниддин Натанзий: Калоча) ўғлон минг нафар отлик билан бирга пистирмага қўйилган. Мағлуб этилган душман мамлакат сарҳадини бутунлай тарк этгунча, Шайх Али баҳодур томонидан таъқиб қилинган. Мўғулистон (Жата) сари уюштирилган бешинчи юришда (1389) Шайх Али ва Эйгу Темур бир гуруҳ аскарлар билан Ўрунг мавзесида турган Анка Тўрага қарши жўнатилган. 1393 йилнинг 9 январида Ироқ ва Форс томон иккинчи марта қўшин тортган Соҳибқирон Муҳаммад Султон ва Пирмуҳаммад мирзоларга Шайх Али баҳодур, Севинчак баҳодур, Темурхожа, Мубашшир ва бошқа бекларни қўшиб, илгари юборган. Чамчамол йўлидаги Курдистон қалъаларини биринкетин забт этиб, Бағдод томон юзланган қўшин таркибида фаоллик кўрсатган Шайх Али баҳодур суиқасд учун маҳсус тайёрланган курдистонлик йўлбошловчи (қачарчи) томонидан Сори қалъаси яқинида хоинона пичоқлаб ўлдирилган.

Шарафуддин Али Яздий Шайх Алиниң ҳалокатини қуидаги тасвирилган. 1393 йилнинг 9 январида Мозандарондан Ироқ ва Форс юртлари томон отланган Соҳибқирон Муҳаммад Султон ва Пирмуҳаммад мирзоларни черикка бош қилиб, илгари жўнатган. Оға-ини мирзоларга Шайх Али баҳодур, Севинчак баҳодур, Темурхожа Оқбуға, Мубашшир ва бошқа беклар ҳамроҳликка тайинланган. Ушбу черик Қазвин ва Султонияни забт қилган ва Бағдод сари мутаважжих бўлган. Оға-ини мирзолар қўмондонлигидаги черик Бағдод йўналишидаги Боши Хотун дарбандига етганда у ҳудуддаги сардорлардан бири мирзолар қошига келган ва лашкарга йўл кўрсатуви (ғажирчи)лик қилишга тайёрлигини билдирган. Муҳаммад Султон уни маҳтаб, хосса тўн, олтин камар ва олтин бандлик қилич инъом қилган ҳамда Шайх Алини унга қўшиб, олға жўнатган. Айни шу кезда Курдистоннинг ҳокими Иброҳимшоҳ тобеликни изҳор қилиш мақсадида Султоншоҳ исмли ўғлини мирзолар қароргоҳига йўллаган. Улкан миқдордаги пешкашлар билан келган Султоншоҳнинг Шайх Али учун маҳсус тухфалар келтирганидан хабар топган Муҳаммад Султон чопар орқали номдор бекни ортга қайтишга унданаган. Кўрсатмага кўра лашкаргоҳ томон юзланган Шайх Али йўлда ниманидир танавул қилиш учун тўхтаган пайтда унга йўлдошлиқ қилаётган йўлчи тўсатдан пичоқ урган. Шарафуддин Али Яздий томонидан жаҳонпаҳлавон тарзида улуғланган Шайх Али баҳодурнинг фарзандлари Сайийхожа, Илёсхожа, Хизрхожа ва Ҳуббийхожа Амир Темур ва Темурийлар қўшиннинг турли қисмларига сардорлик қилишган.

Бобур Султон Ҳусайн мирзо давлатида хизмат қилган талайгина беклар хусусида маълумотлар берар экан, биринчи бўлиб Жаку барлос наслидан бўлган Муҳаммад Бурундуқ барлос номини тилга олади: Умароси: бир Муҳаммад Бурундуқ барлос эди. Жаку барлос наслидиндир. Муҳаммад Бурундуқ ибн Али ибн Бурундуқ ибн Жаҳоншоҳ

ибн Жаку барлос. Бобур келтирган шажарага кўра, Мухаммад Бурундуқ Жаку барлоснинг тўртинчи бўғин-авлоди саналади.

“Захириддин Мухаммад Бобур энциклопедияси”да Жаку (Жоку, Чоку) барлос (247), унинг ўғли Жаҳоншоҳ (Жаҳоншоҳ Чоку, Жоку) (245)га тегишли тавсифларни эътироф этган ҳолда, уларни тубандаги маълумотлар билан янада кенгайтириш мақсадга молик:

Жаку (Жоку, Чоку) бек барлос уруғининг йирик, нуғузли вакили. Тўлиқ исми Жакубек ибн Муборак ибн Тўғон ибн Қадан ибн Шаръа ибн Қарочор нўён. Амир Темурнинг қариндоши, сафдоши ва қайинотаси. Лой жангидаги (1365) Темурбек қўмондонлигидаги жуванғар (чап қанот) қунбули (Муиниддин Натанзий: ҳиравули)да Сайфуддинбек, Аббосбек ва Муайядбек билан бирга турган. 1370 йилда черик беги лавозимига муносиб топилган. 1371/1372 йилда Зиндачашмнинг Амир Темурга қарши уюштирган фитнасини бостириб, Шибирғонни унинг қўлидан тортиб олган. 1372 йилнинг қўкламида Соҳибқирон томонидан Қундуз, Бағлон ва Кобул вилоятлари ҳокими этиб тайинланган. 1373 йилда Кобулистон вилоятининг ҳокими сифатида фаолият юритаётган Жакубек Мозандарон сари қўшин тортиб, Мурғоб ёқасида тушган Темурбекнинг хузурига келган, мамлакат учун муҳим ҳисобланган айrim масалаларни у билан маслаҳатлашгач, Кобулга қайтган. 1376 йилда Амир Темур улкан лашкарга бош бўлиб, Жўжи улуси хукмдори Ўрусхонга қарши юришга отланган кезда Жакубек Самарқанд бошқаруви учун масъул этиб белгиланган. Номдор бек 1384 йилда Кобулда вафот этган. Унга тааллуқли Кобулистон мулки олий фармонга мувофиқ ўғли Жаҳоншоҳбек баҳодурга тақдим этилган.

Жаҳоншоҳ баҳодур Жакубек барлоснинг ўғли, улуғ бек. Жаҳоншоҳ Соҳибқироннинг деярли барча ҳарбий юришларида қатнашган, қўлга киритилган ғалабаларга салмоқли улуш қўшган. 1381 йилда Ҳиротни забт этган Темурбек уни ўз қўшини илғор қисми (ҳиравул, манғлай)га бош қилиб Сабзаворга жўнатган. Қундуз ва Бағлон ҳокими лавозимида фаолият олиб борган. 1383 йилда Жаҳоншоҳ, Элчибуға, Шамсуддин Уч Қаро ва Сайн Темур баҳодур сардорлигидаги 10 минг кишилик лашкар аввалроқ Жатага юборилган Шайх Али баҳодур, Ҳожи Сайфуддинбек, Аталмиш ва Арғуншоҳ ахтаки бошчилигидаги лашкарга мадад беришга жўнатилган. 1383-1384 йили Жаҳоншоҳ ўз аскарлари бошчилигидаги Қандаҳор, Кобул ва Фазни сарҳадлари муҳофазасига тайинланган. Шу йилда Мубашшир ва Искандар Шайхий билан бирга 38 кунлик муҳосарадан сўнг Қандаҳорни фатҳ қилган, шаҳар кутволи дорга осилган, қалъа девори ер билан текислаб ташланган. 1384 йилнинг бошида Жаҳоншоҳ Қандаҳор ва Калот қалъаларини мусаххар этган. Шу йилда Жакубек вафот этгандан сўнг Амир Темур ҳукмига кўра Кобулистон вилояти Жаҳоншоҳга хос мулк сифатида берилган. 1386 йилда Доғистондаги лакзларни талаб, итоатга келтирган. 1388 йилда Хатлон туманида Жаҳоншоҳ уч юз суворий билан ғанимлик кўчасига кирган Мухаммад Мирак (Мирка) қўмондонлигидаги бурулдай уруғи аскарларига қарши тонг пайтидан то ярим тунгача жанг қилган. Ҳожа Юсуф апарди ва Пир Али Тоз сулдуз мададга этиб келгач, ёғи қочишга мажбур бўлган. 1389 йилда олий ёрлиққа мувофиқ Уч Қаро баҳодур ва ўзга беклар билан 30 минг кишилик лашкарга раҳбарлик қилиб, Иртишда қўним топган жаталикларни тор-мор этган. Шу йилнинг 9 августида Жатадан Самарқанд сари отланган Темурбек Жаҳоншоҳни ўғруқ(обоз)қа қўйган. Улуғ бек рутбасига эришган Жаҳоншоҳ Қундузча жангидаги (18.06.1391) Тўхтамиш аскарларининг шиддатли ҳамласини қайтаришга муваффақ бўлган. 1393 йилнинг 9 январида Мозандарондан Ироқ ва Форс томон ази-

мат қилган Соҳибқирон Жаҳоншоҳни бир начта атоқли саркардалар билан биргаликда ўғруқ забтига тайинлаган. 1394 йилнинг апрелида Ироқдаги Ҳомид (Омид) қалъаси томон илғор (авангард) сифатида жўнатилган. Айни йилнинг августида Бурҳон ўғлон, Ҳожи Сайфуддинбек ҳамда Усмон баҳодур ҳамкорлигида Гуржистонга қўшин тортган. Тўхтамиш ва Амир Темур қўшинлари ўртасида Терек дарёси бўйида кечган уч қунлик тўқнашувда Жаҳоншоҳ Ҳожи Сайфуддинбек билан камин(пистирма)да жойлашган ва хон қўшинининг жуванғарига кучли зарба берган. Даشتி Қипчоқ лашкари мағлуб этилгач, Жаҳоншоҳ Мироншоҳ мирзо ва бошқа беклар сафида Сарой шаҳрини талаган, Рус (Ўрус) ва Украина (Ўруську) ерларини мусаххар этган, Черкасни бўйсундириш амалиётida фаоллик қўрсатган. 1396 йилда Бокудан Бағдодгача ва Ҳамадондан Румгача бўлган мулклар ҳукумати Мироншоҳга берилиб, у Аланчуқ қалъасини мусаххар қилишга белгиланганда Рустам мирзо ва Жаҳоншоҳ мирзога ёрдамга келган эди. Ҳиндистон сафарида армиянинг Султон Маҳмудхон қўмондонлигидаги сўл қўл саркардалари сафидан ўрин эгаллаган. Понипат ғалабасидан сўнг Жун дарёси яқинидаги элларни чопиб, сонсиз мол ўлжа олиб келган. Етти йиллик юриш пайтида Гуржистон томон от сурган Соҳибқирон Жаҳоншоҳни Малик Гургенни қидириб топишга тайинлаган. 1400 йилнинг сентябрь-октябрида Темурбек ҳукмига мувофиқ Боязид Йилдиримга тегишли Малатия ва Кохтагача бўлган худудларни ғорат қилган, улкан миқдорда ўлжа олиб, лашкаргоҳга қайтиб келган. Шу йилнинг 30 октябрида Ҳалаб учун кечган муҳорабада Жаҳоншоҳ қўшиннинг Султон Маҳмудхон сардорлигидаги сўл қўлида турган. 1401 йилнинг 5 январида Миср подшоҳи аскарлари билан Дамашқ саҳросида содир бўлган саваш чоғи номдор лашкарбоши Султон Маҳмудхон, Халил Султон мирзо, Фиёсуддин тархон ва ҳокозолар лашкарбошилар қатори қўшиннинг ўнг қанотидан ўрин олган. 1402 йилнинг қўкламида Шарқий Анадўлудаги Камоҳ қалъасини олишда матонат қўрсатган. Анқара муҳорабасида қўшиннинг Мироншоҳ мирзо қўл остидаги сўл қаноти қунбулида Абубакр мирзо, Қаро Усмон туркман, Тўкал барлос ва Пир Али сулдуз ҳамроҳлигига ҳаракат қилган. Эришилган зафардан кейин Муҳаммад Султон мирзо ҳукмига мувофиқ Севинчакбек билан Гарбий Анадўлудаги Берғама шаҳрини ғорат қилган, Измир шаҳрининг фатҳ этилишида қатнашган. 1404 йил март ойи бошида Соҳибқирон Ҳулагуҳонга тааллуқли улусни Умар мирзога берган ва Жаҳоншоҳни унинг маслаҳатчиси этиб тайинлаган. Март ойининг ўрталарида Жаҳоншоҳ Умар мирзо ва бошқа номдор саркардалар қатори Озарбайжонга йўл олган. Жаҳоншоҳ 1405 йилнинг бошларида Умар мирзога қарши исён кўтарган. Март ойида юз берган жангда енгилган ва Шайх Муҳаммаднинг ўғли Бобо ҳожи томонидан қатл этилган. Атоқли бекка тегишли мол-мulkнинг бир қисми девон ҳисобига мусодара қилинган, қолгани талон-торожга учраган.

Юқорида номи бир неча бор зикр этилган энциклопедияда Жаҳоншоҳ барлоснинг ўғли Бурундуқ барлосга тааллуқли маълумотнинг мажуд эмаслигини ҳисобга олиб, ушбу саркарда ва давлат арбоби фаолиятига доир қуйидаги маълумотни келтириш маъқултопилди:

Бурундуқ Жаҳоншоҳбек ибн Жаку барлоснинг ўғли, улуғ бек, номдор саркарда. Амирзода Султон Ҳусайн лашкари сардорларидан. Шом, Миср ва Рум (Кичик Осиё) юриши қатнашчиси. 1401 йилнинг январида мудофаа қилиб турган шаҳарни ташлаб қочган Миср ҳукмдори Фаражни таъқиб этиш учун жўнатилган Севинчак, Шайх Нуруддин, Шоҳмалиқ, Аллоҳдод, Жаҳоншоҳ ва Али Султон каби саркардалар сафидан ўрин эгаллаган. Шу йилнинг 20 марта буйруққа биноан амирзода Султон Ҳусайн билан бирга беш

минг кишилик ҳарбий қисмга бош бўлиб, Антакия сари борган. Натанзийнинг ёзишича, 1401 йилнинг майида Бурундуқбек Рустам мирзо, Сулаймоншоҳбек ва Жалол ал-Ислом билан бирга Бағдод фатҳига номзод қилинган. Номдор саркарда Бағдод фатҳи чоғида (1401, август) лаҳм қазув ишларига раҳбарлик қилган. Соҳибқирон буйруғига биноан Шайх Нуруддинбек билан бирга Туркиядаги Ҳорук (Ҳовик) қалъсини фатҳ этган. Анкурия (Анқара) жанги арафасида фармони олийга мувофиқ душман йўлларини тўсиш, қудуқ қазиб сув чиқаришга масъул этиб тайинланган. Анқара ҳокими Яъқуб билан кечган тўқнашувда диловарлик ва баҳодирлик мақомида туриб, душманни ҳалокатга учратган. Анқара муҳорабасида Амираншоҳ мирзо қўл остидаги сўл қанот(жуванғар)дан ўрин олган. Бурундуқ Хитой юриши бошида Соҳибқирон буйруғига кўра черик сонини ҳисоблаб чиққан, икки юз минг отлик ва пиёдаларнинг сафарга шай эканлигини Амир Темурга билдирган. 1405 йилнинг бошида Халил Султон мирзо кўймондонлигидаги саркардалар қатори Тошкент, Шоҳрухия ва Сайрамда қишлаётган аскарларга сардорлик қилган. Амир Темур вафотидан кейин дастлаб Халил Султон мирзонинг Самарқандни эгаллаш мақсадидаги ҳаракатини маъқулламаган, лекин оз фурсат ўтмай мирзо тарафига ўтиб, Соҳибқироннинг васиятига қарши борган. Маълум муддатдан сўнг Тошкентдан Оқсулотга келиб, Шайх Нуруддинбек ва Шоҳмаликбекка Худайдоди Ҳусайний ҳамда Шамсуддин Аббоснинг мархум Амир Темур васиятига асло хилоф иш қилмасликлари зарурлиги мазмунидаги мактубини элтган. Халил Султон Самарқандга юзланган кезда Бурундуқни черикка бош қилиб, Сирдарёнинг юқори оқимида жойлашган Шоҳрухия сари жўнатган. Бурундуқ Худайдоди Ҳусайний, Шамсуддин Аббос ва бошқа беклар билан келишиб, Халил Султон ҳукуматига қарши чиққан. Бироқ Халил Султоннинг тезда Самарқанд таҳтини эгаллашига кўзи етгач, унинг ҳузурига бош эгиб борган, қайтадан мирзо билан шарт ва аҳд тузган. Атоқли бек Халил Султоннинг Мовароуннаҳр таҳтига ўтириш маросимида (18.03.1405) қатнашган.

“Бобурнома”да Умаршайх мирзо беклари ичдан биринчи бўлиб Худойберди Темуртош номи зикр қилинган: Умароси: Худайберди Темуртош эрди. Ҳири ҳокими Оқбуғабекнинг оғасининг наслидиндур (69). “Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”дан (413) Худайбердикбекнинг бобосига берилган ўта қисқа тавсиф жой олган: Оқбўғабек-Ҳиротда ҳоким бўлган бек. “Бобурнома”да Умаршайх мирzonинг амири Худайберди Темуртошнинг аждоди сифатида тилган олинган (“Б.”, 126). Тарихий обидаларда Оқбуғабек тўғрисида қўйидаги маълумотлар келтирилган:

Оқбуға баҳодур найман уруғи вакили. Соҳибқироннинг сафдоши ва мулозими. 1370 йили Балхдан Самарқандга қайтаётган Темурбек томонидан девонбеги мансабига лойиқ топилган. Соҳибқирон 1376 йилда учинчи бор Хоразмга юриш қилган чоғда Оқбуға баҳодурни Самарқанд бошқарувига тайинлаган. 1380 йили Хуросон вилояти Мироншоҳга берилган пайтда бошқа атоқли беклар ва саркардалар қатори Оқбуға ўн тўрт ёшлиқ мирзо хизматига белгиланган. Амир Темурнинг ҳарбий юришларида йирик ҳарбий қисмларга қўймондонлик қилган номдор саркарда 1389 йилда сарбадоллар ҳамда Ҳожибек Жониқурбоний фитнасини бостириш учун Тусни қамал қилган ва шаҳарни бир неча кундан кейин эгаллаган. 1393 йилнинг майида Шероз яқинидаги Потила (Гавди Потила) мавзесида Соҳибқирон ҳамда Шоҳ Мансур аскарлари ўртасида кечган даҳшатли саваш чоғи Оқбуға ўғли Темурхожа билан бирга илғор қисм (хиравул) га тайинланган. Темурбек Ҳиндистон сафарига чиқиш арафасида Оқбуғабекни Ҳирот ҳокимлигига тайинлаган. Оқбуға баҳодур 1399 йилнинг сентябрида Ҳинд юришидан за-

фарли қайтаётган Соҳибқирон билан Сариққамиш мавзесида дийдорлашган. 1402 йилда Ҳиротда дунёдан кўз юмган Оқбуға вақтинчалик Гозургоҳда дағн қилинган. Кейинчалик жасади Шахрисабзга келтирилган ва шу ерда кўмилган. Олий фармонга биноан Ҳирот бошқарувига Жақу барлоснинг ўғли Мизроббек тайинланган.

Хуллас, Бобур асарида тилга олган шахсларнинг уруғи, насли, жамиятда тутган ўрни, мансабу лавозими тўғрисидаги маълумотлардан юқори даражада хабардор бўлган. Тарихнавис келтирган ашёвий материаллар ўта ҳаққонийлиги, тўғрилиги, объективлиги билан характерланади. Бугунги авлоднинг аждодлар турмуш тарзи, фаолияти, адаби, хулқи борасида тўлиқ тасаввурга эга бўлишида “Бобурнома” қатори бошқа тарихий манбаларнинг ўрни бекиёс.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар тарих фанлари кандидати А.Ўринбоев. –Тошкент, 1969.
2. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд, биринчи қисм. 1405-1429 йиллар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
3. Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. Перевод с персидского, предисловие и примечание А.А.Семенова. –М., 1958.
4. Дадабоев Ҳ. Аждодларимизнинг ҳарбий маҳорати. –Тошкент: Akadem nashr. 2016.
5. Дадабоев Ҳ. Амир Темур даврдошлари (мўъжаз энциклопедия).–Тошкент: Navoiy universiteti нашриёт-матбаа уйи, 2018.
6. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. –Тошкент, 1960.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. –Тошкент: Шарқ, 2014.
8. Ибн Арабшоҳ. Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар-филология фанлари номзоди Убайдулла Уватов тайёрлаган. I-II китоблар. –Тошкент: Мехнат, 1992.
9. Мирза Мухаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашиди. Введение, перевод с персидского А.Уринбаева, Р. Джалиловой, Л. Епифановой. –Ташкент: Фан, 1996.
10. Мирзо Мухаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Нашрга тайёрловчи, сўз боши, табдил ва кўрсаткичлар муаллифи тарих фанлари номзоди Жалилов Омонбек Ҳусайнбек ўғли. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
11. Мирхонд. Равзат ус-сафо. Ҳ.Сулаймон номидаги қўлёзмалар фонди. № 4141.
12. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут таворихи Муиний (Муиний тарихлари танламаси). –Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
13. Низомиддин Шомий. Зафарнома. –Тошкент: Ўзбекистон. 1996.
14. Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод). Перевод с персидского, предисловие, примечания и указатели Д.Ю.Юсуповой.–Ташкент: Фан, 1980.
15. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Ахмад, Ҳайдарбек Бобобеков. –Тошкент: Шарқ, 1997.

АСЛИЯТ БАДИИЯТИНИ ТАРЖИМАДА ҚАЙТА ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Аннотация

Мақолада Бобур шеъриятиниң русча таржималари, таржималарда аслиятда акс этган мазмун ва бадиият масалаларига эътибор қаратилган. Ааслиятдаги мазмуниң таржималарда қанчалик ўз аксини топгани, айни чоғда аслиятдаги бадиий воситаларниң таржимада ҳам ифодаланишида таржимонниң шеър мазмуни, унда акс этган воқеа-ҳодисалар баёни ва бадиий воситаларниң қўлланишини қанчалик билиши таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Бобур ғазаллари, шеърий санъатлар, мазмун ва бадиият, қофия, радиф, таржима назарияси.

Аннотации

В статье уделено внимание переводам стихов Бабура на русский язык, передаче в переводах полного содержания стихотворений и вопросам художественности. Анализируется уровень передачи содержания стихотворения в переводе, умение переводчика применять содержание стихотворений посредством художественных средств русского языка.

Ключевые слова: газели Бабура, поэтическое искусство, содержание и художественность, рифма, радиф, теория перевода.

Annotation

The article focuses on the Russian translations of Babur's poetry, the content and artistic issues reflected in the translations. The analysis include the level of transmission of the content of the poem in translation, as well as the ability of the translator to apply the content of the poem, the events and artistic means reflected in it, when transferring the artistic means of the poem.

Keywords: Babur's ghazals, poetic arts, content and art, rhyme, radif, translation theory.

Ўзбек мумтоз адабиёти радиф, қофия, ҳожиб, зулқофиятайн, такрор, ташбех, ўхшатиш, тазод, тажнис, ийҳом, мувозана, тарсөъ, ружу, талмех каби қатор шеърий санъатларга бойдир. Хусусан, шеърий намуналарниң бир байтида ўнга яқин шеърий санъат қўлланилган ғазаллар бор. Заҳириддин Муҳаммад Бобурниң қўйидаги матлаъ билан бошланган ғазали адабиёт ихлосмандларига яхши таниш:

Сендек манга бир ёри жафакор топилмас,
Мендек санга бир зори вафодор топилмас.¹

Шоир мазкур байтда радиф, қофия, ҳожиб, тарсөъ, мураббаъ қофия, мураддаф, мувозана, ташбих, тазод, сифатлаш каби шеърий санъатларни қўллаган.

Остки-устки мисралардаги сўзларниң бари оҳангдошdir. Нафсиlamрини айтганда, бундай оҳангдошлиқ сўзларниң радифдошлиги, қофиядошлиги ҳамда ҳожибошлиги натижасида ҳосил бўлган. Байтниң бу хусусияти унда тарсөъ санъати қўлланилганлигини кўрсатади: сендек – мендек, манга – санга, ёри – зори, жафакор – вафодор, топилмас – топилмас.

Эътибор берсангиз, байтда бир эмас, икки эмас, балки тўрттадан сўз қофиядош. Бу ҳолат ўз навбатида шоир мураббаъ қофия санъатини қўллаганлигини кўрсатади. Мис-

¹ Бобур. Танланган асарлар. –Т.: ФАН., – 116-6.

раларда “бир–бир” сўзларининг остинма-устун қофиялар орасидаги тақори шоирнинг хожиб санъатини ишлатганидан далолат беради.

“Топилмас” сўзининг ҳар бир мисра охирида тақорор қўлланилиши мураддаф шеърий санъатидан далолатдир.

Байтда тагма-таг турган сўзларнинг вазндошлиги мувозанатини таъминлайдиган санъат – мувозанадир. Буни “мендек-сендек” сўзларини жуфтлаштириб ўқиганда кўринади.

Бундан ташқари, байтда ташбех, тазод ва сифатлаш каби шеърий санъатлар ҳам қўлланилган. Жами саккизта шеърий санъат қўлланган бу байтни бемалол Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳбайти деб эътироф этиш мумкин. Зеро, ундаги шеърий санъатлар лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, изтиробларини ўқувчига етказишида ўзига хос назокатни таъминлаган.

Аслиятда шоир қўллаган шеърий санъатларни таржимонлар ўз она тиллариға ўтираётганда қандай йўл тутганлар? Юқорида келтирилган байтни рус тилига ўтиришда мутаржим қандай муаммоларга дуч келган? Шеърий санъатларнинг ҳаммасини ҳам аслиятдагидек ўтиришга муваффақ бўлганми?

Бобурнинг мазкур матлаъ билан бошланадиган ғазалини атоқли рус таржимони Р.Д.Моран рус тилига ўтирган. Биз бу ерда фақатгина таржима қилинган ғазалнинг матлаъси билан чекланамиз:

Возлюбленной вздорней, капризней чем-ты, - не найти,
Тебе же – покорней раба красоты не найти.²

Таржимон шоир аслиятда қўллаган шеърий санъатларнинг ҳаммасини ҳам таржимон рус тилида қайта яратса олмаган. Хусусан, тарсөъ, ҳожиб, мураббаъ қофия, мувозана санъатларини рус тилида бера олмаган. Лекин мутаржим бор маҳоратини ишга солиб радиф (не найти), қофия (чем ты–красоты), тазод (возлюбленной вздорней, капризней – покорней раба), зулқофиятайн (вздорней, капризней – чем-ты–не найти– покорней раба красоты– не найти) каби шеърий санъатларни ўз она тили имкониятларидан келиб чиқиб яратса олган.

Бу ҳолни ўзбек ва рус тилларининг ўзига хос табиатидан келиб чиқиб изоҳлаш мумкин. Чунки ўзбек тили ва рус тилининг имкониятлари ҳар хилдир. Бу эса, шеърий асарларни, айниқса, мумтоз адабиёт намуналарини Европа тилларига, хусусан, рус тилига таржима қилишда муайян муаммоларни келтириб чиқаради.

Солиштиринг:

Аслият: Бекайдмену хароби сим эрмасмен,
 Ҳам мол йиғишигуру лаим эрмасмен.
 Кобулда иқомат этти Бобур дерсиз,
 Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.³

Таржима:

Бродягой стань но не рабом домашнего хламья,
Отдам и этот мир и тот за нищий угол я.
Бродяжничество – не позор, и нищенство-не срам.
Уйти куда глаза глядят – давно мечта моя!⁴

² Бабур. – Т.: ФАН, 1959. – С.113.

³ Бабур. – Т.: ФАН, 1958. – 131-б.

⁴ Бабур. Избранные сочинения. – Т.: ФАН, 1959. – С.125.

Захириддин Мұхаммад Бобур асарларини чет тилларга таржима қилаётган мутаржим қатор муаммоларга учраши табиий, чунки шоир ижодий мероси унинг ҳаётидаги реал воқеа-ходисалар, шахслар, шаҳарлар, жой номлари билан боғлиқдир. Фазал ва рубоийларидағи воқелик ва реал шахсларнинг номлари аниқ воқеа-ходисалар натижасида инъикос этгани шубҳасиздир. Бироқ мутаржимлар ҳамма вақт ҳам бу ҳодисаларни англай олмай, ўз она тилларида аслият воқелигидан мутлақо мавхум воқеликни кўрсатишади. Бундай ҳолатни, айникса, талмех санъати қўлланилган асарларда кўпроқ учратиш мумкин.

Мазкур таржимани рус шоири Л.М.Пеньковский амалга оширган. Рубоийнинг биринчи ва иккинчи мисраси аслиятдаги мазмун ва рух сақланган ҳолда ўгирилган. Лекин учинчи ва тўртинчи мисралардаги мазмун ва гоя мавхум бўлиб қолган. Чунки шоир талмех ва ийҳом санъатидан моҳирона фойдаланиб, нозик сўз ўйинини юзага келтирган. Рубоийдаги “муқим” сўзи Бобурнинг рақиби бўлган Кобул шаҳрининг олдинги ҳокими Муқимни англатса, иккинчи маъноси бир жойда тўхтаб қолмасликни ва бу дунёда унинг орзу-умидлари катта ва буюк эканлигини англатади. Бироқ таржимада “Кобул” ва “муқим” сўzlари тушиб қолган, натижада лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, хис-туйғулари рус ўқувчисига мавхум бўлиб қолган.

Маълум муддат ўтгач, ўз таржимасидан қониқиши ҳосил қилмаган Л.М.Пеньковский мазкур рубоийни қайта таржима қилишга уринади, бироқ барибир асар ғоясини рус ўқувчисига тўлалигича етказа бера олмайди.

Не жертва скопидомства я, не пленик серебра,
В добре домашнем для себя не вижу я добра.
Не говорите, что Бабур не завершил пути, -
На месте долго не стою. Мне снова в путь пора.⁵

Таржимоннинг талмех ва ийҳом санъатларини яхши англамаганлиги рубоий таржимасига салбий таъсир ўтказган. Маълумки, бу рубоийни Бобур Кобулни қўлга киритгач ёзган. Аниқ тарихий воқелик акс этган асар таржимада умуман бошқа маъно-мазмун касб этмоқда. Бундай ҳолатни “Бобурнома”да реал воқеа билан боғлиқ ҳолда ёзилган рубоий таржимасида ҳам кўриш мумкин. Шоирнинг яқин кишиларидан бўлган Хожа Калон Ҳиндистон зabit этилгандан сўнг, бу ернинг ноқулай об-ҳавосига чидай олмай, Афғонистонга қайтиб кетиш учун изн сўрайди. Бобур бу эътиборли зотга жавоб беради. Хожа Калон кетар чоғида уйининг пештоқига қуидаги мисраларни ёздириб қўяди:

Агар бахайру саломат гузар зи Синд кунам,
Сиёҳ рўйшавам, гар ҳавои Ҳинд кунам.⁶

Маъноси шуки: “Агар соғ-саломат Синдан ўтиб кетсан, Ҳиндистонни яна ҳавас қилсан, юзим қора бўлсин”. Бу сатрларни Бобурга етказишганда дўстидан қаттиқ ранжиган шоир унга қуидаги рубоийни ёзиб юборади:

Юз шукур де, Бобурки, кариму фаффор,
Берди сенга Синду Ҳинд мулки бисёр.

⁵ Бабур. Избранные сочинения. – Т.: ФАН, 1959. – С.125.

⁶ Бобурнома. – Т.: ФАН, 1960. – 365-б.

Иссиқлиғиға гар санға йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Ғазний бор.⁷

Бу мисраларда шоир Хожа Калондан хафа бўлганлигини, унинг Ҳинд юртида беҳисоб бойлик ва молу давлат топганини таъкидлаб, сўнгра нозик сўз ўйинини қўллаган. Яъни, “Совуқ юзини кўрай десанг Ғазний бор” мисрасидаги “совуқ юзи” сўзининг биринчи маъноси Хожа Калонга ишора бўлса, иккинчи маънода қаҳратон қишилари билан машҳур Ғазни вилоятига ишора қиласи.

Шоир мазкур рубоийсида талмех санъатидан ташқари ийҳом санъатини ҳам мохирона қўллаган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Хожа Калон жуда келишган, хушбичим ва хушфөйл одам бўлган. Бобурнинг юқоридаги муболағаси дўстидан ранжиган пайтида ёзилганликнинг натижасидир.

Реал воқеалар асосида ёзилган рубоий русча таржимада мавҳумроқ даражада ўтирилган ва асар мазмуни, ғояси умуман рус ўкувчисига етказиб берилмаган.

Таржима: Сто раз будь благодарен, Бабур, ибо господь всепрощающий
Дал тебе Синд, Хинд и большое царство.
Если нет у тебя сил выносит жару
И если захочешь увидеть лицо холода, то отправляйся в Газни.⁸

Таржима Михаил Салье томонидан амалга оширилган. Албатта, М.Салье рубоийни назмийдан кўра кўпроқ насрый тарзда таржима қилган бўлса ҳам, шоирнинг нозик қочиримларини илғай олмаган.

Лекин мумтоз адабиётимиз билимдони атоқли рус шоири Наум Гребнев Бобур тўртликларини таржима қилишда анча мувафақият қозонган. Масалан, шоирнинг муножот руҳида ёзилган рубоийсини ҳам мазмунан, ҳам шаклан тўғри таржима қила олган.

Солишириинг:

Аслият: Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жиссимда менинг руҳи равоним сенсен,
Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри азиз(и),
Алкиссаки, умри жовидоним сенсен.⁹

Бобур бу рубоийда радиф, қофия, мувозана, зулқофиятайн шеърий санъатларини қўллаган. Таржимон ўзига хос йўлдан бориб, мазкур рубоийни гўзал бир шаклда таржима қилган.

Таржима: Всё, что ни есть вокруг, - всё ты, всё ты и ты!
Дыханье, сердца стук – всё ты, всё ты и ты!
Любовь и жизнь моя и в том и в этом мире,
Мой самый лучший друг- всё ты, всё ты и ты!¹⁰

Н.Гребнев таржимада радиф (всё ты и ты!), қофия (всё ты) шеърий санъатларини қайта яратса олган. Шунингдек, “всё ты” бирикмасининг остки ва устки мисраларда та-корланиши ҳожиб, “вокруг-стук” сўзларининг оҳангдошлиги билан мураббаба қофияни

⁷ Ўша жойда.

⁸ Бабурнаме. – Т.: Главная редакция энциклопедий, 1993. – С.293.

⁹ Бобур. Танланган асарлар. – Т.: ФАН, 1958. – 129-6.

¹⁰ Бобур. Избранные сочинения. – Т.: ФАН, 1959. - 130-с.

вужудга келтирган, ҳар икки мисрада ҳам “всё ты, всё ты и ты” сўзларини қайтариб, такрор санъатини ҳосил қилган. Остки-устки мисраларда вазндошликни яратиб, мувозана санъатини қайта ярата олган, учинчи ва тўртинчи мисралардаги – и, в, т, м, о, ё, у, с, р, г, ы ундош ва унли товушлари рубоийнинг ўзига хос ритми ва мусиқийлигини таъминлаб берган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шеърий таржимада йўқотишлар ва ўзгартиришлар бўлиши муқаррардир. Бироқ, таржимон изланувчан ва истеъодли ижодкор бўлса, мумтоз адабиётимиз намуналарини таржима қилишда муваффақиятга эришиши мумкин.

НИЛУФАР ХАДИМЕТОВА

ТИПЫ СТИХОСЛОЖЕНИЙ В БАБУРНАМЕ: СТИХИ ИЗВЕСТНЫХ АВТОРОВ

Аннотация

“Бобурнома”даги лирик композицияларнинг яна бир шаклини муаллифлиги кўрсатилган шеърлар ташкил етади. Одатда улар Мовароуннахр ва Хурасон хукмдорларининг ўлими орқасидан унинг ҳаёти, ижоди, қариндош-уруги ва сарой амалдорлари таърифида учрайди. Аммо бир жуфт шоир ва ёзувчиларнинг асарлари бундан истисно, муаллиф улардан қайта-қайта иқтибос келтиради. Ушбу мақолада ҳар бир шеър автобиографияда қандай учрашига қараб, хронологик тартибда кўриб чиқлади.

Калит сўзлар: “Бобурнома”, таниқлишешерлар, пародия, “Мажолис ун-нафоис”, “Раузат ус-салотин”.

Аннотация

Еще один тип лирических композиций в “Бабурнамэ” составляют стихи с указанием имени их автора. Как правило, это стихи, которые посвящались творчеству, родственникам, дворцовым приближенным правителей Маверауннахра и Хорасана после их смерти. Исключение составляют произведения пары поэтов и писателей, которые неоднократно цитирует автор. В статье стихотворения рассматриваются в хронологическом порядке.

Ключевые слова: “Бабурнамэ”, известные стихи, пародия, “Мажолис ун-нафоис”, “Равзат ус-салотин”.

Annotation

The other form of the lyrical compositions in Bāburnāma constitutes commented poems with the name of their author. They are usually followed by the death of a ruler of Mawarannahr and Khorasan in the description of his work, relatives, and palace entourage. The exception is the works of a pair of poets and writers which the author of events tends to quote repeatedly when appropriate. Poems in the article will be examined in a chronological order.

Keywords: Bāburnāma, prominent poems, parody, Majālis un-nafāis, Rāuzat us-salātin.

Введение

В Бабурнаме встречаются разные стихотворные формы от цитируемых авторов. Писатель их всегда упоминает на ряду со знаменательной историей, произошедшей с

сочинителем. Следовательно, он предоставляет нам историческую информацию о литературных деятелях 16-го века. В этом отношении книга выполняет роль тазкире (от араб. «напомнить, упомянуть»). Бабур перечисляет имена нескольких классических поэтов, которые будут рассмотрены вместе с соответствующим стихом.

Известные стихи

В отличии от анонимных цитат, использованных в Бабурнаме, читатель имеет возможность ознакомиться с сочинениями современников автора. Представляемые сведения в некоторой степени дополняют данные, предоставленные в других средневековых тазкире и сборниках, Мажолис ун-нафоис, Равзат ус-салотин и Равзат ус-сафо.

باز آی ای همای که طوطی خطت، نزدیک شد که زاغ برد استخوان من

Вернись, о, птица счастья, без твоих попугайских писем скоро мои кости обглодают вороны. (Мано 1995:17, 20; Хасан Яъкуббек)

Согласно описанию Хасан Яъкуббек прежде служил отцу Бабура – Умаршайху Мирзо. После его смерти поступил на службу к Бабуру в качестве смотрителя ворот (эшикчи). Это был отважный человек с приличными манерами, умел стрелять из лука, играть в чавгон¹, был расположен к участию в придворных интригах и заговоров.

مستم ای محتب امروز ز من دست بدار، احتسابم بکن آنروز که یابی هشیار

Сегодня я пьян, эй мухтасиб, держи руку прочь от меня, осмотри меня в тот день, когда найдешь трезвым. (Мано 1995:31, Ахмад Хожибек)

Следующий поэт Ахмад Хожибек приближенным дяди Бабура и правителя Самарканда – Султана Ахмад Мирзы. Он приходился сыном Султану Малику Кашгари. Некоторое время правил в Герате благодаря поддержке Султана Абусаида Мирзы. После смерти Жанибека его отправляют в Самарканд. Бабур описывает его как человека с приятным характером и храброго. Его литературным псевдонимом был Вафой, и он оставил после себя целый диван стихов. Слова Бабура находят свое подтверждение в произведении Навои - Мажолис ун-нафоис (Собрание утонченных). В добавок Навои сообщает,² что тот вырос в Хорасане, служил во дворце Герата около десяти лет. Некоторое время был акимом Самарканда и являлся одним из лучших в военном деле.

سایه وار از ناتوانی جا بجامی او فتم، کر نکیرم روی دیواری ز پا می او فتم

Подобно колеблющейся тени я падаю, если не обопрусь о стену, упаду на землю. (Мано 1995:102-103, Бойсунгур Мирза)

Среди поэтов-принцев можно назвать имя Бойсунгура Мирзо, второго сына Султана Махмуд Мирзо. По описанию автора он был справедливым, гуманным, благовоспитанным, и, пожалуй, самым подходящим наследником престола. Несмотря на свое пристрастие к вину, он часто молился. Был умеренным в дарах и радушии. Отлично писал письмом настальик, отличился также в живописи. Его литературным псевдонимом был Адили (справедливый). Он сочинял хорошие стихи, но их было недостаточно, чтобы составить диван. Вышеупомянутый бейт является открывающим матлаъ одного его стихов. Его поэтическое творчество стало настолько известным, что сочиненные им стихи можно было найти в большинстве домов Самарканда.

¹ Вид конной игры в Средней Азии, напоминающий поло.

² Навоий, Муқаммал асарлар тўплами, 13-я кн., Тошкент, 1997, стр. 90.

Эти сведения немного отличаются от данных, предоставляемых Хирави³ в Раузат ус-салотин. В нем автор присуждает другой литературный псевдоним Бойсунгур Мирзе, а именно Бадеъий. Похожие характеристики встречаются и в тазкире Навои⁴. Более того, Фахри представляет в качестве старшего сына Султана Хусейна Байкары, из чего следует, что речь идет о двух разных принцах.

شوم شرمدہ هر که پار خود را در نظر بینم، رفیقان سوی من

Я смущен от стыда, когда своего друга вижу. Мои спутники смотрят на меня, а я в сторону. (Мано 1995:112, Мұхаммад Солих)

Интересно, что Бабур вспоминает стихи Мұхаммада Солиха, автора биографии его соперника Шайбани Хана в сугубо эмоциональный момент в своей жизни. Он не связан ни с политикой, ни с дидактическими утверждениями, носящими общий характер. Этот эпизод всецело касается только его чувственных переживаний во время встречи со своей тезкой, юношей по имени Бабури. Возможно, он вспоминает себя в его возрасте, юного и неопытного в правительственные делах, в окружении всевозможных дворцовых заговоров и интриг.

Стихи и слова поэта-писателя Мұхаммада Солиха, автора биографического произведения Шайбанинаме, являются часто цитируемыми источниками в произведениях 16-го века. Это подтверждает его широкую известность и весомое положение среди литераторов средневековья. Сам Бабур цитирует его трижды, в последний раз приводя пародийный бейт на его стих.

Сведения о самом поэте можно найти в Раузат ус-салотин (Сад государей) от Фахри Хирави и в Мажолис ун-нафоис от Навои. В первом источнике сообщается,⁵ что Амир Мұхаммад Солих (1455-1535) родился в семье хорезмского акима амира Нурсайд-бека. Его дед Шоҳмалик служил во дворце Улугбека Мирзо, а отец был видным государственным деятелем во дворце Улугбека, Жуки Мирзы и Абу Саида. Окончив начальное образование в Хорезме, Мұхаммад Солих обучается в Герате у Абдураҳмана Джами. После смерти отца некоторое время служит во дворце Хусейна Байкары и других темуридских принцев. Далее поступает на службу к Шайбанихану и назначается правителем в областях Бухара, Чоржӯй и Нисо. Награждается титулами «Амир ул-уламо» (Эмир всех улама) и «Малик уш-шуаро» (Царь всех поэтов). В период 1507-10 гг. он проживает в Герате и после смерти Шайбанихана возвращается в Бухару. В основном он сочинял стихи на тюркском и классическом таджикском языках. Данные сведения о жизни поэта и литературного деятеля находят свое подтверждение и во втором тазкире.⁶

Его произведение Шайбанинаме (Книга о Шайбани) является первой реалистично-исторической поэмой в староузбекской литературе. Она обхватывает события конца 15-го и начала 16-го веков и состоит из 8880 строк, 76 глав.

باز گفتا خرد که تریخش، فتح بابر بهادرست بدان

Еще разум сказал: "знай его тарих - фатхи Бабур баҳадур" (т. е. победа богатыря Бабура = 905-г. по хиджре). (Мано 1995:126, поэты)

³ Перев. Жураев Ж. Раузат ус-салотин. Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2013 й., стр. 47-48

⁴ Там же, 2-я ч., стр. 2.

⁵ Перев. Жураев Ж. Раузат ус-салотин. Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2013 й., стр. 88.

⁶ Навоий, Муқаммал асарлар тўплами, 13-я кн., Тошкент, 1997, стр. 87.

Именно данный бейт и предисловие к нему являются явным подтверждением того, что в число близких Бабуру придворных входили поэты. Впервые автор о них вспоминает в связи с завоеванием Самарканда, где он подмечает написание нескольких тарихов поэтами – шуаро тарихлар айтиб эди (Мано 1995:126).

نې غله مرا کز و توامن نوشید، نې مهمل غله تا توامن پوسید
آنرا که نخوردىست و نې پوشىدىن، در علم و هنر كجا تواند كوشيد

Нет зерна, которым я могу питаться; нет сбережений, которыми могу быть одет. Человеку, если не хватает еды и одежды, в искусстве или науке, где он сможет себя проявить? (Мано 1995:128, Бинаи)

Одним из таких поэтов во время его пребывания в столице был Мулла Бинаи, который до этого служил Шайбанихану, когда тот взял Самарканд. Но после того, как изменились обстоятельства, поступил на службу к Бабуру. О его таланте и находчивости говорят его рубаи, где он жалуется на материальные лишения на своей новой должности в Шахрисабзе.

Навои⁷ описывает его как весьма талантливого поэта. Родился он в городе Герате, сначала интересовался обучением, затем все бросил и занялся каллиграфией. Написал ряд произведений, но оставив каллиграфию, переключился на музыку. Однако его трактат о музыке не имел большого успеха. Хоть он и повидал много трудностей в жизни, они не повлияли на качество его стихов.

ميرзам که شاه بحر بولغوسيدور، عالم دا هنر بيرله سمر بولغوسيدور
بیر مهمل اوجون مونچه عنایت بولدی، معقول اکر دیسام نې لار بولغوسيدور

Мой повелитель будет правителем моря и суши, своими подвигами станет легендой. Если вознаграждается одно рифмованное слово, то какая награда ждет за слово со смыслом? (Мано 1995:128, Бинаи)

Его второе четверостишие является ответом на стих Бабура, о чем свидетельствует его повторяющаяся рифма последнего слова бўлғусидур (станет, будет) в качестве редифа у Бинаи. На этом месте упоминается другой поэт по имени Хаджа Абульбарака Фирокий из Шахрисабза. На этом же собрании он предлагает иной вариант ответа бабуровского стихотворения.

بو جور که قىلدى دور سورولغوسيدور، سلطان كرم بو عذرنى قولغوسيدور
توكولكان اكرجه تولماسه اى ساقى، توکولكانيميز بو دوردا تولغوسيدور

Этот гнет времени пройдет, твое желание милость Султана от времени попросит. О виночерпий, если наши чаши не наполнены, в этот миг они до краев будут переполнены. (Мано 1995:128-129, Фирокий)

В обоих вариантах ответа на стих Бабура присутствует соответствие в определенной степени. Если в первом случае Бинаи использует только первую рифму в качестве редифа (т. е. повторяющегося слова в конце строки), то Фирокий придумывает целый ряд разных рифм по последовательности – а, а, б, а. У обоих версий существует различная рифма, у Бинаи бар-сар, идущий перед редифом, а у Фирокий двойная зуль-қофиятайн давр-ъузр-давр и сўрулғусидур-қўлғусидур-тўлғусидур. Очевидно, последний намеревался отличиться своим поэтическим мастерством перед правителем, что не удивительно. В то же время его ответный стих, как будто намекает жалобщику (Бинаи) о неуместности его просьбы и нехватке терпения на ожидание лучших времен. Тем не

⁷ Там же, стр. 43-44.

менее, следует отдать должное Бинаи за искусное сочинение ответа за короткое время, а также умение вкладывать в каждое слово глубокий смысл.

تو سهیلی تا کجا تابی و کی طالع شوی، چشم تو بر هرکه می افتند نشان دولت 9.

Ты звезда Сухайли (Канопус), куда простираются твои лучи и где ты восходишь, на что упадет твой взор станет признаком богатства. (Мано 1995:193, Боқи Чагониёни)

Среди авторов стихов были не только поэты и писатели, но и военные командиры. К их числу принадлежит Боқи Чагониёни, военачальник монгольских солдат (Мано 1995:195). Хотя его имя не встречается в тазкире, упоминание о нем можно найти на страницах Бабурнаме.

ای خوش آن وقت که بی پا و سر ایامی چند، ساکن کلکنه بودیم به بدنامی چند 10.

Эх, это счастливое и бездумное время! когда мы с дурной репутацией жили несколько дней в Куль-Кине. (Мано 1995:198)

В описании Кабула, после завоевания этого города, Бабур сообщает о районе Куль-Кина, где процветает пьянство, разврат и распущенность. В добавок к комментариям он прибавляет известную пародию на один из бейтов Хафиза Шерази. В его диване, действительно, существует газель⁸ с рифмованным словом чанд «несколько», которая совпадает в рифме и метре с данным шутливым двустишием:

حسب حالی ننوشتی و شد ایامی چند، محرمی کو که فرستم بتو پیغامی چند

Несколько дней прошло, ты не дала о себе знать, сердечный друг сказал отправить тебе весточку.

Судя по примечанию Бабура ўқилур эди «читался», пародийное сочинение может принадлежать любому из его поэтов-знакомых, в том числе и Боқи Чагониёни.

بخار در ارک کابل می بکردان کاسه پی در پی، که هم کوهست و هم دریا و هم شهر است و هم صرا 11.

Пей вино в Кабульском замке, наполняя чашу непрерывно, ибо Кабул - гора, река, город и низменность в одном. (Мано 1995:199, Мулла Мухаммад Толиб Муаммойи)

О прелестях Кабула, согласно словам писателя, писали и остальные поэты, например Мулла Мухаммад Толиб с псевдонимом Муаммойи. В этом бейте он связывает превосходство замка с именем Бадиъуззамон Мирзы. Существует мнение, что его имя означает «чудо света» и следовательно, данный эпитет вероятно относиться также к Кабулу (Беверидж 1:202). Навои⁹ вспоминает его как человека утонченного и религиозного государственного деятеля. Он служил во дворце Бабура и других правителей.

عمری بصلاح می ستودم خودرا، در شیوه زهد می نمودم خودرا 12.

چون عشق آمد کدام زهد و چه صلاح، المنش اللہ ازمودم خود را

Всю жизнь я превозносил себя аскетом и верующим. Но когда пришла любовь, куда подевались моя преданность и праведность? По милости божьей, я подверг себя испытанию. (Мано 1995:253, Кичик Мирза)

Следующим в списке принцев-поэтов идет внук Султана Хусейна – Мухаммад Султан Мирзо, более известный как Кичик Мирзо в честь Хусейна Байкары. Автор рассказывает о его блестящем уме и тактичности, занятии наукой и искусством. Он был сыном Ака Бегим (дочь Байкары) и Султана Ахмад Мирзы (внук Мираншаха). Вначале он служил при дяде по материнской линии, затем бросил военное дело. Имел познания в

⁸Хамин Хатиб Раҳбар. Диване газалияти Маулана Шамсуддин Мухаммад Ходжа Ҳофиз Шерази. Техран 1957, стр. 245.

⁹Навоий, Муқаммал асарлар т плами, 13-я кн., Тошкент, 1997, стр. 25-26.

поэтической литературе. Как и утверждал Бабур, его вышеупомянутый стих сильно напоминает стиль Абдурахмана Жами¹⁰, кого он называет Муллой. Он почти повторяет его рубай с аналогичным редифом худро «меня самого». Как видно, четверостишие у Кичик Мирзы отличается наличием следующей лексики: салох «праведность» вместо оригинального шекиб «терпение»; зухд «аскетизм» вместо сабр «терпение»; ишқ «любовь к богу» вместо ҳажр «разлука». В остальном все совпадает. Тот самый рубай приводится в качестве примера его творчества у Хирави¹¹ и Навои¹².

در گذر دیدم پری روی شدم دیوانه اش، چیست نام او کجا باشد ندانم خانه اش
13. Увидев лицо пери на базаре, лишился я ума, ни ее имени, ни дома не знал я.
(Мано 1995:257, Шоҳғаріб Мирза)

Шоҳғаріб Мирзо (1470-1496) приходился вторым сыном Султана Хусейна Байкары и сочинял тюркско-персидские стихи под псевдонимом Гарібий. Согласно автору, он имел непривлекательную внешность, был горбатым, но обладал незаурядным умом. Любил охоту и разведение птиц. Несмотря на несовершенство тела, обладал сильным пером. После себя оставил целый диван стихов. В определенное время служил на посту правителя Герата под покровительством отца. Но умер раньше него, не оставив потомства. В свой диван он добавил также отредактированные стихи Бадриддина Ҳилали¹³, казненного за богохульство. Эти сведения о принце-поэте находят свое оправданное подтверждение в тазкире Навои¹⁴ и Хирави¹⁵.

آلوده کردی ز پی صید که کشتی، غرق عرقی در دل کرم که کشتی
14. Засыпанный пылью от погони за дичью, ты покрылся потом от запыхавшегося сердце. (Мано 1995:258, Мухаммад Ҳусайн Мирзо)

Другим сыном¹⁶ Султана Хусейна был Мухаммад Ҳусайн Мирзо (1476-1496), старший брат Фаридуна Хусейна. Бабур упоминает о его заточении вместе с Шахом Исмаилом. Хотя его отец и братья, старшие и младшие, были сунниты, он стал шиитом, а далее еретиком. Мухаммад Ҳусайн умер в Астрabadе, оставаясь верным шиизму. Автор критикует его за следование по неправильному религиозному пути, тем не менее, отмечает его смелость, героизм и литературную способность. То, что он стал шиитом утверждает и Фахри Хирави.¹⁷

بود درد ایله که او لارمین مرض چو ظاهر ایماس، طبیب لار بو بлагه نی چاره قیلغای لار
15. Я умру этим недугом, из-за неизвестной болезни, чем в такой беде могут помочь врачи? (Мано 1995:266, Алишер Навои)

Несомненно, в узбекской литературе Алишер Навои является самой почитаемой фигурой. Хирави описывает его как образованного дворянина, защитника ученых и поэтов. После своего ухода из городского правления он занялся благотворительностью и построил около трехсот шестидесяти зданий. Его художественная деятельность оценивается и по сей день как один из самых плодотворных в тюркской и персидской ли-

¹⁰ Аълохон Афзахзод. Дивани Жоми. Жилде аввал, Техран 1958, стр. 849.

¹¹ Перев. Жураев Ж. Равзат ус-салотин. Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2013, стр. 47.

¹² Навоий, Муқаммал асарлар тўплами, 13-я кн., 2-я ч., Тошкент, 1997, стр. 5.

¹³ Рукопись, МС Гамбург Штаби Ориент № 15.

¹⁴ Навоий, Муқаммал асарлар тўплами, 13-я кн., 2-я ч., Тошкент, 1997, стр. 6.

¹⁵ Перев. Жураев Ж. Равзат ус-салотин. Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2013, стр. 48.

¹⁶ Как известно, у него было 14 сыновей и 11 дочерей, Мано 1995:256.

¹⁷ Перев. Жураев Ж. Равзат ус-салотин. Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2013, стр. 50.

тературах. Бабур был его кумиром, считая его своим учителем, при сочинении своих произведений брал с него пример. Данное обстоятельство находит свое отражение в Бабурнаме, где автор говорит о нем больше, чем о других поэтах и перечисляет все его произведения. Он восхваляет его стихи на тюрки и критикует его трактат об арузе Меъзонул-авzon (Мерило ритмов), в том числе и некоторые его персидские сочинения. Более того, он подробно рассказывает о жизненном пути Навои, его карьере и смерти. Благодаря рассказу автора у современного читателя есть возможность ознакомиться с подробностями его кончины. Например, когда Хусейн Мирза возвращался из астрabadского похода, Навои вышел его поприветствовать. Они увидели друг друга, но, прежде чем, он должен был подняться и уйти, его здоровье внезапно ухудшилось. Ни один врач не смог ему поставить диагноз, и он покинул этот мир на следующий же день. Именно этот момент подходит к упомянутому выше байту.

شب غم کر دباد آهم از جا برد کردونرا
فرو برد اژدهای سیل اشکم ربع مسکونرا

В тоске ночей водоворот моих вздохов наполнил небосвод, словно дракон, поток моих слез поглотил целый свет. (Мано 1995:270, Шайхимбек)

Навои¹⁸ хорошо отзыается о дворянине по имени Амир Шайхим с псевдонимом Сухайлий, служившим сначала Абу Саид Мирзе, а потом Султану Хусейну. Он был известен народу своими стихами и одой на касиду «Ийдия» (подарок к ийду)¹⁹. Видимо Шайхимбек перешел на службу к Бабуру после смерти Хусейна Мирзы. Автор шутливо отзыается о нем, подмечая его поэтический стиль. Сухайлий сочинял стихи всех видов, используя в них ужасающие слова и ментальные образы. Составил диван и месневи.

مثنوی کرچه سنت شعر است، من غزل فرض عین میدانم
پنج بیتی که دل پذیر بود، بهتر از خستین میدانم

Хоть месневи является обязательным стихом, газель считаю божественным поведением.

Пять куплетов, очаровывающих сердце, предпочитаю двум Пятерицам! (Мано 1995:281, Сайфи Бухори)

Наряду с Абдурахманом Жами, во дворце Султана Мирзы прислуживали не менее прославленные поэты. Одним из таких был Маулана Сайфи из Бухары, по праву называемый Муллой. По словам Бабура, в доказательство своего высокого образования, он привык представлять список всех прочитанных им книг. Он составил два дивана, один из которых посвящен торговцам, также сочинил множество басен. Тот факт, что он никогда не писал месневи, подтверждает и вышеупомянутый китъа. Автор подвергает его трактат о персидской поэзии резкой критике, обосновывая свое мнение неактуальностью рассматриваемых в нем вопросов. Согласно Беверидж, Маулана Сайфи также прозвали Арузи из-за его мастерства в арузе (Беверидж 288).

Навои²⁰ предоставляет весьма любопытные сведения о жизни Сайфи. Например, он пишет, что тот приехал в Герат из Бухары и познакомился с городской интеллигенцией. Хорошо сочинял масал (басня) и муаммо (стихотворная загадка). В трезвом состоянии ему не было равных, но, когда пьянствовал, становился весьма непристойным.

¹⁸ Навоий, Муқаммал асарлар тўплами, 13-я кн., 2-я ч., Тошкент, 1997, стр. 6

¹⁹ Исламский праздник, отмечаемый в конце месяца Рамадан.

²⁰ Навоий, Муқаммал асарлар тўплами, 13-я кн., 1-я ч., Тошкент, 1997, стр. 43.

بولدی تبل غه وطن فرغانه، قىلدى فرغانه نى تبلخانه 18.

Толстяк освоился в Фергане, сделав ее домом бездельника. (Мано 1995:282, Мұхаммад Солих)

Бабур вспоминает Мұхаммада Солиҳа как поэта, писавшего со вкусом, но допускающего определенные ошибки. Данное утверждение трудно обосновать объективно с литературной точки зрения, основываясь на его диване и поэме. В сочинении коротких форм стихов он вроде придерживается установленных форматов в арузе. Поэтому, было бы не справедливо обвинять его в некорректности при составлении дивана. Хотя, с другой стороны, слова Бабура могут касаться его исторической поэмы – Шайбанинаме, посвященной биографии Шайбанихана. Она имеет просодический метр раман-е мусаддас-е махбун подобно формату Субхи (Субхат ул-аббор, Четки праведный, Жами). Вполне вероятно, что критика Бабура относиться именно к составу этого произведения, а не его форме, что является очевидным, учитывая разные углы зрения на одни события. К примеру, Солих в нем обвиняет Бабура в краже драгоценностей Хусравшаха, а также в его содействии проделкам ханов в Мавераннахре.

Что касается самого двустишия, оно скорее напоминает игру слов, где танбал одновременно означает имя предателя Ахмада Танбала и определение «толстый; бездельный; плодородный». Второе значение скорее носит негативный характер, судя по отношению Бабура к названному дворянину.

جز عبد الله كير خراموز، نديده هيچ شاعر روی زررا 19.

بنائی زر طمع دارد ز شاعر مکر خواهد کرفتن کیر خررا

За исключением Абдуллаха - глупца, ни один поэт не видел цвета золота. От поэтов Бинаи требовал денег, все, что он получит это ослиный кхира.²¹ (Мано 1995:391, поговорка)

Среди известных стихов встречается фольклорно-сатиристический жанр, напоминающий народную поговорку. Подобно последнему он возникает в результате общезвестного происшествия и становится популярным сказанием. Его сочинитель часто остается неизвестным, но сами строки превращаются в народное достояние. То же самое можно сказать и о коротком четверостишии выше. Довольно несложный по форме, оно передает реальную историческую информации, а именно создавшуюся атмосферу во дворце после взятия Герата Шайбаниханом. Впоследствии этого управление группой поэтов и писателей переходит в руки Мулле Бинаи.

محبوبی هر عشوه کریرا چه کند کس، جایی که تو باشی دکر یرا چه کند کس 20.

Что делать мужчине с любовью каждой кокетки? что делать мужчине с другой чем ты? (Мано 1995:405, Мұхаммад Солих)

مانند تو مدهوش کریرا چه کند کس، هر کاو کن ماده خریرا چه کند کس

Что делать мужчине с бесчувственной и глухой как ты?

Что делать мужчине с ослихой, бегающей к каждому быку? (Мано 1995:405, пародия)

Согласно словам Бабура, его знакомые поэты имели обыкновение цитировать бейты известных поэтов. Таким образом, мы снова наталкиваемся на стихи Мұхаммада Солиҳа, о ком шла речь ранее. Тут же автор упоминает о сочинении пародийного стиха на оригинал и оба приводит в качестве примера. Это означает, что данный вид стихос-

²¹ Перс. Мужской половой орган.

ложеия был в употреблении и каждый мог использовать источник-оригинал по своему усмотрению. Поэтому, вполне вероятно, что любой придворный из окружении Бабура был в состоянии сочинить подобный «шедевр» и в местах, где он не уточняет имя автора или собственоручное произведение, речь может идти именно о таком стихе. Следовательно, второй бейт может принадлежать Шайху Абульвахиду, Шайху Зайну, Муллу Алихану, Турдибеку Хоксору или др.

نَغْزَكَ مَا نَغَزَ كَنْ بُوْسْتَانْ، نَغْزَرِينَ مَيْوَهْ هَنْدُوْسْتَانْ 21.

Наше чудо (манго) - украшение сада, прекраснейший фрукт Хиндустана. (Мано 1995:454, Хусрав Дехлави)

К описанию индийского фрукта манго Бабур прибавляет бейт Хусрова Дехлави. При этом отмечая, что во избежание неправильного произношения, некоторые называют его нағзак «лучший» (уменьшительное слово от нағз).

اَكْرَبْ خَيْر سَلَامَتْ كَذْرَ زَ سَندْ كَنْم، سِيَاه رَوْي شَوْمَ كَرْ هَوَى هَنْدَ كَنْم 22.

Если я благополучно перейду Синд, пусть покернеет мое лицо, если возжелаю Хинд. (Мано 1995:475, Хожа Калон)

В число влиятельных и состоятельных беков входил Хожа Калон, обладавший многочисленным войском. Поскольку он также сочинял стихи, автор упоминает запомнившийся ему стих. По своей сути он является эпизодным сочинением, так как носит информативный характер. В нем поэт изъявляет свое нежелание оставаться на завоеванной земле, а также исключает малейшую возможность возвращения. Этим он в некоторой степени выражает свое недовольство решением государя остаться в завоеванной стране и укрепить позиции. Как известно из автобиографии, после овладения индийскими городами, большинство беков выступает за возвращение в Кабул с разграбленным добром.

Хирави²² тепло отзыается о нем, говоря о человеке, владеющем таджикским языком и тактическим поведением в совершенстве. По его предложению Бабур отправляется завоевывать Индию, но потом тот пытается поскорее покинуть завоеванную землю. Отлично сочинял стихи на тюрки и таджикском под псевдонимом Каломий.

Заключение

В отличии от цитатных форм известных писателей, в данном типе стихосложения можно увидеть большее соответствие с жизненными реалиями. Здесь мы встречаем шутливый, пародийный, консонантный, эмоциональный, фольклорный и пейзажный типы сочинений. В особенности ответные стихи Бинаи, Фироций и Бабура в контексте описываемых ситуаций приобретают явный актуальный и смысловой оттенок. Неменьший интерес представляют характерные для шестнадцатого фольклорные стихи, века о местности в Кабуле и происшествии с поэтами в Герате - центре науки и искусства.

Отношения автора и литературоведа Мухаммада Солиха часто проявляются в приводимых строках. Очевидно, что первый выказывал нескрываемый интерес и внимание к творчеству последнего, несмотря на тесное сотрудничество с его соперником. Поэтому пародийный стих (20), возможно сочиненный самим Бабуром или его близким придворным как будто намекает на скрытую обиду, утаенную в отношении поэта. Возможно, автор надеялся на его службу при дворе, но тот по тем или иным причинам

²² Фахри Хирави. Равзат ус-салотин. Перев. Жураев Ж. Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2013, стр. 91.

отверг это предложение. В любом случае, Бабур трижды цитирует его стихи, что доказывает его неравнодушие к писателю.

Список использованных литератур:

- 1.Афзахзод, Аълохон. Дивани Жоми. Жилде аввал, Техран 1958.
- 2.Бэверидж, Аннете. Бабурнаме на английском (Мемуары Бабура). 1, 2-е кн., Лондон, 1922.
- 3.Фахри Хирави. Равзат ус-салотин. Перевод на узбекский язык Ж.Жураева. Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2013.
- 4.Мано, Эйжи. Бабурнаме (Вакаъе): критическое издание, основанное на четырех чагатайских текстах. Кийото: Наканиши, 1995.
- 5.Навоий, Алишер. Муқаммал асарлар туплами, 13-я кн., 1, 2-е кн., Тошкент, 1997.
- 6.Рахбар, Хамин. Диване газалияти Маулана Шамсуддин Мухаммад Ходжа Хоғиз Шерази. Техран 1957.
- 7.Хондамир, Фиёсиддин ибн Хумамуддин, приб. 1475-1535, Макгиллский университет, Институт исламских студий, рукопись №16.

САНЪАТЖОН САРИЕВ

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ФОЛЬКЛОРИДА “ГҮРҮҒЛИ” ДОСТОНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Аннотация

Ушбу мақолада “Гүрүғли” достонларининг шаклланишига асос бўлган жиҳатлар, эпик анъана ва тарихий воқелик хусусида сўз юритилиб, эпоснинг мотив ва сюжет асослари қиёсий таҳлилга тортилади. Шу асосда мазкур достонлар вариант ёки алоҳида достон эканлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: “Гүрүғли”, эпик анъана, тарихий воқелик, оғзаки варианtlар, кўлёзма варианtlар, мотив, сюжет асослари.

Аннотация

В статье рассматриваются аспекты, эпическая традиция и историческая реальность, которые легли в основу эпоса «Гороглы», а также проводится сравнительный анализ мотивов и сюжета произведения. Исходя из этого подчеркивается, что такие дастаны представляют собой отдельный дастан или вариант произведения.

Ключевые слова: «Гороглы», эпическая традиция, историческая реальность, устные варианты, рукописные варианты, мотив, основы сюжета.

Annotation

This article discusses the aspects that formed the basis of the epics "Gorogly", the epic tradition and historical reality, and draws a comparative analysis of the motives and plot of

the epic. On this basis, it is emphasized that these epics are a separate dastan or version of the work.

Keywords: "Gorogly", epic tradition, historical reality, oral versions, manuscript variants, motif, plot bases.

"Гүрўғли" эпоси йигирмадан ортиқ туркий ва туркий бўлмаган халқларнинг оғзаки ижоди намуналари сифатида кенг худудда тарқалган. Бебаҳо фольклор намунаси сифатида кўплаб версия ва вариантларга, эпизод ва саргузаштларга эга бўлган "Гүрўғли" эпоси икки хил шаклда намоён бўлган: машхур халқ достони сифатида фақат шеърий матнлардан иборат (тожик версияси) ва иккинчи шаклда шеърий ва насрый матнлардан иборат (ўзбек версияси каби) достонлардир.

Турк фольклоршуноси П.Н.Боратовнинг фикрича, "Гүрўғли" эпоси сюжети ва мундарижасига кўра учта асосий версиядан иборат. Булар: туркман, озарбайжон ва Ўрта Осиё версиялари бўлиб, тадқиқотчи бу таснифидан келиб чиқиб, ушбу барча вариант ва версияларнинг асосида Озарбайжон "Гүрўғли" эпоси туришини таъкидлаб ўтган [1.13].

Достоннинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва тизимга солиш борасидаги тадқиқотлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Кавказ версияларига мансуб грузин, арман, курд, лезгин, ажар версиялари озарбайжон версияси асосида шаклланган бўлиб, озарбайжон версияси атрофида бирлашади. Ўрта Осиё версияларига мансуб туркман, тожик, Ўрта Осиё араблари версиялари эса ўзбек версияси атрофига бирлашади [2.12].

Бу масалалар бўйича В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар ўзининг қуйидаги фикрларини билдириб ўтганлар: "Гүрўғли"нинг озарбайжон версияларидан бошқа барча Закавказье ва Яқин Шарқ версиялари – арман, грузин, турк версиялари озарбайжон версияси асосида шаклланган. Озарбайжон ашиг-бахшиларининг қўшиқ ва ҳикоятларини таҳлил қилиш асносида уларда бирмунча аниқ тарихий маълумотлар, ҳаётий воқеа-ҳодисалар ва шу билан бирга эртакларга хос ҳаёлий-фантастика намуналарини ҳам учратишимиз мумкин. Буларнинг барчаси эпоснинг кейинги тараққиётида, тарихий қиссанинг достонга ва халқ китобларига айланиши жараёнида вужудга келган [3.183].

Эпоснинг версиялари бир-биридан фарқ қилиб Ғарбий ва Шарқий гурухга ажратилади. Агар Ғарбий вариантнинг намунаси ҳисобланган озарбайжон "Гүрўғли" достонларига назар соладиган бўлсак, унинг шаклланишида тарихий воқеалар, ҳодисалар асос бўлганлиги аён бўлади.

Ғарбий версияда мифологик ва ҳаёлий саргузаштлар кейинги ўринда туради. Эпос қаҳрамони ва унинг атрофида жамланган ботирлар халқнинг идеали сифатида, халқнинг умидлари, орзулари, ҳақиқат ва тўғрилик, озодлик учун қурашчилар сифатида намоён бўлади. Озарбайжон эпоси фақат тарихий жиҳатдан ўрганилган бўлиб, мифологик нуқтаи назардан ўрганилмаган. Натижада, бу достон ғоявий-мазмуний жиҳатдан, халқ эпоси воқеаларининг ёзувга олиниш жараёнларининг тадрижий тараққиётини аниқлаш имконини беради.

"Гүрўғли" эпосини қадимги турк тарихий манбалари билан боғлаган ҳолда тадқиқ қилган олим Н.С.Банарлы шундай ёзади: "Бу достон ҳақиқатан ҳам Кўктурк даврида туркийлар ва форсийларнинг урушлари, жанглари воқеалари асосида шакллана бошланган". Тадқиқотчи охирида шундай хуносага келади: "... айтиш мумкинки, эпос исломга-

ча бўлган даврда – ўғуз ва форсийлар уруши даврида ва исломдан кейин мусулмонлашган Ўғуз туркийлар мұхитида шаклланган [4.177].

Эпоснинг туркманлар орасида яратилган ва йигирма беш қисмдан иборат нашр қилинган Човдур вариантида шундай дейилади: “Човдур вариантининг шохобчаларидан бири бўлган “Гўрўғлиниң туғилиши” шохобчасида Гўрўғли мозорда туғилмайди, балки у мақбарада (кубрда) туғилади. Достонда тасвирланашича, мақбарада мурдаларнинг бошига ва оёғига шам ёқиб қўйилган. Достонда олов культи билан боғлиқ қадимий анъаналарнинг элементлари кўзга ташланади. Масалан, келин-куёв уйига киришидан олдин ўт устидан отлаб ўтиши, байрамларда олов атрофида айланиб, ундан сакраб ўтиб рақсга тушиш ва бошқалар – шомонизм билан боғлиқ бўлиб, бу жиҳатдан қараганда, “Гўрўғли” эпоси исломгача тарихий давр билан алоқадорлик касб этганлигини англаш мумкин [5.55-56].

Эпоснинг дунёдаги барча версияларини, айниқса, Кавказ версияларини таққослаб ўрганиш “Кўрнинг ўғли” мотиви Гўрнинг ўғли (мозорда туғилган ўғил) мотивига қараганда кенг кўламда ва севимли мотив сифатида оммалашганини ва ушбу мотив европа ва Кавказ фольклоршуносларининг эътиборини жалб қилиб келган асосий мотивлардан эканлигини қайд қилиш мумкин.

Француз шарқшунослари “Гўрўғли”ни Аршах – Тиран ривоятларига боғлашга урингандар. Айрим манбаларда “Гўрўғли” достонини араб босқинчиларига қарши IX аср бошларида Озарбайжонда олиб борилган Бобек бошчилигидаги Хуррамийлар ҳаракатига боғлаш ҳолатлари учрайди.

Биз бу борада В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифовларнинг айтган фикри энг асосли ва тўғри эканлигини айтиб ўтишимиз жоиз [6.183].

Бобек ва унинг халифаликка қарши қаҳрамонона жанглари ҳақида Бобекнинг хаётлик даврида ёқ ўнлаб афсоналар яратилган ва даврлар ўтиб халқ ўртасида кенг ёйилиб машҳур бўлган ва янги саргузаштлар билан тўлдирилиб, босқичма-босқич эпик ҳаракатига эга бўла борган.

Бобек ҳаракатлари тўғрисидаги тарихий манбаларда ва халқ орасида тарқалган афсоналарда “Гўрўғли” достони шохобчаларидаги эпизодларидаги мотивларга яқинликни, ҳамоҳангни сезиш мумкин. Масалан, Гўрўғлиниң отасининг кўр қилиниши билан Бобекнинг онасини кўр қилиниши эпизодида аниқ бир хиллиқ мавжуд. Ривоятлардан бирида келтирилган маълумотларга қараганда, никоҳ одатлари ислом шариати бўйича эмас, балки, Хуррамийлар одатларига, урфларига кўра ўтказилиши, оила қурилиши Бобек онасининг кўзини кўр қилинишига сабабчи бўлган.

Гўрўғли қассоб Алидан унинг ўғлини тортиб олиб Чанлибелга олиб келиши эпизодида, аслида Жовидон томонидан онасидан ёш ўсмир Бобекни тортиб олиб қочиши ва Боз қалъасига келтириши сюжетидаги воқеалар такрорланади [7.18].

Абу Имрон билан Жовидоннинг орасидаги жанжалли баҳслар, курашлар “Гўрўғли” эпосидаги Кўрўғлу ва Хизирўғли Мустафобекларнинг мажорали баҳсли жанжаллари эпизодларига ҳамоҳанг келади. Шуниси, қизиқки, Абу Имроннинг ўзи араб бўлишига қарамасдан, у арабларга қарши бўлиб келган. Мустафобек ҳам Хизирлардан бўлса ҳам, у Хизирларга, садр-аъзамларга қарши чиққан эди. Абу Имрон ва Жовидон бир-бирларига душман эмас. Шу жиҳатдан қараганда, Гўрўғли ва Хизирўғли Мустафобекларнинг ҳам уларга ўхшашлиги бор. Улар ҳам бир-бири билан дўст тутина дилар, душман эмас.

Чанлибел ўзининг катталиги ва ҳашаматлилиги, ҳайбатлилиги ва юксак бебаҳо тарихий обидалиги билан Абу Имроннинг Боз қальаси ва Гўрўғлиниң Чанлибел қальаси ахолисининг маънавий-руҳий яқинлиги, мақсад ва орзулари кураши, ғоялари жиҳатидан бир-бирига яқинлик жиҳатлари сезилади.

Бу каби бир-бирига ҳамоҳанг бўлган эпизодлар ва яқинликлар шуни кўрсатадики, “Гўрўғли” достони ўзининг Бобек – Хуррамийлар қўзголонига қараганда ҳам чуқур тарихий илдизларига эга бўлган ва улуғворлик сувидан ичгандир.

Достоннинг устун жиҳатларидан бири, унинг муҳим таянчи бўлган бешта унсур: Гўрўғли, Фирот, Чанлибел, Исфаҳон ўқ-ёйи ва Миср қиличидир. Достон сюжетининг Бобек – Хуррамийларга бориб боғланиши, ундан кўплаб мотивлар оташпарастлик қарашлари асосида шаклланганлигини кўрсатади [8.149].

Халқ ривоятлари, ҳикоятлари ва сақланиб қолган тарихий манбалардаги далиллар билан қиёсласак, уларни халқаро сюжетларга алоқадор эканлиги ҳақидаги хуносаларга олиб келади. Халқ оғзаки ижодида тарихий саҳнада мавжуд бўлган ва ҳозирда ҳам яшаб келаётган қадимий сюжетларга кўра, “Ноҳақ кўзи кўр қилинган одамнинг ўғли буюк қаҳрамон бўлиб етишиши” ёки “Кўр кишининг ўғлининг қаҳрамон даражасигача етишиши” оддийгина қилиб айтганда, қаҳрамон “Кўрнинг ўғли” деб номланиши халқаро мотивлардан бири саналади.

“Кўрнинг ўғли” мотивининг шаклланиши бир жиҳатдан қадимги юонон афсоналаридаги Зевснинг ўлган ҳомиладор қизидан ўғил туғилишига боғлаб талқин қилинса, иккинчи томондан бу мотив эрамиздан олдинга VII-VIII асрларда Шимолий Қораденгиз атрофидаги чўлларда яшаган Скифлар орасида қадимдан мавжуд бўлган сюжетларга боғлаб талқин этилади.

Мавжуд тарихий манбаларнинг маълумотларига кўра, скифлар эрамиздан аввалги VII асрда Озарбайжон худудига мансуб текисликларда жойлашган бўлиб, Эрон, Озарбайжон ва бошқа халқлар ерларига ҳужумлар қилиб турганлар [9.41]. Геродот ушбу урушлар ҳақида ёзар экан, “Кўрнинг ўғли ҳақидаги қизиқарли саргузашт сюжетга алоқадор бўлган ва унинг учун асос бўлган” “Кўр қуллар” ҳақидаги қизиқарли маълумотлар”ни ёзиб қолдирган [10.187]. Қизиги шундаки, Геродотнинг “Тарих” асарининг таржимони Г.А.Страновский тарихчининг келтирган маълумотларини “Қадимиј скиф афсоналари” дея номлаган. Ушбу берилган скиф афсоналарига кўра, скифлар барча қулларнинг кўзларини кўр қилиб қўйганлар. Бу кўр қилишдан мақсад, скифлар от соғиш сирларини яшириш мақсадида ўз хизматкорларининг кўзларини кўр қилганлар.

Қизиги шундаки, мазкур афсона қисман ўзгартирилган тарзда Ю.В.Чеменземинлининг “Қизлар булоғи” романида келтирилган [11.445]. Олим ва ёзувчи Ю.В.Чеменземинли жангларда асир тушган асиirlарнинг кўзларини скифлар томонидан қайтарзда кўр қилинишини ўзига хос тарзда чиройли ва ёрқин, эркин ифодалаб, тасвирлаб берган.

Геродотнинг “Тарих” китобида тасвирланган ярим тарихий ва ярим мифик афсонадан англашиладики, “Кўрнинг ўғли” халқаро сюжети скифларда янги маъно англатганлиги аён бўлади. Кўр қуллардан туғилган янги авлод ўзларининг қаҳрамонликлари билан скиф жангчиларини эсанкиратиб қўядилар.

Ушбу сюжет Шимолий Кавказ халқлари орасида кенг тарқалган ва осетинларнинг “Нарт” эпосига киритилган. Ушбу мавзу бўйича рус шарқшуноси В.Ф.Миллер, ундан кейин Жорж Дюмезиль маҳсус тадқиқот ишларини олиб бордилар [12]. “Гўрўғли”

эпосининг скиф, осетин, сван достонлари ва афсоналари, шунингдек, “Аршак-Тиран” ҳақидаги афсоналар билан қиёсий-чоғишириб ўрганган олим Жорж Дюземилнинг тасдиқлашича, гарчи “Гўрўғли” эпоси сюжети билан “Кўрнинг боласи” мотиви орасида яқин ҳамоҳанглик бўлса-да, улар орасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эмас. Чунки, мазкур сюжетларнинг кўпчилигига сюжет ва воқеаларнинг қўшилиб, аралашиб кетиши хусусиятлари ўз ифодасини топган. Муҳими, скиф афсоналарида ҳам, Аршак-Тиран афсоналарида ҳам, озарбайжон “Гўрўғли”си матнларида ҳам қаҳрамонларнинг оталари ҳукмдорлар томонидан отлар масаласи билан боғлиқ ҳолда жазоланади. Бундай ҳамоҳанглик, алоқадорлик хусусиятлари эпоснинг бошқа мотив ва сюжетларида ҳам сезилади.

Маълумки, “Нарт” эпоси Шимолий Кавказ ҳалқлари - осетин, абхаз, қабардин, адигейлар, убиглар, сванлар, чеченлар, ингушийлар, балкарлар, қораҷойлар, кумиклар орасида кенг тарқалган бўлса-да, уларнинг асосий ижодкорлари осетинлар адигейлар ва абхазлардир, деб ҳисобланади.

Шаклланиши эрамиздан аввалги VIII-VII асрларга хос деб қаралаётган ушбу эпос юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларга кўра, ва В.И.Абаев ва Б.А.Калоевларнинг ху-лосаларига кўра, “Гўрўғли” достонидаги кўплаб эпизодлар ва мотивлар қадимги скиф мифологиясидан олинган [13.370].

“Кўрнинг боласи” мотиви “Нарт” эпосининг “Хамис ва Батразд” бўлимида ифодаланган [14.352]. Бу шохобчада тасвиrlанишича, Кўр ўғли нартларга ўзининг жасоратини, мардлигини ва қаҳрамонлигини кўрсатмоқчи бўлади ва улар билан жанг қиласи ва ҳалок бўлади [15.191].

“Нарт” эпоси яратилган вақтларда, шунга яқин даврларда материархат “Амиранияни” эпоси [16.98] яратилган бўлиб, унда ҳам “Гўрўғли” мотиви ўз аксини топган. Ўзбек версиясида қаҳрамон қабрда туғилади. Бунда унинг онасининг мурдалик хусусиятлари сезилиб туради.

Маълумки, “Гўрўғли” туркуми достонлари асосан XVI асрларда шакллана бошлиғанлиги сабабли уларда мифологиянинг излари ўзини намоён қилиб туради. Масалан, Гўрўғлининг мўъжизавий туғилишининг ўзиёқ мифологияга бориб боғланади. Гўрўғлининг дунёга келиши туғилмасидан анча олдин бобосига туш орқали аён бўлади. Ўзбекфольклорида туш мотиви жуда кенг тарқалган бўлиб, унинг илдизлари қадимги мифология билан боғланиб кетади. “Туш лавҳасиннинг асоси битта - инсон руҳий дунёсининг рамзидир. Туш ва миф шарҳланар экан, тадқиқотидан улардаги “рамзлар тилини” билиш талаб этилади” [17.107].

“Гўрўғлининг туғилиши” достонида унинг бобосининг тушига “олтин ошиқ” киради. Кўринадики, бу ерда ҳам рамзни – “ўғил туғилиши”ни англатади. Мазкур тушдан кейин чол тинчини йўқотади ва сал ўтмай унга мозордаги бола ҳақидаги ҳабарни келтирадилар [18.9]. 3150-инв. рақамли қўлёзмада эса Жиғолибекнинг тушига ҳазрат Шоҳимардон кириб: “Эй, Жиғолибек, ўрнингдан турғил. Ўлган келинингнинг қабрини кўргил, не ажаб воқеа кўрарсан” дедилар [19.5]. 9590-инв. рақамли қўлёзмада ҳам Жиғолибекка қабрдаги чақалоқ ҳақида шу тарзда ҳабар берилади [20.1]. Одилбек Гўрўғлининг отаси бўлиб, Чамлибелнинг ҳукмдори Жиғолибекнинг ўғли эди. Одилбек отасидан кейин Чамлибел ҳалқига сардорлик қиласи. Бироқ тез ўтмай ўзи, сал кейин ҳомиладор аёли ҳам вафот этади.

Кўринадики, эпик қаҳрамонларнинг туғилишининг ўзи “мўъжизавийдир”. Яна шуниси эътиборлики, кўпчилик эпик қаҳрамонни дастлаб бўри, байтал, кийик ёки эчки эмизиб боқади. Гўрўғлини ҳам эчки ёки байтал эмизиб боқади. “Тулумбий” достонининг бош қаҳрамони Эдигонни ҳам эчки эмизиб боқади [21.68]¹. Ж.Фрезер эса эчкини ҳосилдорлик культларига боғлайди [22.104]². Шунингдек, уни кўпгина халқларда, жумладан, оссурияликларда илохий ҳайвон сифатида тан олиниши қайд қилинади [23.424]³.

Эчкининг илохий ҳайвонлиги билан алоқадор маросимлар Хоразмда яқинларгача яшаб келган. Жумладан, Хоразмдаги пўрхон (парихон)лар айрим bemорларни даволашда эчки териси ёки жунидан фойдаланганлар [24.192]⁴.

Фикримизча, эчки қадимда Марказий Осиёда яшовчи айрим қавмларнинг тотеми сифатида эъзозланган бўлиши мумкин. Айрим манбалардаги эчкининг Зардушт шахсига бориб тақалиши, уни эмизиши, унга ҳомийлик қилиши буни муайян даражада тасдиқлаши мумкин.

Гўрўғли образининг кейинги фаолиятига разм солинса ҳам кўпгина мифологик тасвирларни кўриш мумкин.

Даставвал у чилтанлар маконига дуч келади. Улар Гўрўғлининг келажак тақдири ҳақида башорат қилишади. Унинг енгилмас баҳодир бўлиб етишиши, оламга довруғ солиши, отга, яроғга эга бўлиши, 120 ёш кўришини айтишади. Кейин у эпик қаҳрамонларга хос баҳодирлик хусусияларини намойиш этади. Уч ботмон ёйин кўтаради. Отган ўқи етти филни тешиб ўтади.

Гўрўғли портретига разм солганда ҳам мифологик тасвир яққол кўзга ташланади: “Ерга урса осмонга учаман деб турган отни минган, кўзлари ёниб турган, ҳар елкасида бир ҳўқизни бемалол кўтарадиган, ҳайбатли йигит” [18.32], “Гўрўғлининг ҳар одими тўрт газ” [18.68]. Агарда ушбу тасвирларга диққат қилинса, Гўрўғлидаги ғайритабиий куч-қудратга ишора қилиниши сезилади.

Фольклоршунос Н.Криничнаянинг фикрига кўра, эпик қаҳрамон портрети кўпроқ ўша халқнинг тотемик табиати билан боғланиб кетади [25.60]. Шу жиҳатдан қараганда, Гўрўғлига берилган тасвирлар кўпроқ, от тотемини эсга солади. Негаки, унда отга хос келбат, куч-қудрат, жасорат, бардош ва ирода мужассамлашган, Дарвоқе, кадимги Хоразмда яшаган массагетларнинг тотеми от бўлганлигини [21.68] ҳам унутмаслик лозим.

Эпоснинг “Хирмондали” шоҳобчасидаги Хирмондали образидаги мифологик хусусиятлар ҳам эътиборга лойик. Достоннинг Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев вариантида ҳикоя қилинишича, унинг онаси хурмо мевасини егач, Хирмондалига бошқоронғи бўлади. Қизнинг исми ҳам хурмо меваси билан боғлиқ. Ушбу мотив ҳам жуда қадимий бўлиб, инглиз фольклоршунос Ж.Фрезернинг маълумотга кўра, унинг илдизлари ўсимлик маъбути Аттис билан алоқадордир. Аттиснинг онаси ҳам ўз кўкрагига бодом ва анор мевасини қўйгач, Аттисга ҳомиладор бўлади [26.203]. Ушбу мотив фанда партеногенез номи билан юритилиб, бошқа халқлар оғзаки ижодида ҳам кенг тарқалган [23.424].

¹ Криничная Н.Персонажи преданий: становление и эволюция образа. Л., 1988. -С68.

² Ҳомидий Ҳ. Зардушт // “Тафаккур”, 2001, №л 104-бет.

³ Фрезер Дж. Золотая ветвь, - М., 1986. -С. 424.

⁴ Фрезер Дж. Фольклор в ветхое завете, - М., 1989. -С. 192.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дастан Короглу. Стамбул. Типография Евгаф, 1931.
2. Короглу. Составитель М.Г.Тахмасиб.Предисловие. Баку. Издательство АН Азербайжаской ССР. 1956.
3. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. “Узбекский народный героический эпос”. М.; 1947.
4. Банарлы Н.С Иллюстрированная история турецкой литературы. Стамбул. Издательство “Йедди гюн” (Етти кўй). 1947.
5. Рахманов Ата. Вновь обнаруженный вариант эпоса “Короглу”. Журнал “Совет адабийати”, Ашхабад, 1964, №9.
6. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. “Узбекский народный героический эпос”. М.; 1947.
7. Короглу. Озарбайджан. Баку. Издательство “Сада”. 2009.
8. Тахмасиб М.Г. Азербайджанские народные эпосы (средние века). Баку. Издательство “Элм”. 1972.
9. История Азербайджана. 3 томник. Том-1. Боку. Издательство АН Азербайджанский ССР. 1958.
10. Геродот. История в девяти книгах. Л.; Издательство “Наука”, 1972.
11. Чеменземинли Ю.Б. Произведения в трех томах. Том II, Баку. Издательство “Элм”. 1976.
12. Дюмезиль Ж. Осетинский эпос и мифология. М.; Издательство “Наука”, 1976; Дюмезиль Ж. Скифы и нарты. М.; Издательство “Наука”, 1990.
13. Нарты. Эпос осетинского народа. М.; Издательство АН СССР, 1957.
14. Нартские сказания. Осетинский народный эпос. М.; ОГИЗ, 1949.
15. Берберян Г., Аршак И. Корголу. Париж, 1938.
16. Боратав П.Н. Народные рассказы и народные рассказничание, Анкара, 1946.
17. Чиковани М. Амириани (Грузинский эпос). Тбилиси. Издательство Союза писателей Грузии “Заря Востока”, 1960.
18. Эшонқул Жаббор, Фольклор: образ ва талқин, Қарши, 1999.
19. Гўрўғли. Урганч, “Хоразм”, 2003.
20. Гўрўғли. Ўз Р Фа ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган 3150-инв. қўлёзма.
21. Гўрўғли. Ўз Р Фа ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган 9590-инв. рақамли қўлёзма.
22. Криничная Н. Персонажи преданий: становление и эволюция образа. Л., 1988.
23. Ҳомидий Ҳ. Зардушт // “Тафаккур”, 2001.
24. Фрезер Дж.. Золотая ветвь. М. 1986.
25. Фрезер Дж.. Фольклор в ветхое завете, М., 1989.
26. Юсупов Ж. Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. Т., 1997.
27. Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: 1948.

ЗАМОНАВИЙ ТУРК ҲИКОЯЛАРИДА ЯНГИЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ (Ю.Отилган ҳикоялари мисолида)

Аннотация

Ушбу мақолада турк адабиётининг модернист ёзувчиларидан бири Юсуф Отилган ижоди, унинг ҳикоячиликдаги маҳорати илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Адибнинг Ғарб адабиёти таъсирида ёзилган асарлари, хусусан, “Уйдаги”, “Катакнинг нариги томони”, “Яшаб бўлмайди” сингари ҳикоялари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: турк адабиёти, Ю.Отилган, ҳикоя жанри, постмодернизм, услуб, қаҳрамон, тасвир, таъсир.

Аннотация

В этой статье в научном аспекте исследованы творчество одного из писателей-модернистов турецкой литературы Юсуфа Атилгани, его мастерство в жанре рассказа. Проанализированы рассказы «В доме», «Наружная сторона клетки», «Невозможно жить», написанные под влиянием европейской литературы.

Ключевые слова: турецкая литература, Ю.Атилгани, жанр рассказа, постмодернизм, стиль герой, изображение, влияние.

Annotation

In this article, one of the modernist writers of the Turkish literature, Yusuf Atilgan works and his skills in storytelling are investigated scientifically. His stories which were written by the influence of the European literature, such as “At home”, “The opposite side of cage”, “Uninhabitable”, were studied.

Keywords: Turkish literature, Y.Atilgan, story genre, postmodernism, style, hero, expression, effect.

XX аср турк адабиёти, хусусан, ҳикоячилигида реалистик анъаналарни ижодий давом эттирувчи асарлар билан бир қаторда янгича шаклий изланишлар ҳам қўзга ташланади. Шу билан бирга инсон маънавий олами, дунёқараши ва туйгуларини бадиий акс эттириш тамойиллари янгиланиб, одам руҳий дунёсини бутун мураккаблиги билан тадқиқ ва таҳлил этишга эътибор янада кучайди. 1970-1980 йиллар турк ҳикоячилиги Ғарб адабиётига юзланди, постмодернизм, экзистенциализм сингари тушунчалар кириб кела бошлади. Ҳикоянавислар Ф.Кафка, Ж.Жойс, В.Вулф, У.Фолкнер, А.Камю асарларидан таъсирланди, қаҳрамон яратиш ва услуб жиҳатдан ўхшашликлар пайдо бўлди.

Турк ҳикоячилиги 1970 йиллардан кейин ҳам ички, ҳам ташқи тараққиёт таъсири натижасида янги изланишларга юз тутди. Ғарб ҳикоячилиги таъсиридаги тараққиётда модернистик, постмодернистик тушунчалар юзага келди; билвосита анъанавий ҳикоялардан анча фарқли янгича ҳикоя шакли пайдо бўла бошлади¹. Бунда албатта Юсуф Отилганинг ижоди, хусусан ҳикоялари муҳим аҳамият касб этади. Турк ҳикоячилигининг модернист ёзувчиларидан бири ҳисобланган Ю.Отилган жанрнинг баракали ижодкори бўлмаса-да, саноқли ҳикоялари билан турк адабиётида чуқур изқолдирди.

1960 йиллардан эътиборан жанрнинг янгича ифодаларини излаш натижасида ижодкорлар қисман бўлса ҳам постмодернизмнинг баъзи хусусиятларидан фойдала-

¹ Çetişli İ., Balcı Y., Kolaç E. Cumhuriyet Dönemi Türk Nesri. Anadolu Üniversitesi. Esküsehir-2012. –S.49.

ниб ижод қилдилар. Уларнинг биринчиси Юсуф Отилган ҳисобланади.² Дарҳақиқат, Ю.Отилган “Катакнинг нариги томони”, “Яшаб бўлмайди”, “Чиқа олмаган”, “Уйдаги”, “Соатларнинг тиқирдиси”, “Калта минорадан бошқа” сингари ҳикоялари билан постмодернизм хусусиятларини ифодалаб берди.

Юсуф Отилган бизда модернистик адабиётнинг йўлбошчиларидан бўлган ва ўзи яшаган давридаги ёзувчиларга нисбатан анча фарқли мавзуларда, услубда роман ва ҳикояларни қаламга олган ёзувчидир.³

Юсуф Отилган (1921-1989) “Бекорчи одам”(1959) ва “Она юрт меҳмонхонаси” (1973) номли романлари билан танилган ёзувчи бўлиб, тириклигига “Калта минорадан бошқа” (1960) номли ягона ҳикоялар тўпламини нашр этди. Вафотидан кейин барча ҳикоялари жамланиб “Исёнчи”(1993) асари нашрдан чиқди. Отилган ҳикояларида анъ-анавий ва замонавий ҳаёт ўргасидаги тўқнашувларни, шахс руҳиятида намоён бўлган тангликларни, турли сабаблар билан юзага келган зиддиятларни ҳаётда борлигича акс эттиради. Барча мавзуларнинг ортида инсон ҳаётини остин-устун этган модернизм таъсири бор.⁴

Эътибор бериб назар солсак, Юсуф Отилганинг аксарият қаҳрамонлари ҳаётдан норози, эркинликка, мустақилликка интилувчан, шу сабабли ҳам атрофидаги ҳиссиз, туйғусиз одамлардан безиган. Улардан узоқлашгиси ва ўзининг “ички олами”да яшагиси келади. Адабнинг “Уйдаги” ҳикояси қаҳрамони ҳатто дунёга келтирган онасидан ҳам бегонасирайди.

Ҳикоянинг қаҳрамони асосан ўз-ӯзи билан суҳбатлашади, бошқаларга ҳам ўзича баҳо беради, фикрини бошқаларга билдирамайди. У атрофидагиларга дардини очишга одатланмагани учун қувончу қайғуси ҳам ўзининг ичиди. Ҳар қандай ҳаётий-рухий жараён фақат унинг ички оламида рўй беради.

“Катакнинг нариги томони” асарида ҳикоячи яшаётган катагидан қочишини ўйлаган товуқдир. Товуқ ва катак параллелизмида эркинлик мавзусини ёритган ёзувчи катакнинг нариги томони сўз бирикмаси орқали қолиплардан четга чиқиш, ўзи қўмсаган, кутган ҳаётни акс эттиради. Асарда катак хўжайини – қалби пок аёл, ҳикоячи товуқ, хўroz ва нариги товуқлар ижтимоий ҳаётга ўхшатиш ҳисобланади.⁵

Ёзувчи ҳикояларида баъзан мазмунни кучайтириш учун жонлантиришдан ҳам унумли фойдаланади. Жонлантиришлар шунчаки эффект учун эмас, балки ўқувчига қаҳрамон сезимларини англашда ёрдам кўрсатиш учун қўлланган. “Катакнинг нариги томони” ҳикоясида нутқи йўқ парранда – товуқ жонлантирилади, яъни нутқ эгаси сифатида кўрсатилади. Ёзувчи бир катак ичиди яшаётган хўroz ва товуқлар орқали жамиятдаги баъзи одамлар ҳаётини акс эттиради. Товуқ бошқа товуқлардан фарқли ўлароқ бир хиллиқдан зерикади, узоқлардан кўринаётган бепоён ҳовлилар унинг ҳаёлини ўғирлайди ва диққинафас катагидан қочиши тараддуудига тушади. Қочади ҳам, аммо сал қолса итнинг ўлжасига айланарди. Хўжайини пайдо бўлди-ю итнинг чангалидан қутқарди, ярадор бўлди.

² Külahlioğlu İ.A. Cumhuriyet Dönemi Türk Hikayesi. Yeni Türk Edebiyatı. (1839-2000). Edit. Ramazan Korkmaz. Ankara-2015. –S.364.

³ Güngör B. Yusuf Atilgan’ın hayatı, Eserleri ve Fikirleri (1921-1989). Yüksek Lisans Tezi. Marmara Üniversitesi, İstanbul-2014. –S.14.

⁴ Çetişli İ., Balçı Y., Kolaç E. Cumhuriyet Dönemi Türk Nesri. Anadolu Üniversitesi. Eskişehir-2012. –S.45.

⁵ Işık H.C. Türk Öykücülüğünde 1950 Kuşağı ve Varoluşculuk. Yüksek Lisans Tezi. T.C. Celal Bahar Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Yeni Türk Edebiyatı Anabilim Dalı. Manisa-2008. –S.96.

Оппоғим бир кун катакнинг нариги томонида нималар бўлаётганига қизиқади ва бу ердан қочишга қарор қиласди, фақат бу жуда мушкул иш. Чунки катак панжара-нинг темири узун ва ниҳоясиз кўринарди. Шунга қарамасдан бир куни тонгда катакдан қочишнинг уддасидан чиқкан Оппоғим ваҳший итнинг чангалига илинади. Шу заҳоти хўжайини келиб уни қутқаради ва катакка олиб келади. Қочиш ташаббуси омадсиз кечган Оппоғим, омадсизликка қарамай яна катакнинг нариги томонига бориш ва у ердаги кенг ҳовлиларни кўриш истагидан воз кечолмайди.⁶

Шунга қарамай товук барибир катакнинг нариги томонини, бепоён ҳовлилардаги хўроз-товуқларга ҳавас қиласди, кўнглиниг туб-тубидан яна қочиш истаги уйғонади:

“Ama ben her zamandan çok şimdidi kocaman avluların özlemini duyuyorum. Duvarların arasında ouchsuz bucaksız dünyada daha iyi tavuklar arasında, daha anlayışlı horozlarla geçecek günlerin özlemiyle doluyum. Bıktım buradan. Kaçacağım. Ama köpekler varmış, başka canavarlar varmış, olsun. Bu defa kanatlarımı açar uçuveririm, hırpalamamam kendimi onlara. Şimdi de bir şeyim yok. Yalnız ensem sancıyor az az. Hele o geçsin, hele kanatlarım az daha uzasın kaçacağım buradan.”⁷

(Аммо мен ҳозир ҳар доимгидан ҳам кўпроқ кенг ҳовлилар соғинчини ҳис қиляпман. Деворлар ортида, бепоён оламнинг эркин товуқлари орасида, фаросатли хўролар билан ўтажак кунларнинг соғинчи билан тўла қалбим. Бу ерлар жонимга тегди. Қочаман. Аммо итлар, бошқа жониворлар бор, майли. Бу гал қанотларимни қоқаман-у учб кетаман, ўзимни уларга ем қилиб қўймайман. Ҳозир ҳам ҳеч нарса бўлгани йўғ-у фақат оз-моз энсам санчиди. Ҳали бу оғриқлар ўтиб кетсин, қанотларим салгина ўссин, бу ерлардан қочиб кетаман.)

Ёзувчи қаҳрамонларини қарама-қарши характерлар, зиддиятли воқеалар фонида тасвирлайди. Шу сабабли ҳам қаҳрамонлар аламзада, ички нафратга тўла, пессимист ҳолатда акс эттирилади. Улар орзу қилмайдилар, чунки улар қарор қабул қилиб бўлган одамлар. Ҳаётдан, борлиқдан, одамлардан йироқлашишга интиладилар, ўзларининг руҳий дунёсида яшайдилар. Адиганинг “Яшаб бўлмайди” ҳикояси қаҳрамони ана шундай қаҳрамонлар сирасига киради. Ҳикоя қаҳрамони жамият томонидан масхара қилинади, ғурури ерга урилади. Оиласида ота томонидан, мактабда ўқитувчilar томонидан, кўча-кўйда эса тенгдошлари томонидан кетма-кет “руҳий зарба”га дуч келади. Унинг табиатидаги асосий белги-хусусият шундан иборатки, у ўз қобигига беркинган, бошқалардан ажралиб қолган тунд инсон.

Ҳикоя воқеалари бевосита бош қаҳрамон тилидан баён этилади. Бу эса воқеаларнинг бир оз субъектив талқинини юзага келтиради. Аммо қаҳрамоннинг ўзига тегишли ички ҳолатларни ҳам очиқ-ойдин баён этиши ҳикоя ҳаққонийлигини оширади.

Юқорида айтганимиздек, қаҳрамон доимий хўрликлар, туртқилар ичida яшайди. Бир гал у чиройли аёлга қарагани учун ёнидаги кишидан мушт еб, ерга йиқилади. Аммо бошқа бир нотаниш киши унга ёрдам беради, атрофда йиғилиб масхара қилаётган одамларни нари ҳайдайди. Бу меҳрибон кишининг исми Али эди. Али уни “хона”сига олиб келиб, юзидағи қонларни артади. Шу ерда қаҳрамон психологиясида носоғлом, ғайритабиий бир ўзгариш юз беради. У ўз нажоткорини яхши кўриб қолади. Айнан яхши кўргани боис киши билмас уйига бориб ўлдиради. Ҳикоя қаҳрамонини бундай мудхиш

⁶ Gündör B. Yusuf Atilgan'ın hayatı, Eserleri ve Fikirleri (1921-1989). Yüksek Lisans Tezi. Marmara Üniversitesi, İstanbul-2014. -S.27.

⁷ Atilgan Yu. Kümesin Ötesi / Bütün Öyküleri (Таржима бизники – П.К.) Yapı Kredi Yayınları. İstanbul-2002. -S.15.

жиноят қилишга ундаған мантиқ битта эди. Унингча, вахший, ёвуз, бегона одамлар яшайдиган бу жамиятда Али сингари яхши одамлар яшашга қийналади. Уларни бундай азобдан күтқариш керак. Бунинг чораси эса ўлдириш. Ю.Отилган ушбу ҳикоясида бошқа барча ҳикояларидан мураккаброқ, мантиқий ечимсиз муаммони күтариади. Ушбу ғайритабиий ҳодисанинг бадиий-психологик тасвирини берар экан, ўқувчини ўз қаҳрамонининг рұхан bemor эканига ишонтиради. Ҳақиқатан ҳам, ушбу қаҳрамон қылған ишни фақат телбагина амалға ошириши мүмкін. Ушбу қаҳрамон бир томондан рус ёзувчisi Ф.Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романидаги Роскольниковни эслатади. Аммо унинг құлмиши Роскольниковидан ўн чандон ошиб тушади. Агар Ф.Достоевский қаҳрамони ижарачи кампирни ўлдириш учун жиндееккина асосға эга бўлса, Ю.Отилган қаҳрамони ўзи яхшилик кўрган, яхши кўрган одамини ўлдиради:

“—Neyin var senin, hasta misin? dedi birden.

—Yoo, çok iyiyim, dedim.

Gerçekten de öyleydim.

—Şarap var dolapta; birer bardak içerez ha?

Dolaba doğru yürüdü. Ben de yürüdüm. Önce donecek sandım; oysa sendeliyormuş. Havanelini sağ elime aldım; bütün gücümle vurdum başına. Yüzükoyun düştü. Odayı korkunç bir gürültü kapladı. Nice sonra dösemeye kan aktı. Öylesine yeğindim ki hop desem uçacaktım; sıvrisinek gibi. Şimdi kendimi öldürebilirdim.”⁸

(—Нима бўлган сенга, касалмисан? —деди тўсатдан.

—Йўқ, жуда яхшиман, —дедим.

Ҳақиқатан ҳам шундай эдим.

—Жавонда шароб бор, бир-икки қадаҳ ичсак-чи?

У жавон томонга юра бошлади. Мен ҳам орқасидан бордим. Ортга қайтгандек туюлди, гандираклаётган экан. Ўнг қўлим билан тўқмоқни олдим ва бор кучим билан бошига урдим. Юзтубан йикилди. Хонада даҳшатли шовқин кўтарилди. Бир оз ўтиб гилам қонга булғанди. Ўзимни шундай енгил ҳис қилдимки, бир нафасда чивинга ўхшаб учиб кетардим гўё. Энди ўзимни ўлдирсан бўлади.)

Адиб ҳикояларида ҳаётнинг адoқsiz зарбалари қархисида ночор қолган одамларнинг қисмати, уларнинг тирикчилиги ўнгланишига на йўл, на имкон борлиги кўрсатилади. Ёзувчи қаҳрамонлари юрадиган тақдир сўқмоқлари борган сари мураккаблашиб, оғирлашиб бораётганлигини тасвирлайди. Ҳикояларнинг қаҳрамонлари аксарият холларда вазият устидан ғолиб чиқолмай ора йўлда қолишади.

Кўриб турганимиздек, Ю.Отилган ижодига жаҳон адабиётининг таъсири кучли. Шу боис адибни кўпроқ инсон ичида, кўнглида кечеётган жараёнлар тасвири қизиқтиради. Вокеа, муаммога нисбатан руҳий жараённи ифодалаш устувор ўринда туради. Ёзувчининг ижоди, асарлари бир қатор адабиётшунослар эътиборига тушиб, ўз илмий талқинини топган.

Янги турк адабиётининг йўлбошли ёзувчиларидан бири Юсуф Отилган романлари, қолаверса ҳикоялари билан ўзидан кейинги модернист ва постмодернист ёзувчиларга доимий илҳом манбаси бўлиб келди.⁹

⁸ Atılgan Yu. Yaşanmaz / Bütün Öyküleri (Таржима бизники – П.К.) Yapı Kredi Yayınları. İstanbul-2002. –S.60.

⁹ Güngör B. Yusuf Atılgan’ın hayatı, Eserleri ve Fikirleri (1921-1989). Yüksek Lisans Tezi. Marmara Üniversitesi, İstanbul-2014. –S.IV.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Atilgan Yu. Evdeki / Bütün Öyküleri. Yapı Kredi Yayınları. İstanbul-2002.
- 2.Atilgan Yu. Saatların Tıkırtısı // Türk Edebiyatından Öyküler 1. (Hazırlayanlar: Ercan E., Önemli İ.) İnkılap. İstanbul-2014.
- 3.Güngör B. Yusuf Atılgan’ın hayatı, Eserleri ve Fikirleri (1921-1989). Yüksek Lisans Tezi. Marmara Üniversitesi, İstanbul-2014.
- 4.Dirlikyapan Ö.J. Yusuf Atılgan’ın Kentinde Sınırda Yürüyen Öykü Kişileri. // Turkish Studies. 9/3 Winter 2014. Ankara-Turkey.
- 5.Işık H.C. Türk Öyküculüğünde 1950 Kuşağı ve Varoluşçuluk. Yüksek Lisans Tezi. T.C. Celal Bahar Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Yeni Türk Edebiyatı Anabilim Dalı. Manisa-2008.
- 6.Külahlıoğlu İ.A. Cumhuriyet Dönemi Türk Hikayesi. Yeni Türk Edebiyatı. (1839-2000). Edit. Ramazan Korkmaz. Ankara-2015.
- 7.Oğuz O. Yusuf Atılgan’ın Hikayelerinde Kent. // Turkish Studies. 7/1 Winter 2012. Turkey.
- 8.Cetili İ., Balcı Y., Kolaç E. Cumhuriyet Dönemi Türk Nesri. Anadolu Üniversitesi. Eskişehir-2012.
- 9.Güngör B. Yusuf Atılgan’ın hayatı, Eserleri ve Fikirleri (1921-1989). Yüksek Lisans Tezi. Marmara Üniversitesi, İstanbul-2014. –S.IV.

МЕХРИНИСО ҚАЮМОВА

ЗАМОНАВИЙ ТУРК ДРАМАТУРГИЯСИНИНГ ЁРҚИН СИЙМОСИ

Аннотация

Халдун Танер, XX аср турк адабиётининг таниқли намояндадаридан бири бўлиб, турк драматургиясининг ривожига улкан ҳисса қўшган ва дунёга танитган ёрқин сиймалардан бири ҳисобланади. Мақолада драматургнинг ижоди, асарларининг умумий таҳлили ўрин олган.

Калит сўзлар: турк адабиёти, жанр, ҳикоя, сюжет, композиция, пьеса.

Аннотация

Халдун Танер – один из известных представителей турецкой литературы XX века, внесший большой вклад в развитие турецкой драматургии и представивший ее миру. В статье дан общий анализ творчества драматурга и его произведений.

Ключевые слова: турецкая литература, жанр, рассказ, сюжет, композиция, пьеса.

Annotation

Khaldun Taner is one of the most famous figures of Turkish literature of the twentieth century, one of the most prominent figures who made a great contribution to the development

of Turkish drama and presented it to the world. The article contains a general analysis of the work of the playwright.

Key words: Turkish literature, genre, story, plot, composition, poem.

Ҳалдун Танер турк адабиётида машхур ёзувчи ва драматург сифатида тан олинган ижодкорлардан бири ҳисобланади. Хусусан, Ҳалдун Танер драматик асарларида турк инсонининг ички оламини турли аспектларда ёритишга ҳаракат қиласи, инсон ва инсониятга бўлган чукур севгисини ифодалайди. Шунингдек, жамият, табиат ва ўз ички оламида ўралашиб қолган инсон фожеасини ҳам кўрсатиб беради. Тез ўзгарувчан ва шахс сифатида шаклланаётган ҳарактерлар, кекса инсонлар, аёллар, алданган эркаклар, кичик инсонлар, турли қасб вакиллари... асарларнинг типик ҳарактерларидир.

Ҳалдун Танер асарларида ижтимоий ўзгаришларга ҳам катта аҳамият қаратган. Ижодкор ижтимоий, сиёсий, иқтисодий қонунларга параллел тарзда ўзгарган турк жамиятининг ҳолатини акс эттиради. Ёзувчи бу ўзгаришнинг турк жамиятида юзага келтирган турли салбий ҳолатлари ҳақида маълумот беради. Ғарб маданияти ва санъатининг бундай ўзгариши қандай кечган деган саволга жавоб қидиради ва бу ўзгариш асосида оқсаган жиҳатларни ҳажвий йўл билан танқид қиласи. Драмаларида ижтимоий ўзгаришнинг маънавий томонини оғрикли нуқта сифатида акс эттиради. Ҳалдун Танернинг асарларида танқидий қарааш муҳим аҳамият қасб этади.

1950 йиллар Туркияда сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар оғир кечгани, бунга параллел равища адабиётда ҳам ўтмиш билан ҳисоблашиш, Ғарб таъсири остида янгиланиш жараёни кузатилади. Ҳалдун Танернинг ижоддаги ютуғи ғайритабиий вазиятларни, воқеаларни ва инсонларни тасвирлашда эмас, балки кичик инсонлар ҳаётини акс эттиришдадир. У хикоя қилмоқчи бўлган мавзуни инсонга аҳамият қаратмагандек ҳолатда хикоя жараёнида шундай ўзгариш ясадики, худди китобхон ёзувчи шахсиятини унубиб воқеалар ичига шўнғиб кетади. Ёзувчи бермоқчи бўлган истагини, фикрини, қарорини, танқидини хикоя қаҳрамонларига юклайди. Шу тарзда хикоя қаҳрамонлари ёзувчининг сўзловчиси вазифасини бажаради. Асарга баъзан жониворлар, баъзан рамз, баъзан эса ашёлар ғоя беради ва улар ёзувчи шахсиятини акс эттиради. Унинг асарларида пессимистик рух сезилмайди. Ёзувчи фақатгина тасвирлайди ва аччиқ ҳақиқатни юмор билан юмшатади.

Танернинг табиат ва табиийлик ҳақида тўхталишининг боиси ҳам севгини табиийлик ва тўғриликтан топганлигидадир. Ёзувчи кичик инсонлар ва кичик ҳаётни танлаши асосида фақат севги ётади. Ўтмишга назар солишида ҳам севги муҳим аҳамиятга эга. Чунки гўзалликларни ва севгини ҳамиша ўтмишдан олади.

Ёзувчининг асарларида макон сифатида, асосан, Истанбул ва Олмония тилга олинади. Шунингдек, Истанбул эски ва янги қиёфаси билан тасвирланиб унга таърифлар келтирилади. Олмония эса бошқача маданият тарзини кўрсатиш учун қаламга олинади. Ёзувчи инсонга ва жамиятга маданий назар орқали ёндашади. Бу учун ёзувчи жуда яхши билган иккита маданиятни қиёслайди. Олмонлар ва турклар ўртасидаги ижод, адабиёт, қийматлар, бегона ишчи, бегоналлашиш муаммоларини ҳамиша маконлар воситасида тасвирлайди.

Ҳалдун Танер ижодий фаолияти давомида ҳеч қачон турли оқим ёки гуруҳ вакили бўлмаган. У ижодга бирон-бир янгилик киритиш, ном қолдириш, таниқли бўлиш истагида ёки турли идеологик фикрларга сиғиниб қалам тебратган ёзувчилардан эмас.

Халдун Танер яшаган даврдаги ижод оқими ва фикрлари доираси чегарасидан ўтиб маҳаллий ёзувчи бўлишга ҳаракат қиласи. Глобаллашишга ҳам шу йўл орқали эришиш мумкинлигини билади. Ўзидан олдинги ифодага урғу берган ва халқ оғзаки ижодидан таъсирланган ёзувчилардан ўrnak олади. Аҳмад Митхат афанди, Эмин Ниҳат анъаналарига боғлиқдек кўринсада, ҳикояларида сўзлашув ва асқия анъаналаридан таъсирланиш жихатидан юқори даражага эришганлиги сезилади. Аҳмад Расим ва Ҳусайн Раҳми Гурпинар каби ёзувчиларнинг Истанбул шевасини ҳикояга киритиш амалиётига у яна ҳам маҳорат билан ёндашишга ҳаракат қиласи. Ҳусусан, монолог ва диалог воситасида ёзган ҳикояларида муваффақиятга эришади.

Ёзувчининг “Яшасин демократия” (1949), “Туш” (1951), “Шишхонага ёмғир ёғарди” (1953), “Ой нуридаги шовқин” (1954), “Ўн иккига бир дақика қолди” (1954), “Кўнчиналар” (1967), “Санчонинг тонгти сайрлари” (1969), “Кизил сочли амазонка” (1970), “Соҳилда тонг” (1983) сингари ҳикоя тўпламлари бор.

Асар тили ва мазмунига ўта талабчан, мушоҳадаларга уста ёзувчи Халдун Танер инсоннинг шахсий дунёси билан фалсафа асосларини уйғунлаштириб, воқеалар ва қаҳрамонларга шунга кўра рух беришни ҳеч қачон эътибордан сокит қилмаган ижодкордир. У ўз фикрига ва юксак маънавиятга эга ёзувчилардан бири саналади.

Халдун Танер асарлари рус, инглиз, немис, чех, югослав, қозоқ, озарбайжон ва грузин тилларига таржима қилинган. Адабнинг қатор ҳикоялари ф.ф.д. П.Кенжаева томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Танер жами 12 та драма ва 13та кабаре учун пьеса ёзган бўлиб, уларнинг барчаси саҳналаштирилган.

Халдун Танернинг 100 йиллиги муносабати билан 2015 йил Халқаро туркий маданиятлар ташкилоти (TÜRKSOY) томонидан “Халдун Танер йили” деб эълон қилинди.

Турк адабиётида Танер драмалари уч даврга бўлиб ўрганилади:¹ Биринчи давр иллюзион пьесалар, иккинчи давр айнан томошабоп пьесалар ва учинчи давр кабаре театри учун пьесалар деб номланади.

Биринчи давр 1949-1962 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда “Günün Adamı” (“Хозирги кун одами”, 1957), “Dişardakiler” (“Ташқаридагилар”, 1957), “Ve Değirmen Dönerdi” (“Тегирмон ҳамон айланар эди”, 1958), “Fazilet Eczanesi” (“Фазилат дорихонаси”, 1960), “Lütfen Dokunmayın” (“Илтимос, тегманг”, 1961), “Huzur Çıkmazı” (“Ҳузур берк кўчаси”, 1962) номли пьесалари яратилган.

Иккинчи давр 1964 йилда ёзилган “Keşanlı Ali Destanı” (“Кешанлик Али достони”) пьесаси билан бошланиб, унга “Gözlerimi Kaparım Vazifemi Yaparım” (“Кўзларимни юмиб, вазифамни адо этаман”, 1964), “Zilli Zarife” (“Шаддод Зарифа”, 1966), “Sersem Kocanın Kurnaz Karısı” (“Бефаросат эрнинг айёр хотини”, 1971), “Ayışığında Şamata” (“Ой нуридаги шовқин”, 1977) сингари пьесалари киради.

Учинчи давр эса, илк бор 1967 йилда яратилган “Vatan Kurtaran Şaban” (“Ватанни кутқарган Шабан”) драмаси билан бошланиб, шу йилда “Туяқуш” кабаре театрига асос солиниши билан боғлиқ. Бу давр Халдун Танернинг барча кабаре учун пьесаларини ўз ичига олади.

Биринчи давр пьесалари хусусида тўхталар эканмиз, улар драматик пьесалар сирасига киритилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.²

¹ Ayşegül Yüksel “Haldun Taner Tiyatrosu”, İstanbul, Bilgi Yayınevi, 1986, s.27

² Halil Adiyaman, Haldun Taner Hayatı, Sanatı ve Eserleri, Doktora Tezi, Ankara, 2012, s. 40-47.

Халдун Танер драматургиясининг иккинчи даврига мансуб бўлган пьесалари мутахассислар томонидан айнан томошабоп (“Göstermeci biçimdeki”³) ҳамда эпик турдаги драмалар, ёзувчи эса Туркияда эпик драмаларнинг асосчиси деб баҳоланади.⁴ “Бертолъд Бреҳтнинг издоши бўлган Халдун Танер илк бор унинг эпик театри анъаналарини турк миллий театрига татбиқ этди (“Keşanlı Ali Destani” ва “Gözlerimi Kaparım Vazifemi Yararım” пьесаси)⁵, –деб таъкидлайди рус олими Л.Н.Старостов.

Ёзувчи “Кешанлик Али достони” драмаси хусусида ёзар экан, “Бу асар драматург сифатида эришган энг катта ютуғим”, –деб таъкидлайди.

Ёзувчи Халдун Танер драматургиясининг учинчи даври кабаре учун мўлжалланган театр даври ҳисобланади. Бу ҳақда Т.Шевченко номли Киев миллий университети туркология кафедраси доценти И.В.Прушковская шундай фикр юритади: “Миллий театр ва замонавий дунё драматургиясининг уйғунлашуви турк драматургиясида сиёсий драма жанрининг юзага келиш спецификасини белгилайди. XX асрнинг 60-йилларида Халдун Танер бошчилигида “Тұяқуш” номли кабаре театрига асос солинди. Бу театрда янги жанрдаги пьесалар саҳналаштирилар эди: шаклан–халқ ўйини, мазмунан–сиёсий ва ижтимоий воқеликдаги унсурлар устидан аччиқ кулиш. Шу тариқа 60-йилларда Бертолъд Бреҳтнинг “эпик театр” назарияси ва янги театр шаклларини излаш турк драматургларининг халқ драмаси анъаналарига қизиқишини кучайтирги.”⁶

Кабаре учун ёзилган пьесалар орасида энг машҳури “Vatan Kurtaran Şaban” (“Ватаниң қутқарған Шабан”, 1967) асари ҳисобланади. Илк бор 1 октябрь 1967 йилда Четин Ипеккяя томонидан саҳналаштирилган бу мусиқий пьеса яна тўрт юз қирқ тўққиз марта саҳна юзини кўрган. Шунинг учун ҳам бу асар турк томошабинлари онгиди кабаре пьесаларининг энг ёрқин намунаси сифатида гавдаланади.

Халдун Танер асарларида алданган одамлар ҳаётини ҳам акс эттиради. Ҳикоялар қаҳрамонлари ҳар доим ҳаётда алданган кишилардан иборат. Чунки инсонларнинг ҳақиқати кўпинча ҳаёт ҳақиқатларига мос келмайди. Асар қаҳрамонлари била туриб алданишда давом этсалар-да, жамият билан бўлган муносабатларини давом эттирадилар. Шу сабабдан жамиятда тақдирга тан берган инсон образи вужудга келади.

Халдун Танер ғоя бера оладиган ёзувчилардан бири. Буни ҳикояларининг кириш ва холоса қисмларида расмийлаштиради. Танер қатъий кириш сўзини ёзади ёки параграф вужудга келтиради. Воқеалар ривожига келганда вазият бирдан бошқача тус олади. Ёзувчи ўз фикрини холоса билан яқунлайди.

Асарларида бой мазмун ва соддаликни асосий унсур ҳисоблаган Танер ҳар доим одамларнинг савиясига эътибор қаратади. Халқ ҳаёти тасвирига муҳим эътибор қаратган ёзувчи асар ва китобхон савиясига бефарқ бўлмайди. Шу сабабдан ҳикояларида фалсафий, ижтимоий, тарихий ҳақиқатларни мушоҳада қилган ҳолда қаламга олади.

³ ysegül Yüksel. Haldun Taner Tiyatrosu, İstanbul, Bilgi Yayınevi, 1986.

⁴ Mustafa Karabulut. Edebiyatın Sosyolojik İmkarı Açılarından Keşanlı Ali Destanı'nın İncelenmesi, Adiyaman Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, 2012, Ocak, Sayı 8.

⁵ Халдун Танер. Избранное. Новеллы и публицистика. Пер. с тур.Л.Н.Старостова .М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1984.

⁶ Прушковская И.В. История развития турецкой авторской драмы (Республиканский период до 1980 г.), Киевский национальный университет имени Тараса Шевченко, 2014.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Елўқ С., Кенжава П. Кутимаган меҳмон. Akademnashr, 2011.
- 2.Оганова Е.Г. Традиции народной драмы в современной турецкой драматургии.—М.: ИСАА МГУ, 2006.
- 3.Прушковская И.В.История развития турецкой авторской драмы (Республиканский период до 1980 г.)./Киевский национальный университет имени Тараса Шевченко, 2014.
4. Adiyaman H. Haldun Taner Hayatı, Sanatı ve Eserleri. Doktora Tezi, Ankara 2012.
5. Enginün İ. Cumhuriyet Dönemi Türk Edebiyatı.—İstanbul: Dergah yayınları, 2003.
- 6.Gariper C.Haldun Taner'in Keşanlı Ali Destanı Üzerinde Bir İnceleme. İldi Araştırmalar, Sayı 20, 2005.
7. Ibrohimova Sh. Turk dramaturgiyası. TDSHI, 2016.
8. Miyasoğlu M.Haldun Taner. Ankara, Kültür ve Turizm Bakanlığı, 1988.
9. KarabulutM. Edebiyatın Sosyolojik İmkani Açılarından Keşanlı Ali Destanı'nın İncelenmesi, Adiyaman Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, 2012, Ocak, Sayı 8.
10. Taner H.Bütün eserleri. İstanbul, Bilgi Yayınevi, 1983.
11. Taner H. Koyma Akıl Oyma Akıl, Sansür Üzerine Yazılar. Ankara, Bilgi Yayınevi, 1985.
12. Taner H. Bütün Oyunları, Ve Değirmen Dönerdi. Lütfen Dokunmayın. Ankara, Bilgi Yayınevi, 1991.
13. Yüksel A. Haldun Taner Tiyatrosu. İstanbul, Bilgi Yayınevi,1986.

ИГОРЬ ШПАК, АЛЛА ИСТОМИНА

ПОЭМА «ФАРХАД И ШИРИН» НА УКРАИНСКОМ ЯЗЫКЕ

Аннотация

Мақолада филология фанлари доктори, профессор Хасанов Сайдбек Рустамович нинг ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музеи директори вазифасидағи халқаро алоқалари, мамлакатлараро миқёсдаги сиёсий-маданий ва илмий-маърифий ишлари, тажрибали, ишбилармон ва ташаббускор раҳбар сифатидаги қирраларининг бири украин халқи вакили томонидан эътироф қилинади.

Калит сўзлар: «Фарҳод ва Ширин», «АДЕФ-Украина», Киев, Игорь Шпак, Николай Бажан, Борис Чип, Сайдбек Хасанов.

Аннотация

В статье представлен отзыв одного из представителей украинского народа о директоре Государственного музея литературы имени Алишера Навои АН РУз, докторе филологических наук, профессоре Хасанове Сайдбеке Рустамовиче как об опытном, деловом, инициативном руководителе, его деятельности в установлении международных связей и организации политico-культурной и научно-просветительской работы в международном масштабе.

Ключевые слова: «Фархад и Ширин», «АДЕФ-Украина», Киев, Игорь Шпак, Николай Бажан, Борис Чип, Сайдбек Хасанов.

Annotation

The article is acknowledged by a representative of the Ukrainian people, one of the multifaceted features of the doctor of philological sciences, the Director of the State Museum of Literature named after Alisher Navoi, who carried out a large scientific, educational, political and cultural work on an international scale in order to strengthen international relations, an experienced, enterprising and full of initiative leader, about Professor Khasanov Saidbek Rustamovich.

Keywords: “Farhad and Shirin”, “ADEF-Ukraine”, Kyiv, Igor Shpak, Nikolay Bazhan, Boris Chip, Saidbek Khasanov.

На презентации издательского шедевра – билингвы поэмы Шота Руставели «Витязь в тигровой шкуре» на украинском и грузинском языках – в Президентском фонде Л. Д. Кучмы «Украина» состоялась встреча руководителей Издательского Дома «АДЕФ-Украина» Игоря Шпака и Аллы Истоминой, с Чрезвычайным и Полномочным Послом Республики Узбекистан в Украине г-ном Алишером Абдуалиевым. Эту встречу можно считать концептуальной при воссоздании ещё одного фундаментального произведения XV века.

Можно было бы сказать, что встреча носила случайный характер, но, как говорят мудрецы, – «в каждой случайности есть закономерность». А тут к предполагаемой закономерности добавился ещё и высочайший уровень энтузиазма участников этой совершенно, как показала жизнь, неслучайной встречи.

Слово за словом – и вот уже прямо на первой встрече, практически «готов» проект издания поэмы Алишера Навои «Фархад и Ширин» на 3-х языках: украинском, узбекском и староузбекском. Дело осталось «за малым» – подготовить и издать.

Сразу отметим, что первый перевод поэмы «Фархад и Ширин» на украинский язык был выполнен известным поэтом Н. П. Бажаном. Именно поэтому данная работа представлялась весьма простой: найти оригиналы и «стыковать» их с переводом.

Для современного читателя, «умудрённого» такими современными понятиями как «мотивация» или «побудительный момент», данная ситуация покажется совершенно не-правдоподобной или даже какой-то искусственной: где классик узбекской литературы XV века и его герои, а где современная Украина с ее совершенно другими традициями и менталитетом? Скажем откровенно, что объяснить, а тем более понять, побудительные моменты участников этого проекта, исходя только из «материалистической» модели окружающего мира. Более того, там, где начинается духовный мир человека с его неизменными атрибутами – Бог, смысл жизни, высокие идеалы, любовь и т. д. – современный прагматизм всегда неприменим и терпит неизменное поражение. А творчество Алишера Навои – это не только квинтэссенция философии и поэзии Востока, но и целый мир, связанный с духовной составляющей жизни.

Поскольку привычной материальной мотивации в этом проекте не было, а каждая из «инициативно-договаривающихся сторон» проекта старалась сделать только самое «нужное и важное» как для Украины, так и Узбекистана, то результат был предопределен. Он мог быть только успешным.

Ответ на вопрос о том, почему именно «Фархад и Ширин» из «Хамсы» («Пятикнижие»), был связан с тем, что в 1947 году великий украинский поэт Николай Платонович Бажан уже занимался переводом этого произведения на украинский язык, и была готова, скажем так, база перевода произведения. Причем база не какая-нибудь, а высочайшего уровня. Ведь все без исключения переводы Бажана – это произведения искусства.

В общем на старте проект казался достаточно простым: «легкое» редактирование, дизайн и «в печать».

Но, как это часто случается в обыденной жизни, простая инициатива как-то совсем незаметно трансформируется в сложную, со всеми вытекающими для организаторов последствиями. Но, обо всем по порядку.

Для выбора оригинала поэмы и организации работ буквально через неделю после той знаковой встречи И. В. Шпак вылетает в Ташкент, где по просьбе посла Алишера Абдуалиева в Государственном музее литературы им. Алишера Навои Академии наук Республики Узбекистан (АН РУз) его ждёт директор – профессор Сайдбек Хасанов.

На первую встречу в музее литературы профессор Сайдбек Хасанов приглашает академика Азиза Каюмова, директора института языка и литературы, профессора Низамиддинна Махмудова, профессора Ибрагима Хаккулова, хранителя фондов музея Джалилiddин Джураева, главного редактора журнала «Жаҳон адабиёти» Шухратуллу Ризаева.

Благодаря энтузиазму профессора Сайдбека Хасанова все присутствующие буквально «прониклись» целесообразностью работы и очень быстро был согласован план совместных действий, основу которого составлял подбор нужного исходного рукописного текста поэмы «Фархад и Ширин» с обязательным выполнением трех условий:

- рукопись поэмы должна иметь оригинальное высокохудожественное оформление;
- именно эта рукопись переводится на украинский язык (с русским подстрочником и уже потом украинским текстом);
- проведение детального компаративного анализа данного перевода с текстами Бажана.



18 ноября 2013 г. Ташкент. Узбекско-украинская рабочая группа у музея литературы им. Алишера Навои АН РУз

Коллеги из АН РУз достаточно оперативно выполнили свою часть работы. В фондах музея литературы им. Алишера Навои была найдена рукопись «Фархад и Ширин», которую переписал Ибн Абу Мукаррам Абдулваххаб ал-Хиджази (дата переписки 11 рабиуль-авваль 988 хиджри или 26 апреля 1580 г.). Отсканированный текст был переслан нам для работы в «АДЕФ-Украина».

Пока мы в Киеве готовили макет книги, в Ташкенте группа переводчиков во главе с Сайдбеком Хасановым, при участии Кадира Эргашева и Вахаба Рахманова занималась подготовкой подстрочки русского перевода.

И когда раздался долгожданный звонок: «У нас все готово» – издательская группа в полном составе – Алла Истомина, Игорь Шпак от ИД «АДЕФ-Украина» и известный украинский поэт, перу которого принадлежали лучшие переводы С. Есенина на украинский язык, Борис Чип – вылетела в Ташкент.

Поначалу все шло достаточно гладко. Мы уже получили все необходимые для создания книги материалы, согласовали дизайн блока книги и обложки.

Но компаративный анализ все чаще давал недопустимые расхождения. Особенно отчетливо это просматривалось в местах, связанных с упоминанием Бога (Аллаха). Были ещё расхождения, но они не шли ни в какое сравнение с этими.


Где-то мы были готовы к небольшим отклонениям, но не к таким...

Сегодня мы понимаем, что в 1947 году принципиальная позиция идеологической доктрины СССР базировалась на отрицании Бога. И отсутствие Бога в переводах Николая Бажана – это не более, чем дань той эпохе. Но Бог присутствовал во всех произведениях А. Навои. Более того, одна из главных идей поэмы «Фархад и Ширин», состояла именно в том, что любовь и дружба – это подарок людям от Бога.



«Фархад и Ширин», 1580 г. Переписчик Ибн Абу Мукаррам Абдулваххаб ал-Хиджази

Вот так, в процессе «легкого редактирования», мы были вынуждены заниматься «концептуальным восстановлением исторической правды». Не будем скрывать, что это своеобразное открытие придало всему коллективу новый творческий импульс: предложенный нами алгоритм работы - верен и мы на правильном пути. Понятно, что только после этого нам удалось получить полное соответствие количества строф в оригинальном тексте и его переводе.



ИД «АДЕФ-Украина».
Переплет «Фархад и Ширин» образца 2016 года

Бориса Чипа в киевском аэропорту «Борисполь» с черновиком самого полного из всех существующих, современного перевода поэмы Алишера Навои «Фархад и Ширин» на иностранные языки.

И мы гордимся тем, что это был перевод на украинский язык!

Потом ещё более полугода шла поэтическая «шлифовка» текста и без малого год - кропотливая работа дизайнеров, редакторов и всех, кто принимал участие в создании книги.


Несколько слов об особенностях предложенного дизайна. Привлечь современного читателя к произведениям классиков, даже такого уровня как Алишер Навои, - это не совсем простая задача. Дизайн в таких случаях играет особую роль.

Поэтому при подготовке блока книги было использовано такое дизайнерское решение, которое возвращало читателя в эпоху Древнего Востока: основа оформления оставалась такой же, как и в оригиналe рукописи, но было добавлено специальное декорирование каждой страницы книги и переплётной крышки национальными узорами, нанесенными специальной фольгой под «золото».

Из-за увеличившегося объема работы Борис Чип вынужден был остаться в Ташкенте ещё на несколько месяцев и под руководством проф. Сайдбека Хасанова делать перевод недостающих строф.

В новом варианте перевода «Фархад и Ширин» несмотря на «идеологические расхождения» с Николаем Платоновичем Бажаном, мы приняли решение следовать его стилю, рифме и слогу.

Это была наша благодарность великому сыну украинского народа за талантливую работу. Через два месяца мы встречали



ИД «АДЕФ-Украина».

Разворот «Фархад и Ширин» образца 2016 года.

В левой части – староузбекский язык. В правой части – узбекский и украинский языки

В начале мая 2016 года макет 3-язычной поэмы Алишера Навои «Фархад и Ширин» был завершен, и можно было переходить к изготовлению книги.

Праздник «Первого печатного листа» поэмы Алишера Навои «Фархад и Ширин» состоялся 16 мая 2016 года на нашем производстве в г. Буча (30 км от Киева), на который мы пригласили посла Республики Узбекистан, одного из авторов проекта издания г-на Алишера Абдуалиева

Не было праздничных салютов и ТВ-репортажей, торжественных собраний и встреч с теми, кто много лет своей жизни посвятил этой работе, но...у Аллы, Алишера, Сайдбека и меня – главных виновников этого события – было удивительное, приподнятое настроение и внутреннее ощущение, что мы сделали очень важную работу. Может быть даже не для дня сегодняшнего, а для истории, когда обязательно появятся люди, которые поймут и оценят.

25 мая 2016 года в посольстве Узбекистана в Киеве, были проведены торжества и научно-практическая конференция, посвященные 575-летию со дня рождения Алишера Навои.

На конференции присутствовали известные деятели науки, культуры и искусства Республики Узбекистан и Украины, представители Администрации президента Украины, МИД, Минкультуры, Национальной Академии Наук Украины, главы дипломатических миссий 20-ти зарубежных стран, студенты из различных вузов Украины, представители СМИ, а также узбекской диаспоры и узбекской студенческой молодежи.



Крайний слева: проф. Сайдбек Хасанов. Справа налево: Директор Института украинского языка и литературы АН Украины, профессор Павел Гриценко и Представитель Администрации Президента Украины Юрий Богуцкий

Среди которых участников мероприятия были ведущий «навоивед» республики Узбекистан, Герой Узбекистана, профессор Суйима Ганиева, директор Государственного музея литературы им. Алишера Навои АН РУз, профессор Сайдбек Хасанов, заведующая кафедрой Ташкентского педагогического университета Каромат Муллаходжаева, Герой Украины академик НАНУ Иван Дзюба, академик НАНУ Борис Олейник, директор Института украинского языка, профессор Павел Гриценко и др.



Выступление Героя Узбекистана, профессора Суйимы Ганиевой. Справа: Герой Украины, академик АН Украины Иван Дзюба.

гостеприимство сделали празднование по-настоящему незабываемым и красивым.

По общему мнению, книга получилась. Это то, что мы привыкли называть – Книга!

В 2017 году на празднование 575-летия со дня рождения Алишера Навои в Ташкент была приглашена украинская делегация, которая привезла «украинскую» книгу «АДЕФ-Украина» с поэмой Алишера Навои «Фархад и Ширин».

Узбекская сторона отнеслась к подарку с величайшим уважением, на всех уровнях - от учебных заведений до аппарата Администрации Президента.

От имени всего узбекского общества оценку нашему издательскому проекту дал ректор Ташкентского университета языка и литературы им. Алишера Навои профессор Шухрат

Сирожиддинов: «...узбекские ценители многогранного творчества великого Алишера Навои с нетерпением ждали презентации украинского перевода поэмы «Фархад и Ширин», которая является предметом эстетического совершенства и внимания ценителей поэзии и литературного слова...».

В своей приветственной речи г-н Посол А. Абдуалиев еще раз сердечно поблагодарил всех инициаторов и участников этого проекта за добросовестный труд, позволивший за короткий период времени (более четырех лет!) сообща довести до логического конца работу известного поэта Украины Николая Бажана – перевод поэмы Навои «Фархад и Ширин» на украинский язык.

Было еще много выступлений и поздравлений, но теплота, искренность и неизменное узбекское



Слева направо: Посол Республики Узбекистан в Украине Алишер Абдуалиев, директор ИД «АДЕФ-Украина» Алла Истомина, генеральный директор группы «АДЕФ» Игорь Шпак

—

В последующих выступлениях заместитель Премьер-министра Маджит Каримов, посол Украины Юрий Савченко, директор института украинского языка и литературы АН Украины Павел Гриценко отметили, что этот издательский проект стал знаковым событием в истории культурно-гуманитарного взаимодействия между Узбекистаном и Украиной, а представленная книга будет интересна для народов обеих стран.

Выступление проф. Сайдбека Хасанова было кратким и конкретным – книга получилась и она – не только образец высокого мастерства, но глубочайшего уважения гению А. Навои. А популяризация творчества Алишера Навои - это работа на будущее, работа ради будущего!

И сегодня, когда проф. Сайдбека Хасанова уже нет среди нас, можно с уверенностью сказать, что совместный украинско-узбекский издательский проект станет достойным монументом памяти нашего друга и партнера проф. Сайдбека Хасанова!

Эслатма: Тахририятга йўлланган мақолада муаллиф исми ва фамилияси, иш жойи, илмий даражаси, электрон почта манзили, иш ва қўл телефон рақамлари, юборганинг вақти қайд этилиб, имзо билан тасдиқланиши керак;

Тақдим этиладиган мақола филологиянинг долзарб мавзусига бағишлиланган бўлиши, илмий мақола нашри талабларига жавоб берни лозим;

“Filologik tadqiqotlar” тахририятига тақдим этилган илмий мақолалар танланиб олинади. Мақола мазмуни учун жавобгарлик муаллифлар зиммасига юклатилади;

Тахририят муаллифлардан қўлётзмалар, фото-лавҳалар ҳамда расмлар қабул қилиб тахрир этади ва нашрга тайёрлайди. Материаллар тахририятда макетлаштирилиб, босмахонага файл тарзида топширилади ва журналнинг чоп этилиши тахририят томонидан назорат қилинади;

Кўчириб босилган мақолаларга “Filologik tadqiqotlar” журналидан олингани кўрсатилиши шарт.

Тахририят манзили:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани,
Зебунисо кўчаси, 12 уй.
Тел.: +998 93 5768407
Телеграм: +998 93 5728407
e-mail: tahririyatfilolog@mail.ru

Босмахонага топширилди: 2021 йил 25 январ.

Босишига рухсат этилди: 2021 йил 28 январ.
Қоғоз бичими А4. Офсет усулида чоп этилди.

Ҳажми 9,0. босма табоқ.
Буюртма № 02/21. Адади 50 дона.
Баҳоси келишилган нархда.

FİLOLOGİK TADIQOTLAR

“MUMTOZ SO‘Z” ОК
матбаа бўлимида чоп этилди.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Бешқайрағоч кўчаси, 150 уй.
Тел.: +998998471212
e-mail: mumtoz_soz@mail.ru